

ШАЙХ НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ

МАХЗАН УЛ-АСРОР
(Сирлар хазинаси)

Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири
Жамол Камол
таржимаси

Тошкент – 2016

УЎК: 050070:94(0)479.24

КБК: 76.01

О-33

Шайх Низомий Ганжавий

Махзун ул-асрор/достон

Ганжавий. – Тошкент : «KAMALAK» нашриёти. 2016. 216 б.

Шайх Низомий Ганжавий – буюк озарбойжон шоири, шарқ адабиётида хамсачилик анъанасини бошлаб берган даҳо санъаткор.

Амир Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Мир Алишер Навоий каби устоз шоирлар уни устоз деб аташган, унга пайров қилиб “Хамса” яратишган.

“Махзан ул-асрор” – Низомий “Хамса”сининг илк достони. Унда сирлар хазинаси саналмиш инсон қалби ва унинг тарбияси хусусида сўз боради. Шоир кўнгилни эҳтиром ила “хўжам” деб атайди ва дил – ҳақ назаргоҳи деган илоҳий ҳикматни зоят ҳассос оҳангларда тараннум этади.

Марҳамат, “Махзан ул-асрор”ни ўқинг, маънавиятингизни бойитинг!

Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи: Эргаш ОЧИЛОВ

филология фанлари номзоди

Муҳаррир ва нашрга тайёрловчи: Гулбаҳор АШУРОВА

филология фанлари номзоди

Ушбу таржима адабиётшунос олимлар Баҳром Сирус ва Жабулқо Додалишоев томо-нидан тайёрланиб, 1984 йилда чоп этилган. Душанбе нашри асосида амалга оширилди.

ISBN 943-9943-4373-8-7

©**Ж.Камол**
©**”Kamalak”, 2016**

КЎНГИЛ ОЛАМИГА САЁҲАТ

*Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжа урмоқ.*

Алишер Навоий

Шарқ мумтоз адабиётининг бешигини тебратганлардан бири хамсачилик кашшофи Низомий Ганжавий ҳисобланади. Унинг тўлиқ номи Абумуҳаммад Илёс ибн Юсуф ибн Закий Муайяд бўлиб, 1141 йили Ганжа шаҳрида туғилган.

Бўлажак шоир ота-онадан ёш етим қолади. Уни боқиш ва тарбиялашни тоғаси Хожа Умар ўз зиммасига олиб, имкон қадар жиянининг илм эгаллашига кўмаклашади. У турли илмларни ўзлаштиришга иштиёқманд бўлиб, Қуръонни ёд олади. Кейин фикҳ, тарих, жуғрофия, фалсафа, мантиқ ва адабдан таълим олиб, уларнинг ҳар бирида устод даражасига етишади. Табиий фанлар, хусусан, табобат ва илму нужум (астрономия)ни тамомила ўзиники қилиб олади. Замонавий илмлардан ташқари, қадимги юнон фалсафаси ва адабиёти, эроний халқларнинг исломдан олдинги сўз санъати, халифалик даври илмий-адабий асарлари, яҳудий ва насроний халқлар тарихи, Кавказ халқларининг ўтмишидан ҳам етарли маълумотга эга эди. Уни етук математик сифатида эътироф этардилар. Кимё фанини чуқур билар, ҳозик табиб ҳам эди. Гален, Гиппократ, Закариё Розий, Абу Али ибн Сино каби тиб соҳаси билимдонларининг асарларидан яхши хабардор эди. У деҳқончилик ва боғдорчилик илмларидан ҳам баҳраманд бўлган. Умуман, шоир шеърияти унинг турли илмларни чуқур билганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам замондошлари уни ҳаким деб улуғлаганлар. Бу ҳақда шеърларидан бирида шоирнинг ўзи шундай ёзган эди:

Ҳар чи аз дақиқаҳои нужум
Ба яқояк нуҳуфтаҳои улум
Хондаму ҳар варақ, ки межустам
Чун туро ёфтам варақ шустам.

Мазмуни: “Нужум илми ва умуман барча илмларни энг нозик нуқталаригача варақма-варақ ўқиб чиқар экан, мақсадим улар

воситасида Сени топиш эди. Сени топгач, бу илмларнинг барчасидан кўлимни ювдим”.

Низомий даври ўзининг талотўплари, нотинчликларига қарамай, Кавказ, Эрон ва Ўрта Осиё халқлари тамаддуни даври эди. Жумладан, XII асрда Абулаъло Ганжавий, Изиддин Ширвоний, Маҳастий Ганжавий, Мужириддин Байлақоний, Хоқоний Ширвоний, Авҳадиддин Анварий, Рашидиддин Ватвот, Жамолиддин Абдураззоқ, Фаридиддин Аттор, Камолиддин Исмоил каби шоирлар яшаб, ижод қилдилар. Низомий уларнинг кўпи билан яқин алоқада бўлиб, Хоқоний билан эса қалин дўст эди.

Бу даврда Хуросон ва Мовароуннахрнинг кўплаб шаҳарлари, жумладан, Ганжада ҳам жавонмардлик ёки ахийлик номи билан машҳур ҳаракат кенг ёйилган. Ҳаракат аъзолари асосан косиб ва ҳунармандлардан иборат бўлиб, улар золим ҳукмдор ва амалдорларга қарши курашар, кенг халқ оммасининг манфаатларини ҳимоя қилар, камбағал ва бечораларни қўллаб-қувватлар эди. Эзгулик, адолат, инсоф, мурувват, саховат, лутфу карамни шиор қилиб олган бу тоифа илму маърифатга катта аҳамият берган. Низомий бу ҳаракат қоидаларини ҳурмат қилар ва уларга мойил эди. Низомий шахсияти, дунёқа-раши ва ижтимоий ақидалари шу ташкилот ғоялари, косиб ва ҳунармандлар таъсирида камол топди. Шоир асарларидаги жавонмардлик ғоялари тасвири шунинг маҳсулидир.

Низомийнинг ҳаёти бошдан-охир Ганжа шаҳрида ўтди. Бир гал Ироқ султони Туғрулшоҳнинг даъватига биноан Табризга сафар қилди, бироқ у ер-да уч кундан ортиқ туролмади. У сарой хизматига кирмай, ўз умрини эркинлик ва хилватнишинликда ўтказди. Лекин ўша давр ҳукмдорлари унга совға-саломлар юбориб турганлар. Чунончи, Дарбанд ҳокими Бойбарс ибн Малик Музаффар 1169 йили тухфалар қаторида унга Офок исмли бир канизакни ҳам тухфа қилади. У шоирнинг чўриси эмас, балки умр йўлдоши, маслаҳатчиси, илҳомчисига айланди. Низомийга Муҳаммад исмли ўғил ҳадя этган Офок 1180 йили бевақт вафот этади. Шоир энг азиз кишиси бўлган бу аёл муҳаббати ва ҳурматини бир умр хотирасида сақлаб, “Хусрав ва Ширин” достонидаги Ширин тимсолида унинг ёрқин сиймосини абадийлаштиради. “Ширин образи Низомийнинг Офок учун

қўйган ҳайкали эди. Низомий Офокқа бўлган қайноқ ҳис-туйғуларини кексалик йилларида яратган “Искандарнома” достонида ҳам дард билан эслайди”¹.

“Низомий “Хамса”нинг илк достони “Махзан ул-асрор”ни 1173–1176 йиллар орасида ёзган ва Кичик Осиёдаги Эрзинжон шахрининг ҳокими Баҳромшоҳга йўллаган. Достон Баҳромшоҳга маъқул тушиб, шоирга талай инъом-эҳсон жўнатган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Низо-мийнинг муҳолифлари бу тухфани талон-торож этганлар. Шунинг учун ҳам шоирнинг моддий аҳволи умрининг охиригача оғирлигича қолган”².

Қизил Арслон ҳам ҳеч қандай даромад келмайдиган Ҳамдўён қишлоғини Низомийга муҳрлаб беради. Буни эшитганлардан бири узунлиги ва эни ярим фарсаҳ келадиган бу қишлоқнинг йиллик даромади унинг харжига ҳам етмаслигини писанда қилади. Шоир шу ернинг ўзидаёқ ушбу ёрликни дуч келган бир кишининг қўлига бериб, жўнаб қолади.

Шоирнинг таассуф ва алам билан мана бундай мисраларни битишига балки сабаб шудир:

Ман, ки қонё шудам ба донаи хеш,
Сарварам чун садаф ба хонаи хеш.
Сарвари беҳ, ки ёри ман бошад,
Сарпарастии чи кори ман бошад.
Шер аз он пояи бузурги ёфт,
Ки сар аз тавқи сарпарастии тофт.

Ш. Шомухамедов таржимаси:

Ўз ризқим донидан қилиб қаноат,
Садафдек хонамда сарварман фақат.
Бировларга мухтож бўлгандан, минг бор –
Яхши-ку қаноат бўлса менга ёр.
Ўзга ҳомийлигин шер этиб инкор,
Мавжудот ичинда бўлди улуғвор.

Низомий 1209 йили 12 мартда вафот этади.

Низомийнинг номини жаҳонга машҳур қилган унинг беш достонни ўз ичига олган “Хамса”си бўлди. Бу достонлар – “Махзан ул-асрор” (“Сирлар хазинаси”), “Хусрав ва Ширин”,

¹ Эркинов С., Ғанихонов М. Низомий Ганжавий. – Тошкент: “Фан”, 1992. 10-бет.

² Ҳомидий Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. – Тошкент: “Шарқ”, 138-бет.

“Лайли ва Мажнун”, “Ҳафт пайкар” (“Етти гўзал”) ва “Искандарнома” (у “Шарафнома” ва “Иқболнома” номли икки қисмдан ташкил топган)дан иборат. Абдурахмон Жомий таъбири билан айтганда, шоирнинг “Хамса”да “қўлга киритган назокати ва латофати ҳеч кимга муяссар бўлмаган, балки, умуман, одамзод қудратидан ташқари”³. Алишер Навоий эса “ул назмлар агарчи зоҳир юзидин афсонадур, аммо ҳақиқат юзидин ҳақойиқ кашфи ва маориф баёниға баҳонадур”⁴, деб таъриф-лайди.

Низомийнинг шеърлар девони бизгача етиб келмаган. Шоирнинг лирик шеърлари турли баёз ва тўламлардан топиб жамланган. Чунончи, унинг Эронда нашр этилган биринчи девонида 12 қасида, 137 ғазал, 9 қитъа, 46 рубоий мавжуд бўлса, иккинчи нашрида 16 қасида, 192 ғазал, 5 қитъа, 68 рубоий ва 17 байт пароканда шеърлар бор. Шу икки нашр асосида Тожикистонда Ж.Додалишоев ҳам Низомий девонини нашр этган. Душанбе-да нашр этилган шоир асарларининг 5 жилдлигида эса 55 ғазал, 5 қасида, 2 қитъа, 9 рубоийси мавжуд⁵. Ҳолбуки, Давлатшоҳ Самарқандий Низомий де-вони 20 минг байт шеърни ўз ичига олган, деб кўрсатади.

XV асрда Низомийнинг лирик шеърлари кенг ўқувчилар оммасига маълум бўлмаган бўлса керакки, Навоий Низомийни маснавий устаси сифатида баҳолаган ҳолда, лирик шоир сифатида тилга олмайди. “Маҳбуб ул-қулуб”даги шоирлар таснифотида ҳам унинг номини учратмаймиз. Лекин “Хамса” дostonларидан барчасининг муқаддима қисмида ва “Садди Исканда-рий” хотимасида Навоий Низомийни устоз шоир сифатида мадҳ этиб, унинг шеърий маҳорати ва бадиий балоғатини таъриф-тавсиф қилади. Чунончи, “Ҳайрат ул-аброр”да Низомийга алоҳида боб бағишлаб, уни, жумладан, қуйидаги сўзлар билан таърифлайди:

Ганжа қуёшики кўтаргач алам,
Айлади сўз мамлакатин якқалам...
Кўп киши ҳам қилди татаббуъ ҳавас,

³ Абдурахмон Жомий. Баҳористон (Ш.Шомухамедов таржимаси). – Тошкент: “Ёзувчи”, 1997. 84-бет.

⁴ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 17-жилд (Насойим ул-муҳаббат). – Тошкент: “Фан”, 2001. 470-бет.

⁵ Қаранг: Низомий Ганжавий. Куллиёт. Дар панж жилд. Жилди 5. Иқболнома. Махзан ул-асрор. Девони ашъор. – Душанбе, 1984. С. 397–440.

Сарву гул ўтрусига келтурди хас...

“Фарҳод ва Ширин” достонида ҳам Низомий ва Деҳлавийга алоҳида боб бағишлайди. Жумладан, Низомийни – фил, ўзини – пашшага ўхшатиб, “Хам-са” яратишда унинг руҳидан мадад сўрайди:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжа урмоқ.

“Садди Искандарий” достони ниҳоясида эса шоир бир туш кўргани ва Низомий уни “Хамса” ёзганини қўллаб, муборақбод ётганини ёзади.

“Насойим ул-муҳаббат”да Низомийни шайхлар қаторида тилга олади:

“Машҳур мундоқдурки, алар сулук айёмида қирқ арбаъин чиқарибдурлар ва тўрт арбаъинни бир дарахт устида чиқарибдурлар. Ҳар ойина бу навъ муфрит риёзатлар тортмағунча бу навъ беш ганжки, аларга насиб бўлубдурки, кўп абъёти алфоз жазолатидин ва маъною таркиб салосатидин деса бўлурки, эъжоз сарҳадига етибдур, кишининг илкига кирмак имкон эмас ва умрлари олтмишдан ўтган экандур...”⁶.

Низомий шеърлари фақат бадиий жиҳатдан гўзал ва мукаммал бўлиб-гина қолмай, уларда ўз замонининг барча илму ҳунарларини эгаллаган мутафаккир олим ва ҳаётда катта тажрибага эга бўлган донишманд инсон- нинг теран ва пурҳикмат сўзлари ўз аксини топганлигини кўрамыз. Уни нафақат форсий-туркий ёхуд умуман Шарқ, балки жаҳон сўз санъатининг устозлари даражасига кўтарган жиҳатлардан бири шунда. Зеро, шоир шеърларида биз гўзал шеърий санъатларни ҳам, ҳар тарафлама кенг ва чуқур илмий фикр ва мулоҳазаларни ҳам, ҳаётий кузатиш ва ҳикматларни ҳам учратамыз – улар кўпинча ўзаро омухта бўлиб, бу шеърларнинг юксак бадиияти ва теран мазмундорлигини таъминлаган. Чунончи, қуйидаги рубоий нафақат замонасининг барча илғор илмларини эгаллаган мутафаккир олим, айти пайтда, ҳаётнинг бутун аччиқ-чучугини тотган, катта турмуш тажрибасига эга, жамиятнинг тараққиёт қонунларини теран тушунадиган донишманд инсоннинг қалби қаъридан чиқиб, қоғозга тўкилган доно фикрлардир:

⁶ А л и ш е р Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд. 471-бет.

Адл аст, ки бунъёди зафарҳо бошад,
Зулм аст, ки мўжиби зарарҳо бошад.
Жуд аст, ки пардадори ҳар айб бувад,
Бухл аст, ки сарпўши ҳунарҳо бошад.

Э.Очилов таржимаси:

Бил, адлу адолат зафарлар сабаби,
Бил, зулму ситам барча зарарлар сабаби.
Бил, хайру саҳо айбу гуноҳни ёпгай,
Пастлигу ҳасислик қадарлар сабаби.

Барча ўтмиш мутафаккирлари қаби Низомий ижодида ҳам инсонга бир марта бериладиган умрни қадрлаш, уни эзгу ишларга бағишлаш, бу жаҳон айвонида ўзидан яхши ном қолдиришга даъват этиш мотивлари етакчи ўрин тутади:

Ба ҳарза медиҳи барбод умри нозанин, к-аз вай
Ба ҳосил метавон қардан ҳаёти жовидониро.
Ба жон нахридаи жонро аз он қадраш намедони,
Ки ҳинду қадр нашносад матои ройгониро.

Мазмуни: “Шундай гўзал умрни елга совурасан-а, ахир, у орқали абадий ҳаётни таъминлаш мумкин-ку?! Худди ҳинду текин нарсанинг қадрини билмагандай, жонингни жон эвазига қўлга киритмаганинг учун ҳам унинг қадрига етмайсан”.

Ғазалларидан бирида шоир бу ўткинчи дунё, нотанги замон инсоннинг улуғвор мақсадлари, илоҳий муҳаббати ва улар йўлидаги эзгу интилишлари олдида ҳеч нарсага арзимаслигини айтади. Чунки инсон ўзининг ибратли ҳаёти, эзгу ишлари, сермазмун ижоди билан номини мангуликка нақш этиши мумкин – ғаддор замон ва ёвуз одамлар эса унга ҳалақит беришдан бошқасига ярамайдилар:

Хуш зи, ки замона ғам наярзад,
Андешаи бешу кам наярзад.
Вазнаш ҳама нимжав насанжад,
Додаш ҳама як ситам наярзад.

Ш.Шомухамедов таржимаси:

Шод яша, бу замон ғамга арзимас,
Қисилмагил, кўпу камга арзимас.
Арпа дониҷа ҳам турмайди ўзи,
Ситами кўз ёшу намга арзимас.

Маълумки, Шарқ мумтоз шоирлари ижодида ўзининг шеърятда тутган ўрнидан, ўз маҳорати ва балоғатидан фахрланиб ёзилган шеър ва байтлар кўп учрайди. Чунончи, Низомий ёзади:

Басе кўшид булбул бо Низомий,
Чу бишнид ин ғазал, минқор барбаст.

Мазмуни: “Низомийга етаман, деб булбул жуда кўп саъй-ҳаракат қилди, лекин ушбу ғазални эшитди-ю, хомуш бўлди”.

Дарҳақиқат, Низомийни устоз деб билган, унга эргашган, унга тақлид қилган шоирлар кўп, лекин уларнинг ҳеч бири Низомий кўтарилган шоҳсупа-га кўтарилолмаган.

Низомий Ганжавий номи қадимдан халқимиз орасида машҳур, таъбир жоиз бўлса, у ўзбекнинг ўз шоирига айланиб кетган. Алишер Навоийгина эмас, барча мумтоз шоирларимиз уни ўзларига устоз деб билишган. XIV аср ўрталаридаёқ Қутб Хоразмий унинг энг машҳур достони “Хусрав ва Ширин”ни тилимизга маҳорат билан таржима қилган эди. Орадан бир аср ўтгач, Ҳайдар Хоразмий ҳамса асосчисининг “Махзан ул-асрор” достонига жавобан “Гулшан ул-асрор” асарини яратади. Ўз “Хамса”сининг беш достонини беш буюк салафи (Низомий, Хусрав, Хожу, Ашраф, Жомий)га татаббу сифатида яратган Навоий “Ҳайрат ул-аброр”ни айнан “Махзан ул-асрор”га жавоб тариқасида ёзади. “Хамса” панжасига панжа урупмен. Аввалким, “Ҳайрат ул-аброр” боғида таъйим гуллар очибдур, Шайх Низомий руҳи “Махзан ул-асрор”идин бошимга дурлар сочибдур”, – деб ёзади шоирнинг ўзи бу ҳақда “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида⁷. Забардаст шоир ва моҳир мутаржим Муҳаммадризо Огаҳий “Ҳафт пайкар”ни эркин насрий таржима қилади. “Искандарнома” достони ҳам ўтмишда илму адаб аҳлининг диққати-ни ўзига жалб этган. Жумладан, “Шоҳнома” таржимони, шоир ва адиб Шоҳи Ҳижрон “Қиссаи Дорои Зарринкамар” асарида “Иқболнома”нинг мухтасар мазмунини баён этган. Нурмуҳаммад Бухорий, Мулла Фозил Хомушийлар ҳам Низомий “Хамса”сини шарҳлар эканлар, “Искандарнома”ни батафсилроқ таҳлил қилишга ҳаракат этишган”⁸.

⁷ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. 10-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. 526-бет.

⁸ Ҳомидий Ҳ. Ганжалик пир // “Сино” журнали, 2002 йил, 7-сон, 31-бет.

1947 йил Низомийнинг 800 йиллик юбилейи собиқ Иттифок миқёсида кенг нишонланди. Шу муносабат билан Ўзбекистонда ҳам шоир “Хамса”си дostonлари таржимасидан намуналар – “Хусрав ва Ширин” (Қутб таржима-си), “Махзан ул-асрор” (Ҳайдар Хоразмий таржимаси)⁹, “Ҳафт пайкар” (Огаҳий таржимаси) ҳамда “Лайли ва Мажнун” (Н.Охундий, Хислат ва Муҳаммаджоновлар таржимаси)дан парчалар Мақсуд Шайхзода сўзбошиси билан алоҳида тўплам ҳолида нашр қилинди¹⁰. Кейинчалик таниқли таржи-мон, форс-тожик адабиёти билимдони Шоислом Шомухамедов шоирнинг 2 қасидаси, 20 ғазали, 8 қитъаси, 49 рубойиси, 74 ҳикмати ҳамда “Махзан ул-асрор” ва “Ҳафт пайкар” дostonларидан парчалар таржима қилиб, “Шарқ классиклари меросидан” сериясида чоп эттирди¹¹. Форс-тожик шоирлари асарларининг ўзбекча таржималаридан тартиб берилган “Инжулар уммони” тўпламида Ганжа пирининг яна 2 ғазали¹² ва “Хусрав ва Ширин” дostonидан Ширин таърифига бағишланган парча Ш.Шомухамедов таржимасида берил-ган¹³. Жонибек Сувонқулов “Иқболнома” маснавийсини тилимизга ўгирган бўлса¹⁴, Олимжон Бўриев шоирнинг “Панж ганж”ига кирувчи “Лайли ва Мажнун”, “Хусрав ва Ширин” ҳамда “Махзан ул-асрор” дostonларини ўзбек ўқувчилари эътиборига ҳавола этди¹⁵. “Махзан ул-асрор”га ёзган шеърий сўнгсўзидан маълум бўлишича, у буюк салафи “Хамса”сини тўлиқ таржима қилган. Биз буюк сўз санъаткорининг 15 та рубойисини ўз анъанавий вазнида таржима қилганмиз¹⁶.

⁹ Ҳайдар Хоразмийнинг “Гулшан ул-асрор” маснавийси “Махзан ул-асрор” дostonи таъсирида ёзилган мустақил асар бўлиб, у узок йиллар мобайнида янглиш равишда Низомий “Хамса”си илк дostonининг таржимаси ҳисобланиб келди ва унинг ушбу тўпламга кириб қолиши ҳам шу хато қарашлар натижасидир. – Э.О.

¹⁰ Қаранг: Н и з о м и й Г а н ж а в и й. Гулдаста (“Панж ганж”дан парчалар). – Тошкент, 1947.

¹¹ Қаранг: Низомий шеъриятдан. – Тошкент, 1983.

¹² Қаранг: Инжулар уммони. 256-бет.

¹³ Ўша ерда. 272–275-бетлар.

¹⁴ Қаранг: Н и з о м и й Г а н ж а в и й. Иқболнома. – Тошкент: “ART FLEX”, 2009.

¹⁵ Қаранг: Н и з о м и й Г а н ж а в и й. Лайли ва Мажнун. – Техрон, 2005; Н и з о м и й Г а н ж а в и й. Хусрав ва Ширин. – Техрон, 2005; Н и з о м и й Г а н ж а в и й. Махзан ул-асрор. – Тошкент: “CHASHMA PRINT”, 2013.

¹⁶ Қаранг: Н и з о м и й Г а н ж а в и й. Рубойилар \\\ Донишмандлар тухфаси. Рубойилар (Э.Очилов таржимаси). – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2009. 96–100-бетлар.

Ўзбекистонда Низомий ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилган. Навоий билан боғлаб ўрганилган ишлардан ташқари, бевосита қардош шоир меросининг ўзи, адабий алоқа ва бадий таъсир масалалари, асарларининг таржималари юзасида В.Зоҳидов, Н.Маллаев, Ш.Шомухамедов, С.Эркинов, М.Ғанихонов, С.Ғаниева, Ҳ.Ҳомидий, Э.Очилов, К.Муллахўжаева, О.Жўрабоевлар у ёки бу даражада тадқиқотлар олиб борганлар. Озар адиби Муҳаммад Сайид Ўрдубодийнинг Низомий ҳақидаги икки китобдан иборат “Қилич қа қалам” романи Назира Алиева ва Муҳсин Ҳамидовлар томонидан ўзбекчага ўгирилиб нашр қилинган¹⁷.

“Махзан ул-асрор” (“Сирлар хазинаси”) – Низомий “Хамса”сининг илк достони бўлиб, у ҳижрий 572 – милодий 1175\76 йилда ёзиб тугалланган. Бу ҳақда асар ниҳоясида шоирнинг ўзи шундай ёзади:

Этсам агар ой санасин ошкор,
Кун йигирма тўрту аввал баҳор.

Йил эса ҳижратдин ўтиб ул замон,
Беш юзу етмиш ики эрди ҳамон.

“Махзан ул-асрор” машҳур мутасаввиф адиб Ҳаким Санойининг “Ҳадиқат ул-ҳақиқа” (“Ҳақиқат боғи”) достонига назира тарзида битилган бўлса-да, у каби хафиф баҳрида эмас, балки сареъи мусаддаси матвийи мақсур (мавкуф) вазни (муфтаилун муфтаилун фоилун (– V V – \ – V V – \ – V –)да яратилган бўлиб, 2264 байт (4528 мисра)дан иборат. У ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-таълимий дoston бўлиб, сўфиёна руҳдан холи эмас. Асар ягона сюжет чизиғига эга эмас. У 59 боб: 18 муқаддима, 20 мақолат ва уларга илова тарзида келтирилган 20 ҳикоят ва хотимадан иборат. Улар: икки муножот, Пайғамбар васфи, меърож таърифи, тўрт наът, Баҳромшоҳ мадҳи, ўзининг таъзим адосидаги сўзи, асарнинг мақоми ва мартабаси ҳақидаги фикри, сўз фазилати баёни, назмнинг насрдан афзаллиги, икки

¹⁷ Қаранг: М а л л а е в Н. Низомий Ганжавий мероси ва унинг маърифий тарбиявий аҳамияти. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1985; Э р к и н о в С., Ғ а н и х о н о в М. Низомий Ганжавий. – Тошкент: “Фан”, 1992; Ҳ о м и д и й Ҳ. Ганжалик пир \ “Сино” журнали, 2002 йил, Куз (№ 7), 31–35-бетлар; Низомий ва ўзбек адабиёти (Илмий анжуман материаллари). – Тошкент: Ислom университети, 2007; Ў р д у б о д и й М.С. Қилич ва қалам. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970.

хилват ва уларнинг икки самараси, тунги ишрат хусусида, йигирматадан мақолат ва ҳикоят ва хотима. Муқаддима қисмлар гарчи Шарқ дostonчилиги анъаналарига эргашиб ёзилган бўлса-да, сўз фазилати, назм ва наср қиёсига бағишланган боблар ҳамда икки хилватда муаллифнинг дастуриламал характеридаги фикр ва қарашлари илгари сурилган. Мақолатларда эса у инсоннинг яратилиши, ҳукмдорлик ва адлу инсоф, дунё ҳодисалари, шоҳ ва халқ муносабати, кексалик ва ёшлик, инсонийлик фазилатлари, яратилиш моҳияти, дунёнинг бевафолиги, унинг мазаммати, таркидунё ва тирикчилик ташвишларидан нажот топиш, охирзамон аломатлари, ғафлат танқиди, ҳасадгўйлар маломати, маслак йўлида собитлик, ибодату тажрид, мунофиқларни ёзғириш, охират билан юзлашиш, замон аҳлининг беадаблиги каби мавзуларда баҳс юритади. Шоир аввал мавзуга оид ўз фикру қарашларини баён этиб, кейин сўзларининг тасдиғи учун ҳикоят келтиради. Шу тариқа, муаллиф ўқувчини ўз сирлар хазинасига “таклиф этар экан, уни жамият ва инсон ҳаётининг бири ошкор, бири пинҳон сирлари билан яқинроқ таништиришни мақсад қилиб қўяди. Бинобарин, “Махзан ул-асрор”ни шоирнинг ҳаётий кузатишлари асосидаги фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий қарашларининг бадиий мажмуаси дейиш мумкин”¹⁸.

“Махзан ул-асрор” – Низомийнинг Аллоҳ– Олам–Одам муносабатлари борасидаги кўп йиллик кузатишлари ва тафаккури натижасида англаганлари, ҳаёт моҳияти ва инсон умрининг мазмуни хусусида ўйлаганлари, идеал жамият ва комил инсон ҳақида истаганларининг бадиий образ ва тимсоллар воситасидаги назмий талқинидир.

Инсон–ҳаёт–жамият ҳақидаги қарашлари дарж этилган кўнгил дафтариidir.

Айни жиҳатдан, “Махзан ул-асрор” – шоирнинг ўзига хос ҳаётномаси, авлодларга эса йўриқномасидир.

Дунёнинг барча донишмандлари каби, Низомийни ҳам дунёнинг моҳияти, ҳаётнинг мазмуни, инсоннинг жамиятдаги ўрни, турли инсоний фазилат ва иллатлар каби азалий ва абадий муаммолар қизиқтирган, қийнаган, тафаккур уммонига чўмдирган. Айни ҳаётий масалалар, одамлараро муносабатлар,

¹⁸ Эркинов С., Ғанихонов М. Низомий Ганжавий. – Тошкент: “Фан”, 1992. 20-бет.

инсон хилқатининг турфа тусланишу турланишлари тўғрисидаги қарашларини турли мавзуларга ажратиб, дoston тузилишини шакллантиради. Дикқат қилинса, адолатли жамият, одил ҳукмдор, комил инсон тушунчалари шоир қарашларининг марказида туради. Бу йўлда асосий тўсиқ бўлган дунё ва инсоний иллатлар танқиди дostonда муҳим ўрин тутди. Асарда асосий эътибор дунё мазаммати ва инсоний иллатлар танқидига йўналтирилганлиги бежиз эмас. Йигирма мақолатдан бештаси, яъни тўртдан бири дунёга бағишлангани бежиз эмас: “Дунё ҳодисалари хусусида” (3-мақолат), “Дунё ташвишларидан қутулиш баёнида” (9-мақолат), “Дунёнинг бевафолиги баёнида” (11-мақолат), “Тупроқ манзили бўлмиш дунёга видo айтиш” (12-мақолат), “Дунёга таъна-маломат ёғдириш” (13-мақолат). Инсоннинг яратилиши, табиати, фазилат ва иллатлари билан эса ўн уч мақолат – асарнинг тенг ярми боғлиқ дейиш мумкин: “Одам Атoнинг яратилиши хусусида” (1-мақолат), “Кексалик васфида” (5-мақолат), “Мавжудот эътибори баёнида” (6-мақолат), “Одамийликнинг бутун хилқатлардан устунлиги” (7-мақолат), “Яратилиш баёнида” (8-мақолат), “Охирзамон аломатлари баёнида” (10-мақолат), “Ғафлатга маломат ёғдириш” (14-мақолат), “Ҳасадгўйларга маломат ёғдириш” (15-мақолат), “Маслак йўлида жадал олға бoсиш баёнида” (16-мақолат), “Ибодату тажрид баёнида” (17-мақолат), “Мунофиқларга маломат ёғдириш” (18-мақолат), “Охират ила юзлашув баёнида” (19-мақола), “Замондошларнинг беадаблиги баёнида” (20-мақолат). Аслида қолган барча бoблар ҳам у ёки бу даражада инсон билан боғлиқ. Шоҳ–халқ–жамият–адолат масалалари ҳам дostonнинг таянч қисмларидан ҳисобланади: “Инсоф, адолат ҳимоясида шоҳга панду насиҳат” (2-мақолат), “Подшонинг раиятга ҳусни риояти баёнида” (4-мақолат). Лекин “Ноумид подшо ва уни Аллоҳ афв этгани ҳикояти” (1-мақолат), “Сулаймон ва деҳқон ҳикояти” (3-мақолат), “Фаридун ва оху ҳикояти” (7-мақолат), “Зoлим подшо ва ростгўй киши ҳикояти” (14-мақолат), “Ёш шахзода ва унинг кекса душманлари ҳикояти” (15-мақолат), “Жамшид ва унинг хос маҳрами ҳикояти” (18-мақолат), “Ҳорун ар-Рашид ва сартарoш ҳикояти” (19-мақолат) каби ҳикоятлар бошқа мақолатлар ҳам айна мавзудан айри эмаслигини кўрсатади. Шу билан бирга, муқаддима бoблар ҳамда “Одам

Атонинг яратилиши хусусида” (1-мақолат), “Яратилиш баёнида” (8-мақолат), “Охирзамон аломатлари баёнида” (10-мақолат), “Ибодату тажрид баёнида” (17-мақолат), “Охират ила юзлашув баёнида” (19-мақолат) ва дунё билан боғлиқ мақолатлар, “Ноумид подшоҳ ва уни Аллоҳ афв этгани ҳикояти” (1-мақолат), “Тавбабузар зоҳид ҳикояти” (9-мақолат), “Исо алайҳиссалом ҳикояти” (10-мақолат), “Соҳибназар мўъбад ҳикояти” (11-мақолат), “Ҳожи ва сўфий ҳикояти” (13-мақолат), “Пир ва мурид ҳикояти” (17-мақолат) каби ҳикоятлар асарнинг диний-тасаввуфий асослари ҳам мустаҳкамлигидан далолат беради. “Низомий ҳаётда нима муқаддасу нима фахш, инсон нима учун интилноғи, нимани рад қилмоғи керак деган саволларни ўртага қўяр экан, бу саволларга жавоб беришда Қуръон сураларига мурожаат қилади, ҳадисларни асос қилиб олади, ўзининг узоқ йиллик ҳаётӣй кузатишларидан келиб чиқади”¹⁹.

Жалолиддин Румийнинг 6 китобдан иборат “Маснавийи маънавий” номли муаззам асари, Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”, “Илоҳийнома”, “Асрорнома”, “Уштурнома”, “Булбулнома”, “Панднома”, Ҳаким Санойининг “Сайр ул-ибод”, Маҳмуд Шабустарийнинг “Гулшани роз” сингари форсий сўз санъати дурдоналари таржимасида қалами қайралиб, малака ва тажриба ҳосил қилган, мумтоз адабиётнинг моҳир таржимонига айланган Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол “Махзан ул-асрор”ни ҳам ўзи яратилган сареъи мусаддаси матвийи мақсур (мавқуф) вазнининг айнаи ўзи билан таржима қилиб, таржимада шакл ва мазмун бирлигига эришган. Чунончи:

Бех, ки суҳан \ дерписан- \ д-овари,
 То суҳан аз да-аст балан- д-овари.
 – V V – \ – V V – \ – V –
 Яхши эрур \ сўзни писан- \ д айласанг,
 Сў-ўз мақо- \ мини балан- \ д-айласанг.
 муфтаилун \ муфтаилун \ фоилун

Бизда ўтмиш шоирлари асарларини арузда таржима қилиш талаб этилади. Чунки биз аруздан буткул узилиб кетганимиз йўқ. Бинобарин, Ж.Камолнинг асарни ўз анъанавий вазнида таржима қилиши ўзини оқлаган. Айнаи пайтда, дostonни ўз вазнида

¹⁹ Эркинов С., Ғанихонов М. Низомий Ганжавий. – Тошкент: “Фан”, 1992. 21-бет.

таржима қилиш мутаржимга муаммо туғдирмаганидек, уни ўз вазнига солиб ўқиш ўқувчига ҳам қийинчилик туғдирмайди. Чунки бу вазн оҳанг жиҳатидан 4x4x3 туроқли 11 ҳижоли бармоқ вазнига яқин ва уни айни вазнга солиб ўқиш мумкин:

4 4 3

Аҳли қалам \ чекса-да сўз \ ранжини,
Сўзда очур \ икки жаҳон \ ганжини.

Бадий таржимада сўзларни эмас, балки улар катида яширинган маънони таржима қилиш муҳим ҳисобланади. Лекин бу талаб сўзма-сўз таржиманинг аҳамиятини бутунлай инкор этмайди. Матн имкон берган ўринда сўзма-сўз таржима ҳам керак, баъзида ҳатто зарур ҳам. Чунки сўзма-сўз таржима имконияти мавжуд бўлган ҳолда сўзни айлантиришга, аниқ-тиниқ англашилиб турган маънони мавҳумлаштиришга ҳожат йўқ. Хусусан, яқин ва луғат таркибида умумийлик кўп тиллардан таржимада бу имкониятдан самарали фойдаланиш керак.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, таржимашуносликдаги яқин ва узоқ тиллар тушунчаси тилшуносликдаги айни тушунчадан фарқланади. Агар тилшуносликда бир оилага мансуб тиллар яқин ёки қардош, бошқа-бошқа оилага мансуб тиллар эса узоқ тиллар ҳисобланса, таржимашуносликда тилларнинг узоқ-яқинлиги улардаги лексик жиҳатдан умумийликнинг кўп ёки озлигига кўра белгиланади. Чунки “қандай тилдан бўлмасин, бадий асар таржимасида оригинал лингвистик хусусиятларининг асосий омили сифатида лексика майдонга чиқади”²⁰. Бу бежиз эмас. Негаки, адабиёт сўз санъати, бадий матннинг асосида эса сўз ётади.

Маълумки, ўзбек тили туркий, тожик тили эса эроний тиллар оиласига мансуб. Бошқа-бошқа оилаларга мансублиги жиҳатидан улар ўзаро узоқ тиллар ҳисобланади. Лекин асрлар мобайнида бир жуғрофий ҳудудда ёнма-ён яшаб келганлари, бир хил иқтисодий-ижтимоий муҳитда ривожланганлари, хўжалик юритиш ва турмуш тарзидаги умумийликлар, тарихи, дини, руҳияти ва маданиятидаги муштаракликлар, адабиёт ва санъатининг ягона анъаналар асосида тараққий этгани бу икки

²⁰ И с о м и д д и н о в З. “Алдоқчи сўзлар” билан баҳс \ \ Таржима санъати (Мақолалар тўплами). 5-китоб. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 154-бет.

халқнинг тили мутлақо бошқа-бошқа оилаларга мансублигига қарамай, уларда ҳар томонлама уйғунликнинг юзага келишига, лексик жиҳатдан умумийликнинг пайдо бўлишига олиб келган. Ж.Камол форсий тил берган бу имкониятдан ўз таржималарида самарали фойдаланади: ўз ўрнида сўзма-сўз таржима қилади, ўз ўрнида ижодий. Жумладан, қуйидаги байтни сўзма-сўз таржиманинг ёрқин ва гўзал намунаси дейиш мумкин:

Ҳар ки раҳе рафт, нишоне бидод,
Ҳар ки баде кард, замоне бидод.

Кимки юрар йўлга нишон бергуси,
Кимки ёмон эрди, товон бергуси.

Биринчи мисра таржимаси сўзма-сўз аслиятга мувофиқ. Иккинчи мисра таржимасида эса “замон” сўзи “товон” билан алмаштирилган. Бунда “Ёмонлик қилган шу замоннинг ўзида жазосини олади” деган фикр қофия талаби билан “Ёмон киши ёмонлигининг товонини тўлайди” тарзида бироз ўзгартириб таржима қилинганки, бу ҳам аслида “Ёмон киши жазосини олади” деган ҳикматнинг айни ўзидир.

Қуйидаги байт таржимаси хусусида ҳам шундай дейиш мумкин:

Тан чи шиносад, ки туро ёр кист,
Дил бувад огаҳ, ки вафодор кист.

Тан сира билгайми, сенга ёр ким?
Дил ўзи огоҳ – вафодор ким?

Бу ерда биринчи мисрадаги “Тан қаердан билади?” деган жумла “Тан сира билгайми?” деб олингани билан бу икки ибора маъно жиҳатидан ўзаро муштаракдир.

Таржимон фақат аслият мазмунини беришнигина эмас, балки унинг бадий гўзаллигини ҳам қайта яратишни, асарнинг таъсир кучини ҳам сақлаб қолишни ва таржиманинг ҳам аслият каби жаранглаб чиқиши, бошқа заминда гуллаб мева берган ниҳол каби ўзга тилда ҳам аслий тароватини кўз-кўз қилиши, таржима ўқувчисининг ҳам шуурини тўлқинлантириб, кўнглидан жой олишига эришиши керакки, бунга фақат катта маҳорат билан амалга оширилган ижодий таржима орқали етишилади. Жамол

Камол ўз таржималарида бунга астойдил ҳаракат қилади. Қуйидаги байт таржимаси бунинг ёрқин намунаси:

Ҳуққа пуровоз ба як дур бувад,
Гунг шавад чун шикамаш пур бувад.

Байтнинг мазмуни: “Ичида биргина дур бўлган садафнинг овози оламни бузади. Ҳолбуки, қорни дурга тўлса, у гунгга айланади”. Бу “Бўш идишнинг овози баланд чиқади, ичи тўла бўлса, хомуш тортади” деган халқ мақолига ўхшаш ҳикматли сўздир. Таржимон ўзбек тилидаги нафис шеърят тили учун бир қадар қўпол туюлган “қорин” ва “гунг” сўзларидан воз кечиб, байт мазмунини соф ўзбекча ва гўзал ифодалар воситасида қайта шакллантиради. Натижада чинакам ўзбекона таржима дунёга келади:

Ҳуққада бир дур эса, солгай нидо,
Дур ила лик тўлса, чиқармас садо.

Бадиий таржиманинг антиномияларидан бири шундаки, таржимон матнга қанчалик ёпишиб олса, уни сўзма-сўз таржима қилишга уринса, аслиятдан шунчалик узоқлашади, аксинча, матндан бир қадар чекиниб, унга ижодий ёндашса, муаллифнинг сўзини эмас, фикрини уқишга, асарнинг зоҳирий маъносини эмас, балки ботиний мазмунини акс эттиришга интилса, аслиятга шунча яқинлашади, гўзал ва мукаммал таржима яратади. Чунончи:

Қуввати кўҳе зи ғуборе махоҳ,
Оташи деге зи шароре махоҳ.

Байтнинг мазмуни: “Чангдан тоғ кучини, учқундан ўчоқ ўтини тилама” бўлиб, таржимон ижодий ёндашув асосида риторик сўроқ санъатини қўллаш билан маънонинг ҳам бир парда баланд ва бир қадар таъсирчан, ҳам ўзбек тилида жаранглаб чиқишини таъминлаган:

Қуввати тоғ қайда, ғубор қайдадир?
Қайда ўчоқ ўти, шарор қайдадир?

Таржимашуносликда компенсация деган тушунча мавжуд. Бу таржимоннинг таржима жараёнида қурбон берилган бир тилга хос бўлиб, иккинчи тилга кўчириш қийин бўлган кўп маъноли сўз, ибора ёки бадиий санъатларнинг ўрнини бошқа бирор восита билан тўлдиришга уриниши, бошқача айтганда, товон тўлаши. Жумладан, қуйидаги байтнинг мазмуни: “Ситам тилини чўзиб,

уйим эшигини ўз муҳри билан боғлади” бўлиб, аслиятда конкрет ифодаланган образли бу иборани ўзбек тилида ифодалашга қийналган таржимон уни умумлаштириб олади, лекин бунинг эвазига икки карра товон тўлаган: ҳам қойилмақом ўзбекча ифода топган, ҳам тарсеъ санъатини қўллаган ва таржиманинг муваффақиятини таъминлаган:

Дар ситамободи забонам ниҳод,
Муҳри ситам бар дари хонам ниҳод.

Қаҳру итоб этди яна қанчалар,
Ранжу азоб этди яна қанчалар.

Жамол Камолнинг таржимон сифатидаги ибратли фазилати, унинг таржималарига хос энг муҳим хусусият бу – уларнинг аслиятга шакл ва мазмун жиҳатидан ҳар томонлама мувофиқ бўлиш баробарида, ўзбек тилида худди оригинал асар сингари ширали тил, равон услуб ва жозиб оҳангда жаранглаб чиқишидан иборат.

“Махзан ул-асрор”дан мутафаккир шоирнинг кўп йиллик ҳаётий кузатишлари, теран тафаккури маҳсули бўлган ҳар бири халқ мақолларидай жарангловчи қатор ҳикматли сўзлари ҳам ўрин олганки, Ж.Камол уларни ҳам қиёмига етказиб таржима қилган. Масалан:

Дўстии ҳар ки туро равшан аст,
Чун дилат инкор кунад, душман аст.

Ким у асл дўст, сенга равшан эрур,
Тортмаса кўнглинг, ўша душман эрур.

Ўзбек тилида жаранглаб чиққан шоирнинг қуйидаги ҳикматли мисралари ҳам ўқувчилар кўнглидан жой олиши шубҳасиз:

Майни сен ичгувчи, захарда не айб?
Айбни сен этгувчи, даҳрда не айб?

Қоида-қонунга йўқ эрса қарор,
Баски бузилгайди тамом рўзгор.

Душмани донойинг этар қасди жон,
Дўст гўлу нодон эса, андин ёмон.

Албатта, таржима қатор камчиликлардан ҳам холи эмас. Жумладан, Ж.Камол таржималари учун хос бўлган икки камчиликни айти таржимада ҳам кўрамиз: бири – архаик сўзларни суиистеъмол қилиш бўлса, иккинчиси – қофия борасидаги эътиборсизлиги. Тўғри, у қатор тушунарсиз арабий-форсий сўз ва ибораларга матн ости ҳаволасида изоҳ беради. Лекин изоҳсиз қолган бундай сўз ва иборалар ҳам оз эмас. Шу билан бирга, баъзи мисра ва байтларни таржимасиз айнан қолдириб, матн ости ҳаволасида уларга изоҳ беради.

Шеърнинг бутун бадий гўзаллиги, таровати, жаранги, таъсирчанлиги қофия билан. “Махзан ул-асрор” таржимасида Жамол Камол кўплаб пишиқ-пухта, гўзал, таъсирчан ва оҳорли қофияларни маҳорат билан топиб қўллаган: *қолмамиш* – *лол эмиш*, *камар* – *кўрсалар*, *атай* – *жилмагай* кабилар шулар жумласидандир. Табиийки, бундай катта дostonни бошдан-оёқ тўқ қофиялар билан таржима қилиш қийин. Минг йиллар давомида сайқал топган бу шеърятда оҳорли қофия топишнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учунми, таржимон кўплаб байтларни оч қофиялар билан ўзбекчалаштиради. Эътироф этиш керакки, оч қофиялар борасида ҳам таржимон анча маҳорат кўрсатган. Бу ҳам ўзига хос кашфиёт, бу ҳам адабиётни бойитади. Зеро, сийқаси чиққан тўқ қофиялардан кўра, оҳорли оч қофия кулоққа ёқимли эшитилади. Чунончи, куйидаги оч қофиялар фақат Ж.Камол томонидан топиб қўлланган бўлиб, бу мутаржимнинг поэтик кашфиётларидир: *муштарий* – *сингари*, *алиф* – *рақиб*, *қуруқ* – *гуруҳ*, *омади* – *қолмади*, *маскани* – *кимсани*, *уфлади* – *ухлади*, *сахий* – *гаҳи*, *дардингдана* – *макрингдана*, *айбингга* – *афтингга*, *хулласи* – *суфраси*, *тараф* – *атаб*, *анбарин* – *аввалин*, *ҳамон* – *тамом*, *пахтаси* – *пардаси*, *бўлмагай* – *қўллагай*, *пардани* – *даврани*, *галвасин* – *қолмасин*, *сайрашар* – *айлашар*, *кимсамиз* – *ҳиссамиз* ва ҳоказо.

Халқ ичида кулоқ қофия деган тушунча мавжуд. Бу қофиядош бўлмаса-да, сўзларнинг оҳанги ва охирги ҳарфларига кўра ўзига хос уйғунлик касб этишидир. Ёзувда улар аниқ-тиниқ фарқланса-да, талаффузда қофиядош сўзларга ўхшаб эшитилади. Ж.Камол ўз таржималарида ана шундай овоз ва оҳангига кўра

муайян уйғунлик касб этиб, ўзаро жарангдош сўзлардай эшитиладиган кулоқ қофиялардан ҳам кўп фойдаланади. Уларга мисол сифатида куйидагиларни келтиришимиз мумкин: *эскидир* – *сўз дегил*, *кулчаси* – *парчаси*, *эса* – *неча*, *наргиси* – *олгуси*, *этмагинг* – *тўкмагинг*, *изин* – *зуғум*, *аслида* – *устига*, *қоплабон* – *заъфарон*, *камарбаста* – *эрмасди*, *кўрмадик* – *буюк*, *сабаб* – *қават*, *ишларим* – *музтар эдим*, *бандадир* – *хилватдадир*, *келмайин* – *ўйлагин*, *дийдадин* – *новдадин*, *кўксидин* – *огзидин*, *кулгиси* – *куйчиси*, *ороммидир* – *номингдир* ул, *пардани* – *хирқани*, *фузундин* – *ўзимдин*, *кечқурун* – *ўспирун* ва бошқалар.

Бироқ, барча байтлар ҳам ана шундай тўқ ва оч қофиялар билан муваффақиятли таржима қилинмаган – таржимон кўпинча мазмунга асосий эътиборни қаратиб, қофияни назардан қочиради. Жумладан, куйидаги каби сўзларни ўзаро қофия деб бўлмайди: *хай* – *яша*, *хушнудлигинг* – *ўтхўрлигинг*, *пойлоқчилар* – *амал*, *қартайиб* – *қийин*, *жон* – *ҳам*, *афтода* – *тоза*, *туширмоқ* – *кўтармоқ*, *уял* – *қадар*, *гам* – *баланд*, *ҳама* – *ила*, *сабр* – *нафс*, *камарбанд* – *музайян*, *устига* – *огзига*, *галма-гал* – *келдилар*, *эрдик* – *билакузуги*, *парвоналар* – *тутдилар*, *олар* – *гўзал*, *хун* – *тўкмадим*, *сари* – *солгани*, *маҳал* – *беҳабар*, *майпараст* – *гавҳарфишон*, *мудом* – *боғбон*, *бошингдин* – *эшакдин*, *олдин* – *ҳозир*, *дилдин* – *адамдин* ва бошқалар. Бизнингча, бундай сўзлар жуфтлиги билан тугаган байтларни қофиясиз ўгирилган дейиш мумкин. Бундан таржимоннинг, Алишер Навоий таъбири билан айтганда: “Қофия эҳтиётига муқайяд эмас”лиги²¹ маълум бўлади. Ҳолбуки, Шарқ шеърлятида қофияга шунчалик катта эътибор берилганки, ҳатто қофия илми алоҳида фан тармоғи сифатида ривожланган.

Низомийнинг “Махзан ул-асрор” достонини ўқувчи замонавий асар сифатида эмас, балки мумтоз адабиёт намунаси каби қабул қилади ва бу мантиқан тўғри ҳам. Зеро, Низомийнинг ўтмиш шоири эканлигини эсдан чиқармайлик-да. Таржимада қўлланилган кўплаб форсий-арабий сўзларни эса Навоий ва Бобур меросхўрлари бўлган халққа нотаниш дейиш ўзимизни камситишдан бошқа нарса эмас. Шунингдек, форсий сўз ва

²¹ А л и ш е р Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 13-жилд. – Тошкент: “Фан”, 1997. 63-бет.

ибораларни баъзан қофия ва вазн ҳам талаб қилишини хотирдан фаромуш этмаган маъқул.

Устоз таржимашунос Ғ.Саломов шундай ёзадилар: “Бизда кўп ҳолларда тил луғатининг архаик қатламини қандайдир кераксиз, баъзан ҳатто “зарарли”, ортиқча нарсa деб ҳам қаралади. Ваҳоланки, бу тамомила тўғри эмас. Архаик сўзлар, В.Г.Белинский таъбири билан айтганда, “ҳақиқий, бебаҳо хазинадир”. Чунки улар воситасида луғатнинг кўп маънолик хусусияти ошади ҳамда махсус шеърӣӣ маъно ва лисонӣӣ муҳит яратиш учун катта имконият юзага келади”.

Биз ҳали мумтоз сўз санъатидан бутунлай узилиб кетганимиз йўқ. Лутфӣӣ, Навоӣӣ, Бобур, Машраб, Фузулий, Оғаҳӣӣ, Муқимӣӣ, Фурқат каби шоирлар асарларини халқимиз севиб ўқӣӣди, улар мактаблар ва олий ўқув юртлари дастурига киритилган. Бинобарин, мумтоз адабиётдан баҳраманд ўқувчиларда маълум даражада “архаик” сўз жамғармаси бўлади. Қолаверса, тил нафақат янги қабул қилинган сўзлар, балки истеъмолдан чиқиб кетган баъзи сўзларга қайта ҳаёт бағишлаш ҳисобига ҳам бойиши шубҳасиз. Таржима жараёнида буни ҳисобга олиш керак. Мумтоз шоирларни таржимада ўта замонавийлаштириш ҳам ўзини оқламайди: уларни ўтмишдан бутунлай ажратиб олмаган ҳолда, замонавий таржима қилиш керак. Яъни, уларнинг асарлари таржимасини замонавий ўқувчи тушунсин, айна пайтда, қайсидир даражада анъанавӣӣ унсурлар ҳам акс этиб, бу асарларнинг замонавий эмас, балки мумтоз адабиёт намунаси эканлигини эслатиб турсин. Ўтмиш адабиёт руҳида тарбия топган, Шарқ мумтоз сўз санъатини яхши билган, қадим туркий, арабий ва форсий сўз захираси бой мутаржим бу борада **олтин ўрталиқ**ни топа олган: ўз таржимасида ўрни-ўрни билан архаик сўзлардан маҳорат билан фойдаланиб, таржиманинг бадий жозибаси ва эстетик таъсир қувватини янада оширган. Натижада ўзбек ўқувчиси Низомӣӣ достонини бир вақтнинг ўзида ҳам мумтоз, ҳам замонавий сўз санъати намунаси сифатида қабул қилади.

Бундан ташқари, таржимада вазний сакталиклар ва маъно билан боғлиқ хато-нуқсонлар ҳам оз эмас. Лекин кўрсатиб ўтилган қусурлар таржиманинг умумӣӣ муваффақиятига соя солмайди. Энг муҳими, жаҳон сўз санъати дурдона асарларидан

яна бирининг ўзбек тилида жаранглаганию миллий адабиётимиз хазинасининг навбатдаги олтин ёмби билан бойигани.

Табиийки, таржиманинг ютуқлари ҳақида ҳам, қусурлари ҳақида ҳам мухтасар бир сўзбоши доирасида батафсил фикр юритишнинг имкони йўқ. Келгусида нафақат “Махзан ул-асрор”, балки умуман Низомий “Хамса”сининг барча дostonлари таржималари ва уларнинг Қутб Хоразмий, Огаҳий, Жамол Камол, Олимжон Бўриев, Жонибек Сувонкулов ва бошқа таржимонлар томонидан амалга оширилган барча таржима нусхалари ва уларнинг қиёсий таҳлили бўйича бир неча йирик тадқиқотлар олиб борилиши шубҳасиз.

Низомий “Хамса”си нафақат озар ёки Шарқ адабиёти, балки жаҳон сўз санъатининг ҳам дурдона асарларидан бири ҳисобланади. Навоий бобомиз севиб ўқиган, таъсирланган ва татаббу боғлаган бу асарни унинг ворислари бўлмиш ўзбек ўқувчилари ҳам кўп йиллардан буён ўз тилларида маза қилиб ўқишни орзу қилиб келар эдилар. Лекин тор доирадаги мутахассисларгина тадқиқот олиб бориш тақозоси ўлароқ уни аслиятда мутолаа қилганлар. Мустақиллик йилларида “Хамса” таржимаси борасида саъй-ҳаракатлар бошланиб, таниқли таржимон Олимжон Бўриев аввал “Лайли ва Мажнун” ва “Хусрав ва Ширин”, кейин эса “Махзан ул-асрор”, Жонибек Сувонкулов эса “Иқболнома” дostonларини ўзбек тилига ўгирдилар. Лекин адади камлигидан бу таржималардан шоир мухлисларининг кўпчилиги баҳраманд бўлганлари йўқ. Ниҳоят Озарбайжон Маданият маркази ташаббуси билан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол бу муаззам асарнинг тўлиқ таржимасига қўл урди. Умид қиламизки, ўз анъанавий вазнида таржима қилиниб, шакл ва мазмун бирлиги сақланган бу таржималар катта ададларда чоп этилиб, кенг ўқувчилар оммаси қўлига етиб боради.

Жаҳон сўз санъатининг дурдона асарларига ҳар бир замоннинг ўз талаби, ҳар бир авлоднинг ўз эҳтиёжи бўлади. Бу — янги таржималарга йўл очади. Ғ.Саломов ва З.Исомиддиновларнинг ёзишларича, “таржима пайдо бўлган даврдан бошлаб қайта таржимага эҳтиёж келиб чиққан”. Ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларда машҳур асарларнинг бир неча таржималари мавжуд ва бу ҳодисага табиий ҳол сифатида

қаралади. Бунда, биринчидан, ҳар бир таржима асарнинг янги қиррасини очади, ўзгача талқинини вужудга келтиради. Иккинчидан, ўқувчи бу таржималар ичидан дидига қараб ўзига ёққанини танлаб ўқийди. Учинчидан, бу таржималарни аслиятга қиёслаш орқали улардан қайси бирининг аслиятга кўпроқ мувофиқлиги, таржимонларнинг маҳорат даражаларини ҳам аниқлаш мумкин бўлади. Бинобарин, ушбу таржима ҳам улугъ “Низомий панжасига урилган яна бир панжа”, “Махзан ул-асрор” катида яширинган маъно қирраларини очиш, асарнинг янги талқинини вужудга келтириш йўлидаги навбатдаги уринишдир.

Жамол Камол Низомий “Хамса”сини тўлиқ таржима қилишга бел боғлаб, ҳозирда унинг иккинчи достони “Лайли ва Мажнун” таржимаси устида ғайрат билан ишляпти. Фурсатдан фойдаланиб, биз таржимонга бу муаззам асар таржимасини ниҳоясига етказишини тилаш баробарида жаҳон илму адаб аҳлини ҳайратга солиб келаётган Шарқ адабиётининг яна кўплаб сара асарларини таржима қилиб, ўзбек таржима адабиётини хазинасини бойитишини орзу қилиб қоламиз.

Ўз ўрнида, Ўзбекистонда озар адабиёти тадқиқи, таржимаси ва тарғиби билан боғлиқ ҳар бир интилишни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан фаол қўллаб-қувватлаб келаётган Озарбайжон Маданият марказига, хусусан, унинг раиси Самирбей Аббасовга ўзбек-озар маданий-адабий алоқаларини янада ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари учун миннатдорчилик изҳор этамиз.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

ДЕБОЧА

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим
Бўлди калит очгали ганжи ҳаким.

Фотиҳайи фикрату сўз интиҳо
Номи Худо бирла бўлур, эт адо.

Ул ҳама келгувчининг энг аввали,
Ул ҳама қолгувчининг энг афзали.

Улки жаҳон соҳиби аввал, азал,
Улки қалам бўйнига тақмиш гуҳар.

5 Улки фалак пардасин очгай нуқул,
Пардашунослар ишига парда ул.

Мабдаи²² ҳар чашмаки, жуд исми бор,
Холиқи ҳар нарсаки, бир жисми бор.

Лаълдин офтобга камарбанд этиб,
Ерни яшил, сувни музайян этиб.

Сидку вафо аҳлига андин сафо,
Ризку насиб хайлига андин ато.

Ақлу заковат ипида дур ўшал,
Тийра ақл дийдасида нур ўшал.

10 Чехраки нуроний ўшандин фақат,
Шоҳу салотинга²³ берур тожу тахт.

Ҳар не пишиқ чорани этгувчи хом,
Айбу гуноҳларни кечиргувчи хам.

²² Мабда – бошланиш, асл, асос.

²³ Салотин – султонлар.

Кимки ваҳим ичра эса, шаҳнаси²⁴,
Аҳли илм тадбирининг чашмаси.

Аввалу охир у, вужуду сифот,
Бор этару йўқ, этар ул коинот.

Олдида шу икки жаҳон кам эрур,
Умримиз ул, ўйлаки, бир дам эрур.

15 Борми бирор кимсаки бешубҳа шак,
Мулк манимдир, дегай андин бўлак?

Бор ила йўқ, пасту баланд ҳар жиҳат,
Бўлгайу бўлмасми, У бордир фақат.

Ожиз эрурлар ҳама илму амал
Этгали бу нуқта, муаммони ҳал:

Ки аzaли илм не дарё эрур?
То абади мулк не саҳро эрур?

Аввали ул – аввали беибтидо,
Охири ул – охири беинтиҳо.

20 Равзаи жисмингга Ўзи берди ҳур,
Наргиси чашмингга Ўзи берди нур.

Кашмакаш²⁵ айлайди башар, зиндалик,
Ҳозиру Ҳақ олдида бу бандалик.

Ҳар неки Ул йўқса, бақо йўқ анга,
Улки муқаддас, фано йўқ анга.

Миннатин айтур анга минг бир йўсин,
Ҳар камари тоғу кулоҳи замин.

²⁴ Шаҳна – бу ерда посбон маъносида.

²⁵ Кашмакаш – торта-торт.

Бўлмаса нури карами жилвагар,
Қайда тикандин гулу найдин²⁶ шакар?

25 Химматидин бўлди карам бениёз,
Банди вужуд топди адамдин²⁷ халос.

Шу ики-уч бузғуну вайрон учун
Солди фалак бошига ташвиш тугун.

То у тугунларни Ўзи ечмади,
Тун сочи кундуз қўлидин тушмади.

Дуру гуҳар тизди фалак доналаб,
Ювди адам гардини сўнг, шоналаб²⁸.

30 Урди неча чанбарин афлок уза,
Етти тугун солди кейин хок уза.

Тикди либос илки-ла, хуршиду моҳ
Кийди ипак тўнини оқу қаро.

Келди булутлар дили дарёсидин,
Чашмаи Хизр – ул лаби хазросидин²⁹.

Тўкди саҳар жомини хок устига,
Томди унинг қатраси тош оғзига.

Ўт ила сув бир-бирига чеврилиб,
Чарвиси дур, буйраги ёқут бўлиб.

35 Ел ила тупроқ дилидин чекди хун,
Жойлади, лаъли жигарин этди хун.

²⁶ Най – бу ерда: найшакар – шакарқамиш.

²⁷ Адам – йўқлик

²⁸ Шона – тароқ. Шоналаб – тараб.

²⁹ Хазро – яшил; кўк.

Боғи сахони этибон тоза ул,
Сўз қушини айлади овоза ул.

Тилни этиб мевайи боғи ажаб,
Сўз дурига тутди кулоқдин садаф.

Пардасини чекди ширин уйқуга,
Тан сувини буркади жон устига.

Зулфи заминни зеби олам этиб,
Рух³⁰ и башарга холи исён чекиб,

40 Поклади тубандаги зар юзини,
Ювди баҳор абри-ла гул ҳайзини.

Гарди хавони суриб осмонга ул,
Берди сабо атрини райҳонга ул.

Хуни жаҳонни жам этиб гил ила,
Тутди хирад набзини³¹ кўнгил ила.

Ғам кетидин лабни безаб кулгуси,
Айлади Зухрони само куйчиси.

Тун нафаси – атру уфор сотгани,
Кўкда ҳилол – сирғаси ул, таққани.

45 Сўзи узун, дасти дароздир магар,
Тоши учиб чодиридин, бош ёрар.

Юрди ваҳим неча яёв йўл ила,
Эшигидин қайтди қуруқ қўл ила.

Йўл басе³² юрди, замир топмади,

³⁰ Рух – юз.

³¹ Хирад набзи – ақл томири.

³² Бас (Басе) – кўп, бениҳоя.

Излади кўз неча, назир топмади.

Ақл кириб деди: талаб айладим,
Тарки адаб эрди, адаб айладим.

Ҳар кишиким таслими паргоридир³³,
Ой каби ҳар лаҳза талабгоридир.

50 Тўрда ўтирганлар учиб унга тик,
Аршга етишганда урарлар эшик.

Чарх ажаб сармаст эрур тавқидин,
Ер дили лиммо-лим эрур шавқидин.

Номи улуғвори азиздир, аҳад,
Тахти самовоти азимдир, абод.

Хоси атосини сўрар дардлилар,
Пайки равонини³⁴ кутар бандилар.

Дилки, у жон нисбатида пок эмиш,
Эшигида ўзини тупроқ демиш.

55 Неъмат дунё – эшиги донаси,
Ҳар гули – Боғи Эрам афсонаси.

Хоки Низомийки, мададкори Ул,
Донайи тахвид³⁵ экинзоридир.

Илк муножот

Аллоҳнинг қаҳру ғазаби ва ундан қўрқиш баёнида

Эйки ўзингдин ҳама пайдо бўлиб,
Хоки заиф Сен-ла тавоно³⁶ бўлиб.

³³ Паргор – циркуль, доира; ашё, асбоб; йўл, тариқ.

³⁴ Пайки равон – жон элчиси; жон.

³⁵³⁵ Тавҳид- Аллоҳ таолонинг бирлиги, ягоналиги. Бу тушунчага кўра борлиқ ягона бир вужуддан, оламдаги барча нарсалар унинг тажаллийси, намоён бўлишидан иборат.

Бори туғинг остидадир коинот,
Биз сенга қойим, сен эсанг Зоти Зот.

Борсану сурат ила пайванд эмас,
Кимса сенга, сен анга монанд эмас.

60 Улки тағайюр³⁷ нима, билмас ўзинг,
Улки тирикдир, сира ўлмас ўзинг.

Биз ҳама фонию, бақо, бас, Сенинг,
Мулки таолову тақаддус³⁸ Сенинг.

Ер сенинг азминг ила сақлар суқун,
Гумбази кўк азминг ила бесутун.

Берди фалакка ҳами чавгонни³⁹ ким?
Берди жасад бағрига ул жонни ким?

Сенсан ўшал бонг урибон ҳақ дегай,
Ким яна ул ўзни “аналҳақ” дегай?

65 Сабру қарор бермасанг, ороммидир?
Тоқати ишқ жазбаи номингдир ул.

То караминг тутди жаҳонни бутун,
Олди замин устига оғир юкин.

Етмаса эрди караминг, йўқ ажаб,
Ер бели сингай эди ул юк сабаб.

Бўлди фақат Сенга сиғинмоқ низом,
Ўзгага ул сажда этишлик ҳаром.

³⁶ Тавоно – қудратли.

³⁷ Тағайюр – ўзгариш, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш.

³⁸ Тақаддус – пок, муқаддас.

³⁹ Чавгон – “от тўпи” ўйинида тўп урадиган учи эгри таёқ.

Ҳар киши номинг демас, этсин сукут,
Ҳар неки ёдинг эмас, ўлсин унут.

70

Соқийи тун илкида жоминг мудом,
Тонг қуши маст - мадҳида номинг мудом.

Пардани бир оч йўла, чиқ ташқари,
Гар мен эсам парда, мени от нари.

Айла фалак ажзини андин аён,
Айла жаҳонни шу жаҳондин аён.

Насх қил ул ояти айёмни,
Масх қил ул сурати ажромни.⁴⁰

Сўзу забон соҳиби бўлсин қалам,
Бурчи замин бориға бергил адам.

75

Зулмату зулм аҳлига нур бермагил,
Сарвату зар аҳлига дур бермагил.

Курсийи шашгўшани⁴¹ синдир уриб,
Минбари нўҳпогани⁴² йиқ ағдариб.

Ҳуққа эмиш ой, уни дунёга ур,
Соққа Зухал тошини Зухрога ур.

Тунни ёритгувчини синдир ушот,
Ул туну кун каптаридин юл қанот.

Ол, шу замин кўксида лой бўлмасин,
Қолипидин ному нишон қолмасин.

80

Тун-кечанинг гардини кўкдин арит,

⁴⁰ Замон оятларини ўзгарт, юлдузлар суратига барҳам бер.

⁴¹ Курсийи шашгўша – олти қиррали курси, ер.

⁴² Минбари кўҳпо – тўққиз устунли осмон.

Манглайига нуру жило бер, ёрит.

Янгича йўл бўлгуси токай, ахир,
Пардаи ул роҳи қадимий кетур!

Тарҳини туз, чархни этгил чунун,
Бўлмасин унда ҳаракоту сукун.

Сув уриб оташга, ўчиргил уни,
Елга макон айла замин остини.

Улки мунажжим, ёқ унинг дафтарин,
Юм ўша офтобпараст кўзларин.

85 Ойни этиб буржи ҳилолдин халос,
Пардани оч, айла хаёлдин халос.

То сенга иқрори худолик бериб,
Келмагу кетмакка гувоҳлик бериб,

Ғунча камарбаста десин: бандамиз,
Гул эса: Раббим, сен ила зиндамиз.

Бедият⁴³ ўлгай бари қон тўкканинг,
Бебадал ўлгай ҳама дор тикканинг.

Сенсан ўшал тунни дароз этгучи,
Кунни яна ўрнига келтиргучи.

90 Қаҳр этарсен эшитиб розимиз,
Кимсага етмас вале овозимиз.

Жонга ақл нурини берган ўзинг,
Тилга кўнгил дурини терган ўзинг.

Чарх равиш, қутб саботин топиб,

⁴³ Бедият – хун баҳосиз.

Боғ вужуд оби ҳаётин топиб.

Боиси Сен, боғда гул очса сабо,
Хок ўша файзингдин ўлур тўтиё.

Пардаи савсанки, у жоминг эрур,
Жумла забон мадҳу санойинг деюр.

95 Банда Низомий мадҳгўйинг сенинг,
Икки жаҳонда хоки кўйинг сенинг.

Хотирин илминг ила обод қил,
Бўйинини ғам домидин озод қил...

Иккинчи муноҷот

Аллоҳнинг афви ва инъоми баёнида

Эй азалдин бор Ўзинг, биз фано,
Эйки абад боқий Ўзинг, биз адо.

Давр мусаллам сенга, ҳозир мудом,
Кўк эса амрингни кутар бардавом.

Биз эшигинг ҳалқасини ҳар дама
Тақ-тақ уриб, ҳалқабагўшмиз⁴⁴ ҳама.

100 Овчи ити бўлса агар доғдор,
Шоҳи уни хушламас этса шикор.

Хушла ўзингки, сен ила боғлимиз,
Қумрийи тавқингмиз, агар доғлимиз.

Бетамадирмиз ҳама созандадин,
Афзали сен барча навозандадин⁴⁵.

⁴⁴ Ҳалқабагўш – итоаткор.

⁴⁵ Навозанда – 1)чолғувчи;2)лутфу марҳамат кўрсатувчи.

Баски ўзингдин ҳама уммиду бим,
Афв этибон айла карам, эй Карим.

Борми хароб, биз каби маънос яна,
Қувсанг агар, кимга борурмиз яна?

105 Сўзки десам, келди пушаймонлиғим,
Айтсаму ё айтмасам, армонлиғим.

Қайда кўнгил, ул пару бол⁴⁶ қайдадир,
Мен киму таъзими жалол қайдадир?

Жон нега йўл олди у денгизга чун?
Дил нега сув истади бу чашмадин?

Гунгу карахтмиз ҳама васфингда ул,
“Ман арафаллоҳ”⁴⁷ дегаймиз нуқул.

Баски хижилмиз сўзимиз хом этиб,
Бизга сабоқ бер ўзинг инъом этиб.

110 Келдик ҳузурингга чекиб интизор,
Ёлғиз умидинг ила, Парвардигор!

Айла карам, ожизу оворамиз,
Чорамиз этгил, ҳама бечорамиз.

Қолмади карвон кетибон кимсамиз,
Кўр буниким, бекасу бекимсамиз.

Кимга борайлик, сен ўзинг беназир,
Кимни тутайлик, сен ўзинг дастгор.

Қибла дегаймиз эшигингни, Эгам,
Қайда карам, келмаса сендин карам?

⁴⁶ Пару бол – пар ва канот.

⁴⁷ “Аллоҳни тарк айлаган тилсиз қолур.”

115

Қўллари сени сари чўзган гадо,
Қайда ўшал биз каби ўксик, адо?

Айбимиз афв айлаки, сўргучимиз,
Сийлаки, уммид ила тургучимиз.

Эй шарафи номи Низомий сенинг,
Хожалиги улки, ғуломинг сенинг.

Шукри дуойинг тилига эт насиб,
Маърифатинг жонига еткур, Ҳабиб!

**Расули акрам саллаллоҳу алайҳи
вассаллам васфида**

Лавҳайи аввалки, алиф нақш эди,
Эшигида Аҳмад ўтирмиш эди.

120

Ҳалқайи “ҳо”га “алиф” иқлим бериб,
Тавқ “дол”дин, камарин “мим” бериб.

Ложарам, берди анга ул “мим”у “дол”,
Доирайи давлату хатти камол.

Унда эди гумбази фирузағишт,
Тоза турунж, мевайи боғи биҳишт.

Расми турунждирки, у аввал-наҳор
Мева бериб, сўнгра келур гулбаҳор.

Жумла набийларки, чу аввал келур,
Берди набийликни Муҳаммадга ул.

125

Ойки, узукдони забаржад эди,
Ўзи узук, муҳри Муҳаммад эди.

Гўши жаҳон ҳалқакаши “мим”идир⁴⁸,
Икки жаҳон ҳалқайи таслиמידир.

Хожайи массоҳу Масиҳо – ғулом,
Унга Башир, бунга Мубашшир⁴⁹ ном.

Уммию гўё, забони фасих,
Зоти – алиф, Одаму мим Масиҳ.

Мисли алиф росту соҳибвафо,
Аввалу охир у набийлар аро.

130 Барча гўзал сўзу суҳан нуктаси,
Неча теран эрса, теран нуктаси.

Берди “адаб” сўзига овозае,
Кўкка камарбандидин андозае.

Кибри жаҳонни бошига олмади,
Сарвати дунёга назар солмади.

Соҳиби исмат неча борким, фақат
Исматидин олди унинг тарбият.

Турбатидин бўлди жиноят йироқ,
Ғурбатидин Маккада ёнди чироқ.

135 Жимлиги дилларни ёритгувчидир,
Дўстлиги айбингни аритгувчидир.

Фитна-фужур йўлига сад бойлади,
Фитна бўлишликни-да рад айлади.

Ҳаммага сархайлу иши хайр эди,
Қутб эди вазмину сабуксайр⁵⁰ эди.

⁴⁸ Гўши жаҳон – жаҳоннинг қулоғи.

⁴⁹ Мубашшир, Башир – хабар берувчи, хушхабарчи.

⁵⁰ Сабуксайр – эпчил, чаққон.

Шамъғи илоҳий дилидин порлатиб,
Дарси азални то абад ёд этиб,

Чашмайи хуршид эди муҳтож анга,
Ой синиғи – аввали меърож анга.

140 Тахтга ўтирди шаби меърожда ул,
Тахт уза эрди камару тожда ул.

Кўксини кенг этди нафас торига,
Наълин уриб тун аро тулпорига,

Қайтди сафардин ўша масруру шод,
Сўз суворийларига тутди от...

Отига манзили тамомий эди,
Ғошиядор⁵¹ унга Низомий эди.

Меърож

Тун ярим эрди, малики Нимрўз
Машъалини айлади гетифурўз –

145 Бошида тўққизта фалак ёритиб,
Зухраву Ой йўлида машъал тутиб,

Йўл узаниб то ҳарами коинот,
Етти чизик, тўрт ҳаду олти жиҳот.

Кундуз этиб ҳар қадамига видо,
Тун анга айлар эди рақси самоъ.

Ул кеча ағёр эди уйқуга ғарқ,
Ул эса уйғоқ эди монанди барқ.

⁵¹ Ғошиядор – сайис, отбоқар.

Ул қафаси қолип ила дил қуши
Учди жадал, жонида нур тобиши.

150

Парларини йўлига сочди малак,
Хирқасини пойига ёйди фалак.

Мурғи илоҳийси базе талпиниб,
Қолипи ундан дағи енгил бўлиб,

Ғайрати ортиб қадам-бақадам,
Манзили тортарди уни дам-бадам.

Икки жаҳон йўлига кўз тикдилар,
Қарши олиб, пойига бош эгдилар.

Одим отиб ғайрату шиддат ила,
Қамради бир лаҳзада юз марҳала.

155

Оти – баландохури пастга елиб,
Бошлар уза тушди жули ёприлиб.

Баҳри замин кон эди, ул гавҳари,
Тешди фалак авжини тожи сари.

Ер говидин, шу кечаким анбарин,
Элтди фалак ҳўкизи тун гавҳарин.

Тожини олди Саратондин ҳамон,
Белига жавзо камарин бойлабон.

Сунбуладин терди бошоқ аввалин,
Сунбулани қорди Асадга кейин –

160

То тунида неча қадар кадр эди,
Зухра тарозиси уни ўлчади.

Эгди тарози тоши олдида бош,
Вазнини ўлчашга етишмасди тош.

Тўкди кейин шарбати сисанбарий,⁵²
Топди даво акраби нилуфарий.

Отди камондин у шакар тирини,
Тўкди ўшал ўқи Кийик захрини.

Юсуфи далви бўлибон офтоб,
Юнуси ҳути сув эрди шу тоб.

165 Тахти ҳамал қурди Сурайёда ул,
Лашкари гул сафлади саҳрода ул.

Берди ҳусн боғи бихишт рангидан,
Рўйи замин бўлди чаман янгидан.

Ушри адаб олди самодин шу дам,
Узри қадам сўрди набийларданам.

Ҳар қадами ўйлаки анжум ошиб,
Байроғини неча малоик ташиб.

Мушкин этиб кечани мушкин лаби,
Оти туёғига ҳилол наъл каби.

170 Кеча қоронғусида бу иттифок,
Мисли чақиндек учар эрди Буроқ –

Каклик эди бози кабутарнамой,⁵³
Қумри эди шаъну шукуҳли ҳумой.

Сидра бўлиб кўйлаги, пирохани,
Арш яқосига тегиб домани.

Кеча ёришди бу наҳор ҳуснидин,
Сарв гул очди бу баҳор ҳуснидин.

⁵² Сисанбар – наъногулга ўхшаш хушбўй гиёҳ.

⁵³ Бози капутарнамой – капутарга ўхшаш лочин.

Гул эди, наргис эди ул боғаро,
Кўзи ажаб сурмали эрди, қаро.

175 Пастда қолиб гумбази фирузафарш,
Келди етиб жойгаким, ул эрди Арш.

Нечаким ҳамроҳ эдилар, толдилар,
Синди қанотлар, узилиб қолдилар.

Улки мусофир эди, хайрат аро,
Қоқди эшик, истади кирмоққа роҳ.

Соқчи малаклар чекиниб ул замон,
Қолди ўзи яккаю ёлғиз ҳамон.

Юрди кейин йўлгаки, ҳамроҳи йўқ,
Ул дамидин бул дами огоҳи йўқ.

180 Бўйла бир остонага келгай киши,
Борми ажаб, ўзни не билгай киши?

Йўл уза босган қадами тож эди,
Арш бу моидага⁵⁴ муҳтож эди.

Барчасини сўнгра ўчирди қалам,
Арш чиқарди анга байроқ – алам.

Бор тани ўлчарди дами жонни ул,
Хўжайи жон танга равон этди йўл.

Аршнинг поёнига етди киши,
Етди дилу жонга дилу жон иши.

185 Тан гуҳархонага этди шитоб,
Дийда хаёлини йўқотди шу тоб.

⁵⁴ Моида – ноз-неъмат тўла дастурхон.

Дийдаки, нури азалий бирла нур,
Бош эса топмасди хаёлотин ул.

Юрди яна, ул сари ҳам йўл юриб,
Пардайи хилқатни ародин суриб,

Келди йўли баски узундан - узун,
Борми бирор йўл яна андин узун!

Йўллади ҳам қўллади равшан дили,
Бўлди аён манзили беманзили.

195 Ғайрати ғайратга улашди шу он,
 Ҳайрати ҳайратга туташди чунон.

Парда суриб, йўллади дасти висол,
Унга эшик очди саройи жалол.

Баски оёғи яна йўл бошлади,
Жони тамошога назар ташлади.

Юрди-ю, чарчоқ нимадир, билмади,
Сакради, тинмоқ нимадир, билмади.

Сўзу сухан бўлди эшикда тамом,
Сўзи магар топди қабули салом.

195 Ояти нурига завол йўқ эди,
 Кўрди, анга ҳадди хаёл йўқ эди.

Кўргани жавҳар эди, йўқди араз,⁵⁵
Балки араз эрмасу жавҳар эмас.

Кўргани мутлақ у макондин эди,
Кўрди Худонию яна кўрмади.

⁵⁵ Араз – нарсанинг зоҳирӣ аломати, масалан, матоҳнинг ранги.

Кўргани эрмас эди кўздин ниҳон,
Кўр киши кўрмас, вале айтур аён.

Кўрди паямбар уни шу кўз билан,
Кўз билану дилдаги юлдуз билан.

200

Парда эди, унда макон йўқ эди,
Йўл эдиким, унда замон йўқ эди.

Кимки ўшал пардага солгай назар,
Бир йўла йўқлик сарига йўл топар.

Бору муқаррар эмас унга жой,
Бўйлаким ул эрмаса, эрмас Худой.

Куфр эрур, наъфи субот айлама,
Жаҳл эрур, вақфи жиҳот айлама –

Ичди шароб, Ҳаққа қоришди абад,
Бизга унинг қатраси томди фақат –

205

Лутфи азалга нафаси ҳамнишин,
Раҳмати Ҳақ нозкаш, у нозанин.

Шаҳду шакарханда аро эрди лаб,
Умматига хайри дуо дерди лаб.

Ҳиммати дунёга баробар эди,
Жумлаи мақсуди муяссар эди.

Ҳар нечаким урди у даргоҳга юз,
Қайтди тўлиб, бурди шу коргоҳга юз.

Ишқу ниёз ичра юриб елди ул,
Бир нафас эрдик, бориб, келди ул.

210

Эйки сўзинг шу тилимиз гавҳари,
Атру бўйинг барчага жон анбари,

Лутфу карам давр маромига бер,

Сўз адосини Низомийга бер!

Биринчи наът

Етти нужум, бори фалак ёғдуси,
Жумла набий хотами, энг сўнггиси,

Аҳмади мурсалки, хирад хокидир,
Икки жаҳон бандаи фитрокидир.

Тоза гулу сунбули саҳройи ноз,
Тоза дуру гавҳари дарёи роз.

215 Сунбули ул Сунбулайи рўзтоб,
Гавҳари ул лаългари офтоб.

Кулса магар, кулгуси шаккар мисол,
Кулгу аро тишлари гавҳар мисол.

Гавҳари тош кўнглини тилган эмас,
Гавҳарига тош нега берди шикаст?

Қилди жафо тоши маломатгари,
Бўлди жудо гавҳаридин гавҳари.

Гавҳарини қўйди даҳон – дуржи танг⁵⁶
Тошдин эса гавҳари асли, не тонг.

220 Балли, ўшал жойдаки, дил тош эрур,
Жабру ситам тошига сирдош эрур.

Тошми у гавҳар бошига етмаса,
Дурни эзиб, лаълни хароб этмаса?

Сими дият⁵⁷ бўлди ўшал тошга чун,
Етди оғизга ҳам уни этди хун.

Ул гуҳареки, анга кўз тикди тош,

⁵⁶ Дуржи танг – қутича, бу ерда оғиз маъносида.

⁵⁷ Сими дият – кумушга тўланган хун баҳоси.

Қийматини айтса-да, бўлмас адош.

Гавҳар ўшал тошки, замин конидир,
Қайла ўшал дияти дандонидир?

225

Фатху зафар бўлди тиши дияти,
Фатху зафар эрди асл нияти.

Оғзини қон бирла ювиб шул йўсин,
Ҳақ карамига деди шукронасин.

Сўнгра олиб тишни, нари отди ул,
Неъмат шукронга фидо этди ул.

Орзу этиб сўнгра, тишим, демади,
Икки жаҳон тиш ғамини емади.

Жабҳада, майдонда экан лашкари,
Қўллари байроқ, тил эди ханжари.

230

Ханжарига этди у дандон нисор,
Қонга бўялмас тиғи дандонадор.

Бу нимадир? Лутфу карамдир ўшал,
Боқма тиканга, гулидин ол асал.

Боғ тўла гулдир, сухани хор нечун?
Дур тўла маржон, у думи мор нечун?

Борма у товус изидин зоғ тараф,
Бор ўша булбул кўйига, боғ тараф.

Таъби Низомий у била гул эрур,
Гулни кўриб, нағмали булбул эрур.

Иккинчи наът

235

Эйки танинг пок жондин-да пок,
Руҳи равонингга ҳама жон фидок!

Ҳар неча раҳмат эса, ул сендадир,
Ҳар неча заҳмат эса, елкангдадир.

Аҳли Араб йўлларининг моҳисан,
Мулки Ажам элларининг шоҳисан.

Раҳбари йўл сенсану сен йўлда йўқ,
Соҳиби кенг сенсану манзилда йўқ.

Аҳли карамларки, тамошо қилур,
Давлати лутфингни таманно қилур.

240

Қайси макон эрдики, хурмо единг,
Бизга ўшандин не эди неъматинг?

Лаъли лабинг оч, ҳама шаккар есин,
Шаҳду шакар барча баробар есин.

Тун каби сочинг ўзи рўзи нажот,
Оташи савдойинг ул оби ҳаёт.

Неча ақлларки, юзинг мафтуни,
Бошдаги сочингча ҳисоб эт уни.

Чарх ул тавқи караминг бандаси,
Субҳ ул хуршиди юзинг хандаси.

245

Топди жаҳон файзини ишқинг ила,
Етдинг замин аҳлига мушкинг ила.

Хокинг эрур бўйлаки мушкин ғубор,
Аҳлади ер сахнини ул мушкбор.

Хокинг аро бори Сулаймон надир?
Боғинг аро равзайи ризвон надир?

Каъбаки, сажжода ёзурсен анга,
Ташна фақат, ташнайи зордир сенга.⁵⁸

Тож ила тахтинг эрур шу жаҳон,
Ер ўша тахтдир сенга, тож – осмон.

250 Кўрмади соянгни биров ҳеч гаҳи,
Чунки ўзинг сояйи нураллаҳи.

Тўрт аламинг⁵⁹ – рукни мусулмонлигинг,
Беш дуо – навбати султонлигинг.

Хоки залил сен ила гулшан ҳама,
Чашми ғариб сен ила равшан ҳама.

То кадаминг тунда хиром айлабон,
Тушди у гардун уза енгил, равон.

Гавҳару дур бўлди кеча домани,
Заррин ўлиб қўйлаги, пирохани.

255 Субҳу саҳар қўйнини айлаб сафо,
Неъмат атрингни таратди сабо.

Ложарам ул жойдаки, боди насим,
Сурса магар атру уфор лашкарин.

Сендин олиб, анбари ларзон берар,
Икки жаҳон нархига арзон берар.

Сидрадин эрмиш ўша тахтингга зеб,
Арш ўзи курси қўяр сенга деб.

⁵⁸ Алам – бу ерда бийроқ маъносида

Равзайи жонингки, чунон субҳтоб,
Арш магар зарра, у бир офтоб.

260

Рўзи азал тутмаса ойинасин,
Ерга тушарми эди нуринг сенинг?

Икки жаҳон, зери заминсан нечун?
Ганжмисан, хокнишинсан нечун?

Ерга кўмишди сени, эй кони ганж,
Ерга кўмилмасми ҳама, бори ганж?

Ганж ўзинг, фақрингу вайрона ҳам,
Шамъ ўзинг, соянгу парвона ҳам.

Чархи муқаввас ҳадафи роҳ сенга,
Чанбари далвий – расани чоҳ сенга.

265

Кун била тун иккиси, оқу қаро,
Сенга хабар келтиришар доимо.

Ақл жафожўю ўзингсан табиб,
Ой сафарсозу ўзингсан ғариб.

Тургилу ҳижрон кечасин кундуз эт,
Таъби Низомийни ёрит, юлдуз эт...

Учинчи наът

Эй мадани бурқаёю маккин ниқоб,
Сояда қолгай не замон офтоб?

Ой эсанг, меҳринг нуридин бер нишон,
Гул эсанг, атрингни тарат, эт аён.

270

Сенга ҳама зору адо, қон ютиб,
Биз сари солгин назаринг раҳм этиб.

Қўйгил Араб, мулки Ажам сори юр,
Кун била тун, икки бедов шай эрур.

Икки жаҳон саҳнини сен тоза қил,
Икки жаҳонга уни овоза қил.

Тангага зарб ур, ҳукамо урмасин,
Хутба ўқи, то хутабо турмасин.⁶⁰

Атру уфторинг таралиб шуъладек,
Боди нифоқ чирмади атрингни лек.

275 Ол ўша маснадни риё аҳлидин,
Юв ўша минбарни бало захридин.

Хонайи ғул – сайқалу пардозлари,
Ҳайда, адам қаърига кетсин бари!

Сийлама кўп, ўзни улар тиймагай,
Айлама инъомки, улар тўймагай.

Биз ҳама жисму, кел, ўзинг жон бўл,
Аҳли чумолига Сулаймон бўл.

Рахна солиб динга, қўюрлар қадам,
Бошқа тарафдин яна пистирма ҳам –

280 Соқчи ўзинг, қофила танҳо нечун?
Қалб ўзинг, чеккада туғро нечун?

Ёки Али йўлини майдонга бур,
Ёки Умар тиғини шайтонга ур.

Тунни этиб моҳи ямоний қадар,
Тўни ямонийдин ўзинг бош чиқар.

⁶⁰ Хутабо – хатиблар. Мазмуни: хатиблар тек ўтирсин, туриб, хутба ўқишга уринмасин.

Улки ики-учтаси тўсгай эшик,
Ҳайда уларни нарига, берма эрк.

Беш юзу эллик йил ўзинг масти хоб,
Уйғону мажлис сари юргил шитоб.

285 Тургилу уйғот Сирофил⁶¹ни ул,
Токи ўчирсин неча қандилни ул.

Хилват аро пардаи асрор бўлиб,
Тур ҳама ухлоқ уза бедор бўлиб.

Хонаи офат бу, фалокатпазир,
Барчага қўл чўзгил ўзинг, қўллагил.

Ҳар не ризойинг эса, ул чиндурур,
Сенга рақобатчи қани, борми ул?

Гар назаринг лутфу иноят этар,
Барча муаммога кифоят этар.

290 Доира чиз, бармоқ ила доира,
Сенга нисор ҳар неки бор ул ора.

Сен-ла тасарруф ким этар ботиниб?
Афви гуноҳини сўрайдир ғариб.

Олдилар устингдин, ажаб, пардани,
Икки жаҳон узра солиб хирқани.

Жони Низомийки, сенга бандадир,
Атру ифоринг ила ул зиндадир.

Атри вафойингни сўрар бу гадо,
Мулки Фаридунни анга эт адо...

⁶¹ Сирофил - Исрофил

Тўртинчи наът

295

Эйки набийлар тожининг гавҳари,
Сидқу вафо салтанати сарвари.

Ҳар неки бегонаю хайлинг сенинг,
Жумла шу уй ичра туфайлинг сенинг.

Аввали байт келди у номинг ила,
Номинг ўшал қофиядир сўнггида.

Бу кўйи бузғунга ишорат етиб,
Сен била одамга иморат етиб,

Ҳар неки уй ичра гўзал, анбарин,
Ғишти кейин келди, суви аввалин.

300

Одаму Нух - қай бири афзал, фузун?
Иккиси мурсал эдилар, бир тугун.

Одам у буғдой ила гар хайзадор,
Тавбаси лек гулшакару хушгувор.

Тавбаси кўнгил чамани атри ул,
Гулшакари хоки кўйингдин келур.

Дил татиб ул тавбасидин гулшакар,
Гулшакар айтдики, эмасман шакар.

Тўпи қабул рўзи азалдин ясаб,
Отдилар ул тўпни кўнгилга қараб.

305

Одамий тушди дағи майдонига,
Тўпни нишон айлади чавгонига.

Оти елиб дону бошоқ ортидин,
Тўпи кетиб қолди таёқ остидин...

Оби ҳаёт етганида ташна Нух
Ичмади, бас, учради тўфонга у.

Маҳди Бироҳим⁶² бўлиб йўлга савор,
Босди ярим йўлни, қўниб неча бор.

Улки Довуд кўнгли нафас тонг эди,
Сози сазавори хуш оҳанг эди.

310 Расми адаб тутди Сулаймон, аё,
Истамади бошига заррин кулоҳ.

Юсуф ўшал чоҳда оларкан нафас,
Кўргани арқону челақ бўлди, бас.

Толди Хизр ул сафари ташнадин,
Домани ҳўл бўлди вале чашмадин.

Мусо бу жондин қуруқ чекди қўл,
Шишани синдирди уриб тоққа ул.

Азми Масиҳо эмас ул донадин,
Чунки ўша тухмат эди хонадин.

315 Сенки фалак тарҳини туздинг расо,
Соя солиб кори машаққат уза.

Нома битилдики, бу унвон сенинг,
Хутба ўқилдики, бу даврон сенинг.

Тургилу гардунни ҳамон шайлагил,
Этмаса ул, ишни ўзинг айлагил.

Хатти фалак ўйлаки майдон сенга,
Куррайи ер ўйлаки чавгон сенга.

⁶² Бироҳим – Иброҳим. Вазн талаби билан шундай ёзилган.

Гарди таралмай у фано мулкининг,
Тур-да, югур, ўртада майдон сенинг.

320

Ким у фаноки, майи жоминг олур,
Ё адами сифлами, номинг олур?

Пойига ургил, уни овора қил,
Кес у фано илкини, юз пора қил.

Эй нафасинг нутқ забонбастага⁶³,
Дорую малҳам у жигархастага.

Ақл кечиб шаръинг ила баҳри хун,
Судради соҳил сари жон кемасин.

Дарчайи кўйингга сиғингай само,
Бир тола мўйингга замин жонфидо.

325

Бир тола мўйинг агар де кам бўлур,
Жумла жаҳон аҳлига бу ғам бўлур.

Бир қалам урмай сенга сурат аён,
Бир сухан айтмай сенга сийрат ҳамон.

Сидку сафо бирла сўзинг бўлди нур,
Борми бировким, анга бармоқ нуқир?

Халқ сўзига гоҳида, заҳмат етар,
Сўзки сенингдир, уни ким камситар?

Писташакар бўлди ғубори даринг,
Пиставу унноб эрур шаккаринг.

330

Бир ҳовуч ул писта етар шунгача,
Озуқа ишқ аҳлига қирқ кунгача.

⁶³Забонбаста - тилсиз, гунг.

Эйки тиниқ субҳи нажотим ўзинг,
Менки ғубор, оби ҳаётим ўзинг.

Хокинг ўшал равзайи жондир менга,
Равзанг ўшал жону жаҳондир менга.

Хоки даринг кўзга Низомий чекар,
Бер анга дардингни, ғуломинг чекар.

Равзанг уза ел каби юз эврилиб,
Сўнгра сочилсам эди тупроқ бўлиб.

335 Кўзга сурилганда ғуборинг сенинг,
 Кўзга сурилгайди ғуборим менинг.

Малик Фахруддин Баҳромшоҳ ибни Довуд мадҳида

Менки, шу доирайи чархи нигун
Кўксида бир нукта эрурмен, тугун.

Дастраси пойкушой⁶⁴ йўқ менга,
Соя ўзим, фарри Хумой йўқ менга.

Қолди шу тупроққа оёғим ботиб,
Қўлларим осмонга боролмас етиб.

Юзни қадамларга босиб дам-бадам,
Йўл уза тиззам-ла босурмен қадам.

340 Ортди юзим равшани ул, шуъласи,
 Кўчди тизимга кўнгил ойинаси.

Мен ўша ойинани пардозладим,
Сўнгра кўнгил кўзгусига ростладим.

⁶⁴ Дастраси пойкушой - кўлловчи, мададкор.

Токи билай қайдин ўшал тобишим,
Қайси ўчоқдин келур ул оташим?

Ақлу зако қалқди оёққа ҳамон,
Турди-ю солди назарин ҳар томон.

Кўрдики, маҳсули сахо, ҳиммат ул,
Соҳиби – подшоҳи вали неъмат ул.

345 Шоҳи баланд толею ҳам шону шанг,
Гулбунни ул равзайи фирузаранг.

Хизри скандарманиши чашмарой,
Қутби расадбанди Мажастийкушой.⁶⁵

Ул эди мақсуди вужуд аввали,
Келди кейин ояти мақсуд гали.

Шоҳи фалактожу сулаймоннигин,
Махфари офоқ малик Фахриддин.

Нисбати Довудлигини этди чуст,
Балки Сулаймон деб аталса, дуруст.

350 Ул сабаб Исҳоқ туғи олий магар,
Зидди унинг аҳли Симоил магар.

Бир дилу олти жиҳату етти гоҳ,
Жумла фалак нуқтаси Баҳромшоҳ.

Баски у баҳромлик этаркан зухур,
Гўр бўлур гўрида Бахроми гўр.

Шоҳи жаҳондирки, тавоно ўзи,
Ҳар неча оқил эса, доно ўзи.

⁶⁵ Умид чашмаси Хизр, Искандардек қудратли шох, Мажастийни шарҳ айлаган билимдонлар билимдони.

355 Давлату сарватга дили ойина,
Фотиҳи Рум, ғолиби Абхоз яна.

Аҳли вужуд олимидир, одили,
Хайру саховатдин узилмас қўли.

Дин фалаку давлати юлдуз эрур,
Мулк садафу хоки қўйи лаълудур.

Чашмаю дарё ўзи гавҳарга кон,
Чашмайи осудаю дарё ҳамон.

Чашмайи симобидин ул ҳар тараф
Қатрайи симоби оқур ярқираб.

360 Эрди камарбандида дур, лаъли ноб,
Олди камарбандига ул офтоб.

Кўр ўша кўк панжараси шуъласин,
Панжа урар, кимки урар панжасин.

Қоқса довул, кўкни саси тўлдиарар,
Шишайи ойни нафаси синдиарар.

Бахту саодатли эди бошда ул,
Охири ҳам бахту саодат бўлур.

Улки сахо жомига соқий мудом,
Бўлсин унинг давлати боқий мудом.

Ер ўпиб, таъзим адо айлаб айтурким

365 Эй шарафинг гавҳари одамга нур,
Дийдайи олам сен ила нурлидир.

Чархки ўшал ёри зафарсоз сенга,
Ҳомила айларда қилур ноз сенга.

Кўкда юриб, сенга боқар ойпари,
Қўлдаги шамширинг унинг гавҳари.

Чекса қилич, тиғига тиғинг етар,
Чораси йўқ, кўксига қалқон тутар.

Чашмайи тиғингдин оқаркан Фирот,
Тўлқини тўлқин уза–оби ҳаёт.

370 Уйқу у тўфонинг аро этса ғарқ,
Нух магар этса-да бўлгуси ғарқ.

Жоминг ўшал Хусраву Жамшидхуш,
Чехранг ўшал жазбайи хуршидкуш.

Шердил ўзинг, сенда арслон кучи,
Шер дема, йўқ тоғни ҳам ағдаргучи.

Чарх кўриб неча арслонни ул,
Қўркуву андишаси сендин эрур.

Борми бирор кимсаки, эй Кўҳи Қоф,
Чун дилу журъат-ла урар сенга лоф?

375 Ҳар неки мавжуд шу фалак остида,
Дасти муродинг ўшанинг устида.

Гарчи қўлинг остидадир неча кас,
Барча малоик сенга қўлдошу бас.

Давр сени хотами⁶⁶ даврон ёзур,
Ел сари хокингга Сулаймон ёзур.

Ҳақ сенга мулк берди, йигитликни ҳам,
Мулк сенга имкону буюкликни ҳам.

⁶⁶ Хотам – узук. Хотами даврон – замоннинг сараси, афзали.

Хок сенинг иқболинг ила зар ўлур,
Захр эса, ёдинг ила шаккар ўлур.

380 Ичмаса май сен-ла Фаридун агар,
Кўксидин Захҳок илони чиқар.

Ич майи ноб, мутрибу соқий сенинг,
Ғам емаким, давлати боқий сенинг.

Мулк муҳофизу салотинпаноҳ,⁶⁷
Соҳиби шамширсану соҳибкулоҳ.

Ортади илкингда у шамшир кучи,
Тож талаб этгучи, тахт олгучи.

Чун хулафо зар сочурсен чунон,
Тож берибон, тахт этиб армуғон.

385 Эй ўша шамширинг адосида тож,
Айла талаб жумла маликдин хирож!

Тахтлидир ул бошки, ўшал маҳраминг,
Бахтлидир ул дилки, сенинг ҳамдаминг.

Чуғз⁶⁸ замонингда ҳумолик қилур,
Бош сенга етганда фидолик қилур.

Мункири маъруф-да ҳидоят топар,
Қайда у шаънингга шикоят топар?

Чақнаса отинг наълидин ўт ҳамон,
Душманинг тупроққа қоришгай тамом.

390 Етти фалакдир гуҳаринг ҳуққаси,
Жумла биҳиштдир аламинг шукқаси.⁶⁹

⁶⁷ Салотинпаноҳ - мамлакатнинг ҳимоячиси, султонларнинг пушту паноҳи.

⁶⁸ Чуғз - бойқуш, бойўғли.

Кимсаки йўқ бошида ҳукминг сенинг,
Нўхта бўлур бошига тожи анинг.

Соҳиби фансен, ҳама фан эрур,
Жонсан ўзинг, икки жаҳон тан эрур.

Сўйла сахога, адабомўз⁷⁰ қил,
Шамъи суҳанни нафасафруз қил.

Хилъати гардунни ғуломингга бер,
Атри қабулингни Низомийга бер.

395 Бўлиғу жонпарвар эса гар суҳан,
Етса у хонингга⁷¹, хароб дафъатан.

Қолди, ажаб, дурру гуҳарсиз бу кон,
Гавҳару дур бер анга, лаъл армуғон.

Кимки ҳасад айлар эса, эй дариғ,
Лаълни ўқ этгилу гавҳарни тиг.

Берди фалак толеи масъуд сенга,
Оқибатинг этсин у маҳмуд сенга.

Суйгану куйган жигаринг бор сенинг,
Суйган ўзим, куйган ўшал душманинг.

400 Фатҳинг агар боши аламдек расо,
Хасминг ўлур боши қаламдек жудо...

Бу номанинг мақому мартабаси баёнида

Менки, сарояндайи бу навгулам⁷²,
Боғинг аро нағмасаро булбулам.

⁶⁹ Шукка - байроқ учига тақиладиган матоҳ.

⁷⁰ Адабомўз – адаб ўргатиш.

⁷¹ Хон – дастурхон.

⁷² Навгулам – менки бу янги очилган гулни мадҳ этувчимаан.

Ўйлаки ишқингда олурмен нафас,
Бўйлаки кўйингда чалармен жарас.⁷³

Ростлигу хосликни шиор айладим,
Ҳар неки амр этди кўнгил, сўйладим.

Тоза сеҳрлардин этиб сайқале,
Янги қолип бирла қуриб ҳайкале.

405 Субҳидам ўргатдим адаб лавҳасин,
 Тикдим ажаб сеҳри саҳар пардасин.

Мояйи дарвешлигу шоҳийлик ул,
Махзани асрори илоҳийлик ул.

Шаккарига пашша сира кўнмамиш,
Бошқа биров шаккари кўшилмамиш.

Нух бу денгизда туширгай сипар,
Хизр келиб, бунда сабу⁷⁴ синдирар.

Мен ҳама шоҳларга тилаб бу жамол,
Қуръа очиб, кўрдим у номингга фол.

410 Икки ажаб номайи Ҳақ келди чун,
 Иккиси ул – икки Шоҳбахром учун.

Ул бири зар, масканидир эски кон,
Бул эса дур, янги денгиздин нишон.

Ул бирида Ғазнидин эрмиш алам,
Бул бирида сиккайи румий⁷⁵ рақам.

Гарчи анув тангада сўз зар ўшал,
Тангайи заррим менинг андин гўзал.

⁷³ Жарас – кўнғирок.

⁷⁴ Сабу – кўза.

⁷⁵ Румда зарб этилган.

Камроқ эрур гарчи юким елкада,
Кўпроқ эрур аммо харидор менга.

415 Шева⁷⁶ ғариб эрса, анга бўл ҳабиб,⁷⁷
Кўрса навозиш, ўша бўлмас ғариб.

Чунки сўзим мавзун эрур мисли боғ,
Бунда омонат дема ёнса чироқ.

Боғ аро боғдирки, у гул ёзадир,
Чархи кўхандан-да яшил, тозадир.

Рангу нишонига етишмас адад,
Шарҳу баёнига топилмас сифат.

Суфра уза икки таомдир сенинг,
Тегмади бир кимса, анга чўз қўлинг.

420 Маззали эрса, егилу хуш тут,
Ёқмаса гар маззаси, майли, унут.

Суфрага оқшом сен ўтирган замон
Менга дағи ташла кичик устухон.

Токи итингман дея лоф айлагум,
Ўзни сенга банда ҳисоб айлагум.

Кўрдим агар неча маликдин вафо,
Ўзни сенга бойламак ўлди сафо.

Хизматим элтсин у вафо сорига,
Нияти сарришта – сафо сорига.

425 Гарчи бу даргоҳга неча, галма-гал,
Бош урибон аҳли сафо келдилар.

⁷⁶ Шева – хунар: бу ерда шеър санъати маъносида.

Қайда Низомийга етишмоқ ахир?
Ўзгадир ул, баски улар ўзгадир.

Менки бу манзилга етибман бугун,
От суриб, олдинга ўтибман бугун.

Ўйлаки, олмос каби тил шайладим,
Кимки кейин келди, анга сирмадим.

Тиғи Низомийки, у кескир бу дам,
Бўлмади тутмоқ неча йил ўтса ҳам.

430 Бўйла баланд поядадирмен ҳамон,
 Пойим улар бошидадир бул замон.

Авжи баланд узра учармен хануз,
Ҳирммати боримча етар нону туз.

Равшани ройинг эса ул менга, ҳай,
Қайда оёғинг эса, бошим қўяй.

Кўкка етарманми мадад этмасанг,
Қайга етарман, менга сен етмасанг?

Орзу-ҳавас эрдики, бир-икки ой
Ичра бориб, ўпсам ўшал хоки пой.

435 Гарчи ният эзгую ардоқлидир,
 Сен сари юрмоққа йўлим боғлидир.

Боргай эдим баҳри фузундин⁷⁸ кечиб,
Баҳри фузун, балки ўзимдин кечиб.

Кўрдим ўшал йўлда ҳама шер эди,
Орту ўнгим ханжару шамшир эди.

⁷⁸ Баҳри фузун – катта денгиз.

Лек у доираки, шамширбанд,
Хаттидин ургум сенга бонги баланд.

Сўз сувини сочдим эшигингга хуб,
Қолдим ўзим заррайи тупроқ бўлиб.

440 Заррасифатмен сенга, эй офтоб,
Бўлсин ул оҳи сахарим мустажоб!

Кўнглим ўлиб ул гуҳаринг денгизи,
Гавҳари жоним камаринг юлдузи.

То туну кун борки, тунинг кун бўлиб,
Гавҳари тожинг яна ёрқин бўлиб.

Баски бошинг узра сочар шуъласин,
Эртага бундан-да гўзал яшнасин!

Сўз фазилати баёнида

Жунбуши аввалки, қалам олди ул,
Сўздин олиб ҳарф, шакл солди ул.

445 Пардаи хилватни кейин очдилар,
Сўзга у бирламчи жило сочдилар.

То сухан овозайи дил қилмади,
Ул тани хокийга бу жон кирмади.

Келди қалам, борлигин оғоз этиб,
Сўзга шу олам кўзини рост этиб.

Бўлмаса сўз, шарҳи жаҳон бўлмагай,
Сўз неча айтилса-да, ўксилмагай.

Ишқ луғати ичра сухан жонимиз,
Биз сухану тан бузуқ айвонимиз.

450 Хат чекиб андиша, фикр шарҳига,
Бойладилар сўз қушининг паррига.

Борми шу оламда, етарми кучи,
Сўз каби ул қилни-да қирқ ёргучи?

Аввалин андиша ва охир ҳисоб,
Сўз эрур барча ўшал сарҳисоб.

Соҳиби тожлар уни тож деб билур,
Ўзгалар асбоби илож деб билур.

Гоҳ алами бирла навое тузиб,
Гоҳ санами узра қалам юргизиб.

455 Фатҳ этар сўз аламдин зиёд,
Иқлим очар балки қаламдин зиёд.

Сўз ўзи кўп кўрсатавермас жамол,
Бандасининг олдида улким хаёл.

Бизки бугун сўзга назар ташладик,
Сўз сабаби бирла ўликмиз, тирик.

Сўз берур оташни совуқ қотсалар,
Чанқаса, сўздин сув ичар ташналар.

Боғаро боғдир ичи, орастадир,
Чархи кўҳандан-да сафобастадир.

460 Рангини чизмоққа нишон етмагай,
Аслини айтмоққа забон етмагай.

Сўзки ҳар ерда кўтарса алам,
Ҳарф зиёд бўлга-ю тил нутқи ҳам.

Бермаса сўз риштага тоб, не эди,
Жон ўша сарриштани топгаймиди?

Мулки табиатни емак – сўз ила,
Мухри шариатни демак – сўз ила.

Ул сўзимизким, сухани зар эди,
Олдида саррофи сухан бор эди.

465 Сўз эса янги, зар агар эскидир,
Қай бири афзал десалар, сўз дегил.

Сўз куши учгай олибон шунда сўз,
Бир киши билмас не эмиш унда сўз.

Сўз кумушин урки, дирам хокидир,
Зар нечук ит? Оҳуйи фитрокидир.

Даврада сўздан-да улуғ борми кас?
Давлату сарват бари сўз ичра, бас.

Ул не кўнгил, ғофил эса сўзга ул,
Шарҳи сухан сўзданам ортиқ эрур.

470 Сўзидин овоза тушиб ҳар тараф,
Номи Низомий яна топсин шараф!

Манзум сўзнинг мансур сўздин афзаллиги

Сўзким, ўшал манзум эрур аксари,
Аҳли назар олдида гавҳар бари.

Нуктани⁷⁹ кўргилки, магар чун эрур,
Нукта у ораставу мавзун эрур.

⁷⁹ Нукта –чуқур маъноли сўз, ҳикмат.

Аҳли қалам чекса-да сўз ранжини,
Сўзда очур икки жаҳон ганжини.

Ганжи суханлар калити аслида
Аҳли суханлар тилининг остида.

475 Улки тарози яратиб, тортди сўз,
Омади ёрларга насиб этди сўз.

Ўхшаши йўқ булбули аршдир улар,
Қайданам ўхшаш ўлур ул ўзгалар.

Фикру хаёл оташи ёққанда, бас,
Жумла малоик-ла улар ҳамнафас.

Пардаи роздирки суханварлик ул,
Сояи асрори паямбарлик ул.

Орқаю ўнгларида сафи кибриё,
Сўнг улар, олдинда эса анбиё.

480 Икки назар – маҳрами бир дўст эрур,
Икки мағиз, бошқа ҳама дўст эрур.

Суфрасида келса ширин кулчаси,
Сўз эмас ул, аслида жон парчаси.

Жонни тарашлайди қалам тиғидин,
Фикрат ўқир қалби, кўнгил сидқидин.

Чашмайи ҳикмат у сухандон эса,
Қофиябозлар дағи бордир неча...

Шоир эса, сеҳри наво унга ёр,
Кулба эмас бошида ул, қасри бор.

485

Тиз чўкар ул гўшайи вайронага,
Бош эгавермас ҳама останага.

Тизза чўкиб, мунча магар заҳмати,
Илкида ул икки жаҳон давлати.

Боши оёғига салом айлағай,
Қоматини бўйла камон айлағай.

Ҳалқа этиб қоматини дам сайин,
Жон чекибон, ўзини ўнглалар кейин.

Қоматини ҳалқа этаркан нуқул,
Ҳалқа тақар чарх қулоғига ул.

490

Чарх ила ўйнар эса гар, кўр ани,
Гоҳи олур бир йўла ўн муҳрани.

Гоҳида етгунча керак сўзига,
Заҳматидин жони келур оғзига.

Гоҳида ул конидин олгунча лаъл,
Етти само қуббасини найзалар.

Фарзанд эрур байту ғазаллар, суюк,
Табъ ила илҳоми атодир, буюк.

Гоҳи фалак хизматин этса, нетар,
Хизматидин сўнгра у озод этар.

495

Ҳар нафаси роҳати жон бўлгуси,
Ҳар сухани муҳри забон бўлгуси.

Ҳар киши кўргайки, нечук пайкар ул,
Соҳиби сўздирки, суханпарвар ул.

Муштарий ул сеҳри сухан ичра чун,
Зухра яна, илкида Ҳорут забун.

Сўзки ажаб манзилу маъво ўшал,
Бир нечалар ул сари от солдилар.

Ўртади жонимни у қилмишлари,
Назмга бегона эрур ишлари.

500 Мевайи кўнгилга киши жон берар,
Қайда ўшал сувки, анга жон берар?

Эй фалак, ул сўзга камарбасталар,
Бўйла тугунларни туғиб, дасталар.

Хору ҳақир бўлди у важдин суҳан,
Еч у тугунларни қўли, бўйнидан.

Олтину зар деб бари ўлмиш улар,
Нукрани зар ўрнида бермиш улар.

Олтину зар деб киши этса чунон,
Дур бериб, олгай у сопол бегумон.

505 Қавмки, чун иззату ардоқдадир,
Тубан эрур, гарчи баландроқдадир.

Кимсаки, шоҳ заррига кўз отгуси,
Сўнгра темир тотини ҳам тотгуси.

Улки симобдир, зар учун ғам емас,
Нукра бўлур, зарбаи шоҳ ҳам емас.

Сўзки асал, айлама арзон ани,
Айлама итпашшага толон ани.

Бермасалар, лутфу сахо кутмагил,
Сўрмасалар, хайру дуо этмагил.

510 Токи шариатда эмассен етук,
Шеър сари кўл чўзмаки, бу кўргилик!

Шеър сени сидранишоний қилур,
Салтанати мулки маоний берур.

Шеър шаръ элтар сени ул жойгача,
Нур камарингдин – ўша Жавзогача.

Шеър ила номингга етишгай мақом
Ки, шуаройи умаро ул-калом.

Изла сўзинг, зарра бўшашма ўзинг,
Кирмаса то кўлга ўшал юлдузинг.

515 Шам сифати бирла сарафканда⁸⁰ бўл,
Кундузи бежон, кечалар зинда бўл.

Шеър шуур чашмаси жўш урса гар,
Чарх учар оти сенга бош эгар.

Яхши эрур, сўзни писанд айласанг,
Сўз мақомини баланд айласанг.

Ҳар неки ул пардада бергай нишон,
Бор яна ундан-да гўзалроқ, ишон.

Этма ғурур, келса шу кўнглингга дур,
Яхшиси бордир яна кўнглингда ул.

520 Кимки бу йўл бошида байроқ тикар,
Тўп – Қуёш, Ойни у чавгон этар.

Ҳар нафас ул жаҳду жадал этса ҳам,
Бир нафас этмас ўша ғайратни кам.

⁸⁰ Сарафканда – боши ҳам, эгик.

Ўт каби фикрат отини сургай ул,
Кўкка етиб ҳамки, у оташ эрур.

Отига Жибрил қанот берса, куч,
Парри Сирофилни қилур елпуғич.

Асра-авайла бу дала-пуштани,
Берма бировларга бу сарриштани.

525 Шохида қолгайми бирор анжири,
 Келса-ю анжир еса қушлар бари?

Менки бу шева кишиси, хосимен,
Сўйласам арзийди, чу устозимен.

Шеърни азиз этдиму шоирни ҳам,
Айладим озод уни майхонадан.

Зоҳиду роҳиб мени деб чопдилар,
Хиркаву зуннорни ечиб, отдилар.

Лолагулу ғунча мисолмен ҳануз,
Мунтазири боди шимолмен ҳануз.

530 Сўйлар эсам янги сўзим, тоза ул,
 Сури қиёматгача овоза ул.

Ҳар не вужуд борки, у янги-кўҳан,
Тақдир этиб, дер мени жодусухан.

Санъатим андоқки, у афсун этар,
Сеҳри малоикни-да мафтун этар.

Бобулим ул Ганжайи ҳорутсўз,
Зухрам эса, хотири анжумфўруз.

Зухрага ул мантиқи Мезон мақом,
Мантиқи руҳоний эрур ул тамом.

535 Сеҳри ҳалолим – саҳарий неъматим,
Нусхайи Ҳорут уза чизгай хатим.

Шакли Низомийки, хаёлим менинг,
Жон анга ул сеҳри ҳалолим менинг...

Тун тавсифи ва кўнгилни билиш баёнида

Ташла сипарни, деди ул офтоб,
Ташлади сувга сипарин ер шу тоб.

Қолди жаҳон чун нафасин танг олиб,
Ул сипаридин сипари ранг олиб.

Кўрди сипарсиз эди ер аскари,
Бошига тиғ чекди само лашкари.

540 Улки хўкиз бўйнида маржон-шаба,
Гар қуласа, ханжарин ургай ҳама.

Тун гўдаги доясига чўзди қўл,
Пойига зангўла осиб, кезди ул.

Доя кезиб, излади савдойи тун,
Маъжуни жонбахш яратиб хокдин.

Хок бўлиб боди Масихо анга,
Пуркади сув оташи савдосига.

Шарбату ранжур қўшилиб ул замон,
Бир йўла савдо уйини тиклабон.

545 Сўнг ўша ранжур тўкибон тоси хун,
Айлади дунёни шу анқосгун.

Ботини ранги-ла бўяб зоҳирин,
Деб қазо: “Қона мин-ал-кофирин”,⁸¹

Ҳар нафасе нозу адо айлашиб,
Тун аро тун бирла ўйин ўйнашиб,

Гоҳида ой камзулини этди гул,
Гоҳида Зухро дафидин⁸² тўкди дур.

Мен ўша тун ичра чироқсиз эдим,
Булбул эдим, гулшану боғсиз эдим.

550 Сўзга қўшиб хуни жигарни шу дам,
Оби жигардин олиб оташни ҳам,

Сўзга улар эрдим ўшал сўзниким,
Тушди эсимга яна бекаслигим.

Келди овоз ҳотифи хилватдин ул:
Қарз оларингда беришинг ўйлагил –

Оташи покингга сув урмак нечун?
Ўзни кейин елда совурмак нечун?

Хоки таборандани⁸³ тобутга бер,
Оташи тобандани ёқутга бер.

555 Ўқни шиғаб отма, нишон ройинг ул,
Қамчини кўп урма, бедов пойинг ул.

Ғофил ўлур кимса буни билмаса,
Тўк уни кўнгилга, сувинг бор эса.

⁸¹ “У кофирлардан эди”.

⁸² Даф – дойра.

⁸³ Таборанда – ўлик, жонсиз.

Бу хуми зангорда ҳаво хуш эрур,
Қиссайи дил сўйла, наво хуш эрур.

Беш ҳису туйғудин ўзинг тут йироқ,
Йўл сўра дилдин, у билур яхшироқ.

Аршравонлар⁸⁴ ҳама тандин кечиб,
Шоҳпари Жибрил ила юргай учиб.

560 Икки жаҳонга йўқ улар рағбати,
Чашмайи кўнгилдин эрур неъмат.

Кўнглинг эса шу суву тупроққа банд,
Сенга қиёс айласа, эшшак баланд.

Кимки тирик жон била, ҳайвондир ул,
Дил била жон топки, умр шул эрур.

Кўз ва қулоғингда ғараз бор, ғалат,
Кўргани ва билгани зоҳир фақат.

Бор у қулоғинг тиқини, пахтаси,
Ҳам шу кўзинг олдида қум пардаси.

565 Эйки ясатдинг гулу наргису боғ,
Сен ила шу наргису гул бағри доғ!

Кўзки нокасни кўрур ҳар нафас,
Унга шу ёшлик сувининг тафти бас.

Табъ эса даллола ақл тошига,
Мунтазир ул етгали қирқ ёшига.

Қирқига етганда бўлур ул етук,
Харжи сафар ҳам йўлида етгулик.

⁸⁴ Аршравонлар – фаришталар.

Ёр керак сенга, на сеҳру фусун,
Сенга у қирқ ёш сабоғи нечун?

570 Қўлни белингга тирама, чора топ,
Дарди дилингга дили ғамхора топ!

Ғам ема, бордир неча ғамхор сенга,
Ғамни супур, бор неча бир ёр сенга.

Улфату ёрсизга насиб ғам эрур,
Ёрийи ёрон⁸⁵ – мадади маҳкам ул.

Икки киши ҳамдам эса бир нафас,
Юз ғами барҳам этилур ул нафас.

Субҳи нахустин⁸⁶ нафас урса, не тонг,⁸⁷
Субҳи сўғин ургуси юлдузга бонг.

575 Аввалидин хорлигу зорлик етар
Сўнггисидин етмаса имдод агар.

Ёлғиз ўзингдин сира келгайму кор,
Ёр талаб айла, келур сенга ёр.

Мулки диёрингда магар хор йўқ,
Улфату ёрингдин азиз ёр йўқ.

Ҳар киши ҳам ёри азиз бўлмагай,
Ёри азиз улки, сени қўллагай.

Бор неча асҳобинг, улардин бироқ
Уйда эшик ҳалқасидир яхшироқ.

⁸⁵ Ёрийи ёрон – дўстлар кўмаги.

⁸⁶ Субҳи нахустин – дастлабки субҳ.

580 Кўл узатиб, бўл ўша фитроки дил,
 Сенга у сув эрса, унинг хоки бўл.

 Чун малик ул Арш яратди жаҳон,
 Аввали сураат эди ул, сўнгра жон.

 Аввали тартиби адаб айлаб ўнг,
 Сураат ила жонни бириктирди сўнг.

 Иккисидин келди кўнгил энтикиб,
 Шоҳга ўшал тож ила тахти етиб.

 Улки кўнгил тахт уза султон эрур,
 Жисм ила руҳ гавҳарига кон эрур.

585 Нури сафо келди кўнгилдин, ажаб,
 Сурати жон бориға ҳам ул сабаб.

 Дил сухани келди димоғимга ул,
 Равшани нур етди чироғимга ул.

 Савқи қулоғимни забон айладим,
 Жонни ўшал ҳотифи жон айладим.

 Бўлдим ўшал файз ила ширинзабон,
 Дилда севинч эрди-ю ғам бенишон.

 Баски кўзим ёшини тўкдим сарин,
 Оташи дил бирла илитдим кейин.

590 Кўлни бўғовдин бўшатиб яйрадим,
 Йўлтўсар ожиз, мен эсам зўр эдим.

 От сурибон охири етдим анга,
 Бўлди кўнгил эшиги манзил менга.

 Шу дилу жонимки, лабимга келиб,
 Умрим ўтиб ярми, ярим тун бўлиб.

Маскан ўлиб мақсурайи⁸⁸ жоним ул,
Копток ўлиб қомати чавгоним ул.

Тўп хаёл айлаки чавгон менга,
Доман ўлиб чоки гирибон менга.

595 Бош-оёқ жой талашиб, ҳойнаҳой,
Тўпсифат эрдиму чавгоннамой.

Иш кетиб илкимдин, ўзим суст бўлиб,
Юзни кўриб бирда, бирим юз бўлиб.

Бир неча жоҳил ила ҳамроҳ эдим,
Ғурбатим узра яна бекаслигим.

Йўл қани юрмоққа, кўринмас зиё,
Қайга юрай, орқага қайтсамми ё?

Ғамга ботиб, ўйлаки ҳолим ёмон,
Ишқ келиб тутди кўлимдин ҳамон.

600 Қоқдим эшикни, дедилар: “Кимдир ул?”
“Рухсат этинг, бир бани Одам эрур”.

Келди биров, сурди ҳамон пардани,
Парда очиб, бошлади йўлга мени.

Ложарам, бир хос сарой эрди ул,
Янгради овоз: “Низомий, буюр!”

Маҳрам ўлиб, илгари юрдим яна,
“Кир” дедилар, ичкари кирдим яна.

Манзил эди, ҳар тарафи нур, чирок,
Ҳар не ёмон кўзданам эрди йироқ.

⁸⁸ Мақсура – чиллахона.

605

Етти халифа эди бир хонада,
Етти ҳикоят эди афсонада.

Мулк эди ул, олдида афлок забун,
Давлати хок эрди, анга хок забун.

Ожиз эди таърифу васфида сўз,
Садрнишин эрди шаҳи Нимрўз.⁸⁹

Сурхсаворлар бари бойлаб камар,
Лаълқаболар тилаб унга зафар.

Шай эди чун мири шикор, навқирон,
Ёнида ул бир қора танли ҳамон.

610

Чун каманд отгучи баҳодир яна,
Сийм совутли неча ботир яна.

Ул ҳама парвонаю дил шам эди,
Жумла парокандаю дил жам эди.

Мен эдим ул даврада меҳмони дил,
Жонни этиб садқайи султони дил.

Лашкари дил туғини кўргач кўзим,
Бурдим ўшал аҳли жаҳондин юзим.

Тилга кириб дил деди: “Эй, безабон,
Мурғи талаб жойи эмас бу макон.

615

Оташи дил маҳрами ул дуд эмас,
Туз еса ул, бу тоифа туз емас.

Сарв сабабдирки, шу соям қуюқ,
Поя туфайли яна поям улуғ.

⁸⁹ Нимрўз – Эрондаги Сейистон вилоятининг қадимий номи.

Ганжману киссايи Қорундамас,
Сен-ла эмасмен, яна сенсиз эмас.

Мурғи лабим ул нафаси гармидин,
Парри забоним тўкилур шармидин.

Шарму ҳаё бирла шу бошим эгик,
Расми адаб бирла ишим бандалик...”

620 Хўжа кўнгил этди ҳаётим чаман,
 Номи Низомийни кўтарди баланд.

Айлади ул ранжу риёзат асир,
Хўжа мени этди риёзатпазир...⁹⁰

Кўнгил тарбиясида илк хилват

Розийим⁹¹ оғози адаб этди чун,⁹²
Ечди у тўққиз фалакдин тугун.

Гарчи тугун узра тугун кўп эди,
Турди у, сарриштани тарк этмади.

Риштаки ўз жойига етди у дам,
Бошлади кесмоққа тугун риштадан...

625 Хўжаки, алқисса эди бандимиз,
 Гарчи Худомас, худовандимиз.

Икки жаҳонимга суянч ул эди,
Йўқса, шу жоним ғамини ермиди?

Гарчи йўқ эрди мен ила улфати,
Мен сари кам бўлмади ул шафқати.

⁹⁰ Риёзатпазир – риёзатни хуш кўрувчи.

⁹¹ Ройиз – ўргатувчи.

Беадаб эрсам-да, у бўлди ғулом,
Ҳусни адаб бирла мени этди ром.

Қочмади мендин чу ҳазимат етиб,
Суҳбати хокийни ғанимат тутиб.

630 Бир куни бул мисри Зулайхошунос,
 Бўлди Юсуфлик ила чоҳдин халос.

Тун кўзини уйқуга ғарқ этдилар,
Чашми чароғи саҳарий тутдилар.

Субҳ чароғи фалакафрўз бўлиб,
Кеча қароси уза қирмиз бўлиб.

Хўжа олиб қўлга чароғин шу дам,
Тутди қўлим, бошлади сайри чаман.

Дарду ғамим сурди кўнгилдин йироқ,
Гул била кўмди мени бошдин-оёқ.

635 Ханда уриб лола каби тоза, пок,
 Гул каби жомамни этиб чок-чок.

Лола дилин жонга нисор айладим,
Гул камарин белга мадор айладим.

Гоҳида майдек жигарим хун бўлиб,
Гоҳида гулдек яшариб, очилиб,

Гулдин учиб гулга, етишдим шитоб,
Токи зилол чашмага қонсам шу тоб.

Ишқ алами жойига етди, мана,
Атри вафо эсди дамо дам яна.

640 Етди ширин нукта ила шул замон
 Мисли Масихо дамидек менга жон.

Зери замин этди иморимни⁹³ сўнг,
Боди сабо сурди саворимни сўнг.

Деди: “Бу ён тушгилу ҳеч урма дам,
Йўкса, халос айлагум ўзингданам”-

Кема бўлиб ўйлаки ул сувда мен,
Жаннат аро сокину осуда мен.

Оби равон эрди, тушиб кўйига,
Ташназабон бордим унинг бўйига.

645 Чашма эди, нур эди, кўзгуида,
Хизр уни кўрмамиш уйқусида.

Хобгаҳи боғи суманзор эди,
Аллачиси наргиси бедор эди.

Доирайи хатти сипехри – мақом,
Ғолияйи бўйи биҳишти – ғулом.

Гул суман кўксини этмиш макон,
Этаги тупроқда супургай тикон.

Тулки тиконларга бериб рангини,
Оҳу бериб гулга уфор-атрини.

650 Гул шакарханда этиб, ишвагар,
Тўти унинг бошида силкийди пар.

Тоза гиёҳ шаккари тўтида, бас,
Оҳулар ул шаккаридин тоза маст.

Гулни магар жилвагар этгай сабо,
Гулшакар ул шохи ғизолдин гиёҳ.

⁹³ Имор - кажава

Ҳар тараф анбар таратур хайригул,
Қўлларида елпуғич ўйнар нуқул.

Кўзга агар сурма эса наргиси,
Савсани зумрад каби жон олгуси.

655 Ёсумани ҳамдам ўлиб гул ила,
Қофиядир қумриси булбул ила.

Савсани бир кунлиги Исозабон,
Тонгга Мусо илкидин элтар нишон.

Қумриси фарёд чекибон субғох,
Қумригун айлар у самоларни оҳ.

Ел эса ёзғувчи, ёзар ҳиссасин,
Атр ила тол баргига гул қиссасин.

Гоҳи саломин чаман айтур баҳор,
Гоҳи тикан олдида гул хоксор.

660 Турки суман хайма чекар даштаро,
Хаймаси кўкларга таратгай зиё.

Лола келиб, айтгали оташга роз,
Бир муғи ҳинду каби айлар намоз.

Ҳиндучаси лолаю турки суман,
Саҳли араб эрди Суҳайли Яман.

Боғ бўлиб қирмизу сорик сифат,
Теграсида панжараси ложувард.

Сув эса юмшоқ, чу қоқумнамой,
Турфа эрур қоқуми санжобсой.⁹⁴

⁹⁴ қоқум, санжоб – чангалзорда яшовчи мўйнали ҳайвонлар

665 Шох-бутоқлар таратиб кўкка нур,
 Соя қадам босса, кумуш ёғдирур.

 Соя қуёш бирла қураб суҳбатин,
 Сув узатур қумга ҳаёт шарбатин.

 Сунбул ўпар эрса, қочар настаран,
 Кипригини гулга қадар ғунча ҳам.

 Хайрининг ўқдонида ўқ қолмамиш,
 Гоҳи сипар истаса, гоҳ лол эмиш.

 Сеҳр сабаб тол бадани ларзада,
 Лола дили доғли, қародир, зада.

670 Боғу чаман ўйлаки учмоқчидек,
 Барги суман қатрага кўчмоқчидек.

 Найшақари хандашакар айлабон,
 Лаъл либосида гули заъфарон.

 Ул гули худройики худрўй бўлиб,
 Ел нафаси бирла суҳангўй бўлиб.

 Барги турунждан-да яшил осмон,
 Илкига норинжни олиб шул замон.

 Унда фалак туғ—алам тикламиш,
 Сабза уни қувғали аҳд айламиш.

675 Сабзада ул ҳар тугунким аён,
 Жони замин эрди, дили осмон.

 Ҳам ўша юлдузки, саҳарда яшил,
 Ерга хитоб айлар эди: яшнагил!

Бунда фалак бир йўла айлаб гузар,
Сабзага бежодини⁹⁵ бермиш магар.

Чашма дурахшон эди чун чашми хур,
Унда қуёш чашмасидин эрди нур.

Сабза ўшал сув-ла таҳорат олиб,
Шукри таҳорат-ла ўсарди униб.

680 Гулдин олиб қуш Сулаймон исин,
Бошлади Довуд каби куй-ноласин.

Тўккали дуррож у тазарв⁹⁶ қонини,
Бойлади сарв шохига арқонини.

Берди шу дам амрини булбулга боғ,
Сенга ҳалол, тўк, деди, у хуни зоғ.

Шум эди бойқуш ва унинг пайкари,
Сирри дили бўлди қазо дафтари.

Боди ямоний-ла суҳайли насим,
Сийпади, кўпчитди биёбон юзин.

685 Лола шошиб қочган эди, аксига
Ташвиши доғ солди унинг кўксига.

Сояйи шамшоди шамойилпараст
Бордию лола дилига сунди даст.

Субҳ кумуш кафти ила бор-бор
Тун кўзидин силди, сидирди ғубор.

⁹⁵ Бежод – яшилранг тош

⁹⁶ Дуррож – какликнинг бир тури. Тазарв - тустовук

Субҳ бўлиб Юсуфи зарринрасан,⁹⁷
Чоҳ қазиди, чоҳи гули ёсуман.

Ер аён этди тўни хосини,
Сув Мусодек яди байзосини.⁹⁸

690 Ер ўша сув бирла давосин топиб,
Олганини берди кейин қайтариб.

Нури саҳарга эди майдон тагин,
Сояни қўзғотди сабо жойидин.

Соя қуёшнинг лабидин сўрди бол,
Тол сочиға шонасин урди шамол.

Сояю нур эрди бутуқ бошида,
Рақс тушиб борди ариқ қошига.

Топдим ўшал гулники, мақсуд эди,
Ўт эди гултожи, тўла уд эди.

695 Гардани гул минбари булбул бўлиб,
Зулфи бинафша–камари гул бўлиб.

Қушда Довуддек куйи хушҳол эди,
Гулда Низомий сўзидек бол эди...

Биринчи хилват самараси

Ел ниқоб очди, сарандозини,⁹⁹
Хўжа яна бошлади ишқ розини.

Кўрдим ўшал лаъли шакархандани,
Олди дилим, айлади шайдо мени.

⁹⁷ Юсуфи зарринрасан – тилла сиртмоқли Юсуф.

⁹⁸ Яди байзо – оқ қўл.

⁹⁹ Сарандоз – ёпинчик.

Офат эди, нозли санам, бут эди,
Шуъласи ой хирманига ўт эди.

700 Зулфи эди белига мушкин камар,
 Бошдин-оёқ жозиб эди, жилвагар.

Кўргали ҳар кимса эди орзуманд,
Кўрган эса ҳусни адосига банд.

Томчилар эди лабидин шарбати,
Шаккару туздин эди у лаззати.

Шаккаридин тўти эди шармсор,
Тўтидек эрди занахи тавқдор.

Гар занахи эрса чу норинжи хуш,
Ғабғаби сиймин эди, турунжи хуш.

705 Бир гули бўстон каби маст этса гар,
 Дўст майидек тавбани ҳам синдирар.

Лаб наботдирки, кўринг, ҳар нафас
Топгай ўшал тиғ ила унноб шикаст.

Лоласи ул найшакаридин яшил,
Шарбати ул оби наботдек асл.

Уди уфор ичра жигарсўз эди,
Баҳраманд андин кеча-кундуз эди.

У қора холи ғамидин эҳтимол,
Ой куйиб ўртанди, юзи бўлди хол.

710 Кўзлари равшан эди офтобданам,
 Лаблари ёрқин ўша маҳтобданам.

Кўнгли сари йўл неча миқдор эди,
Лек ўша йўл оғзи каби тор эди.

Кўнглики тош эрди, жигархора ул,
Айлади кўнглимни неча пора ул.

Сўзласа, лаб шаккари учкун сочар,
Чехраси нур, ғамзаси афсун сочар.

Хукқа каби оғзи юмук, дафъатан
Очса, тўкилгай эди шаккару қанд.

715 Кўрдим ўшал қанд ила ул хукқани,
Бул ажабе, сеҳрига олди мени.

Этди у жонимни гаровдин халос,
Айлади бўйнимни бўғовдин халос.

Тоқату сабрим тугади тоғ ошиб,
Оби ҳаётим дағи бошдин тошиб.

Девми тушиб ақлу ҳушим қасдига,
Нукрайи дил тушди темир остига.

Дил ғамини шодлик олур оқибат,
Чашмайи хуршид тилаги ер фақат.

720 Дарду ғамим малҳами, давоси ул,
Чорагари майзада ҳам май эрур.

Эй йироқ дардиму доғимданам,
Беҳабар ул сабзаву боғимданам.

Сабза фалак эрди, назар тобиши,
Боғи саҳар эди, суви кўз ёши.

Улки юзи пардалигу хос эди,
Ойинайи сурати ихлос эди.

Тиззага бош инди фикр этгани,
Зора кўлим тутса у сарриштани.

725 Йўқ, бу сафар йўлни яқин айладим,
Юргил ўша йўлгаки, мен танладим.

Махрами йўл эрмасанг ул, ўзни тий,
Кори Низомийни Низомийга қўй!..

Тунги ишрат асносида иккинчи хилват

Хўжа йиғиб бир неча дўст-улфатин,
Тузди улар бирла ширин суҳбатин.

Тун эди, тонг сингари ораста ул,
Суфраи неъмат ила пайваста ул.

Нур тўла мажлис эди чун навбаҳор,
Ишрат эди осудаю беғубор.

730 Панжарадин ел уфуриб ҳар замон,
Эрди ўшал атри Юсуфдин нишон.

Шаҳнайи тун хуни асасни тўкиб,
Шарбатига парри магасни тўкиб.

Пардашуносларда навое ажаб,
Паданишинларда вафое ажаб.

Ерга боқиб сўйи самодин Суҳайл,
Дурри ятим узра сочар эрди лаъл.

Шами магар шам жигаридек куйиб,
Оташи дил ҳам дили оташ бўлиб.

735 Ҳид таратиб мижмари мажлисфурўз,
Уд шакарсозу шакар удсўз.

Шиша гулобдин тўкар эрди шакар,
Суфрага шамдин сочилар эрди зар.

Нуклу наво, май эди, новвот эди,
Кўзу оғизларда ширин тот эди.

Шаккару бодом қўшилиб нуктасоз,
Зухраю Миррих эдилар ишқбоз.

Ваъда қулоқларга етиб дам сайин,
Ханда шаробга туташиб тинмайин.

740 Тулкини этмиш эди қоплон асир,
Нофайи оҳу эди занжири шер.

Ёр гирибонкашу доманкашон,
Рақс этиб, енглари гавҳарфишон.

Шам дағи соқий эди-ю майпараст,
Май сочилар эрди-ю гавҳарфишон.¹⁰⁰

Шам дағи соқий эди-ю майпараст,
Май сочилар эрди-ю парвона маст.

Маст бўлибон шамда қаноти куяр,
Шам эса шукрона этиб, бош қўяр.

Парда аро Зухра босар пардани,
Созига ошуфта этар даврани.

745 Уйқу хумор этса димоғдин димоғ,
Нур олур эрди чароғдин чароғ.

Умр бўйи топганини кимса, бас,
Бир нафас ичра топар ул ҳамнафас.

¹⁰⁰ Ёр ошиқнинг ёқасидан тутиб, этагини судраб, рақс этаркан, енгларидан гавҳар сочилар эди.

Бахшу мукофот этишар ҳар замон
Дилга дилу танга тану жонга жон.

Ул ясатик ҳужрадаким қолдилар,
Рахти адам узра адам солдилар.

Мурғи тараб паррига хат бойлади,
Парри Сурайёга шикаст айлади.

750 Тонг қуши тонгларда чекиб қу-қу,
Ташна юраклар ўтига урди сув.

Тонг чоғи қуш уйқуси бўлгай узун,
Ой қўли кўк пойига солгай тугун.

Ҳалқайи дар¹⁰¹ – пардаи бегонадир,
Зулфи пари – занжири девонадир.

Ҳалқани урганда келиб муштарий,
Тор бўлур кўнгли узук сингари.

Улки ҳужум этса паризодалар,
Таслим этур кўнглини озодалар.

755 Ўстириб кўнгил кўйида ёсуман,
Киприк учи бирла олурлар тикан.

Мевайи дил чехраю суратлари,
Гулбуни жон – сарви равон қадлари.

Фундуқ ила шаккару бодоми шахд,
Пистайи уннобранг уза сабза хат.

Тун хати-ла айлади сеҳри ҳилол,
Ғамзайи бобулию ҳиндуча хол.

¹⁰¹ Ҳалқайи дар – эшик ҳалқаси.

Ҳар нафас ул ғамзаю холдин чунон
Бўлди жаҳон Бобулу Ҳиндустон.

760 Бокди кўзим юзларига маҳлиё,
 Кетди кўнгил, кўзларига маҳлиё.

Ғамзаси олдида тикон не эмиш,
Зулфи тугун узра тугун бойламиш.

Этса карашма, у камон бўлгуси,
Ўқини отмай, сени ўлдургуси.

Боди Масеҳ эсди кўнгил кўксидин,
Оби ҳаёт сачради гил оғзидин.

Гул каби раъно юзида кўрк эди,
Ой каби оқ сийнасида юк эди.

765 Лаблари шаккар эса, бодом юзи,
 Гул у шакар олдида боргай ўзи.

Ҳар назари жони жаҳондек бўлиб,
Киприги бутхонайи жондек бўлиб,

Зулфи сиёҳи ярашиб оқига,
Мушк сочур ул гулу япроғига.

Ғабғаби сиймин, камари сувдин,
Қавси кузах¹⁰² эрмиш ул офтобдин.

Зулф Бироҳиму юз – оташгари,
Кўз Симоилу мижа – ханжари.

770 Оташи дил дастайи райҳон бўлиб,
 Ханжари ул наргиси фаттон бўлиб.

¹⁰² Қавси кузах – камалак.

Бўсаси гар май каби ўлдирса ул,
Лаъли Масиҳо дамидек тиргизур.

Юзида тер чун гули насрин каби,
Хусни – само қўйнида Парвин каби.

Ёқаси очилса – гирибони хур,
Хатти – саҳар қўйнида туғройи нур.

Ҳиммати хосону авом орзуси –
Ул парининг сеҳри, юзи ёғдуси.

775 Ғамза нидо чекса, даҳон хастадир,
Тилга кирар кўз, забон бастадир.

Май чу оройиши иқлим эди,
Жом чу наргис, зар уза сим эди.

Ақл у доирада сармаст қолиб,
Сабри тугаб, бор-будидин айрилиб,

Кулгусига журъату роҳ йўқ эди,
Тоқатига тоқати оҳ йўқ эди.

Сабрда паст парда эди, танг наво,
Фитна эгиб бошини оҳанг аро,

780 Нағмаи Довуд йўлида топди соз,
Қиссайи Маҳмуду ҳадиси Аёз.

Шеъри Низомий шакарафшон бўлиб,
Куйлади ишқ аҳли ғазалхон бўлиб.

Иккинчи хилват самараси

Умр ўтар, маскани фарши азал,
Ҳар неки бордир, анга бўлгай бадал.

Баски қулоқ кутса ўшал номани,
Дийда ўқир нома, саломномани.

Турки пари хандаси мисли шакар,
Кўзларидин сурмали бўлмиш назар.

785 Турки қасабўш нигорим, ажаб,
 Этди дилим чокини мисли қасаб.

Ой эдиким, тунни ёритгувчи ул,
Тонггача оламга таратгувчи нур.

Ғамзасининг ўқи сабукпар эди,¹⁰³
Жон йиқилиб, ерга баробар эди.

Шуъласи шам киприкида ашк эди,
Бўйла чароғ кўзида ҳам рашк эди.

Ҳар ситаме этди, жафо айлади,
Жон ўзига меҳру вафо айлади.

790 Гоҳ эди ул майса-ю, мен унга сув,
 Мен ювибон киру қуритгувчи у.

Бўйлаки ул тунда эди мартабам,
Беҳабар эрдим, хабарим бўлса ҳам.

Моҳи ҳилол, белида нурдин камар,
Истамас эрдик, уни кўрсалар.

Ўзига мафтун эди, мафтун эди,
Рағбати мендин дағи устун эди.

Кош, дер эдик, шу кечамиз ўтмаса,
Тонг тунимиз пардасини йиртмаса.

¹⁰³ Сабукпар – енгил қанотли.

795

Шу кечадин соғ чиқолсак агар,
Бирга эдик рўзи қиёмат қадар.

Равшан эди кун каби бахтим туни,
Уйқуда ҳам энди кўролмам уни.

Ул кечадек нурли кечам бўлмамиш,
Бўлмишу бир, сўнгра ҳечам бўлмамиш.

Ул кечага бир кеча етмоқ учун
Ҳар кеча мен “ё Рабу ё Раб!” дегум.

Тун дема кундуз бошида тож эди,
Тун эди, аммо туни меърож эди.

800

Ой қуёш ишқида ҳижрон чекар,
Ҳар кеча ул кечани деб жон чекар.

Кунки азалдин кечанинг душмани,
Орзу қилар кўнглида шу кечани.

Мен баса осуда эдим, бир маҳал
Тиғ кўтариб кирди эшикдин саҳар.

Кўк сари офтоб кўтариб бошини,
Ўйлаки, сел қилди кўзим ёшини.

Саҳнайи боғ узра булут ёприлиб,
Жомайи хуршидга таҳорат бериб.

805

Сўнг у қуёш чашмаси етказди, бас,
Шу сену мендек неча дилга шикаст.

Нури само сувни этиб сийми ноб,
Заррини ҳар лаҳза сочиб офтоб,

Субҳ туриб, ўзини шайлар эди,
Илкида қон тўккали ханжар эди.

Мен дағи майдонга ўзим шайладим,
Ханжарига жонни сипар айладим.

Сапчиди бошимга саҳар шу нафас,
Ханжаридин топди шу жоним шикаст.

810 Чекди дилим нолаю фарёд анга:
 Бўйлами, эй субҳ, мукофот менга?

Илгари ёнимда кишим бор эди,
Шамъи тунафрўз менга ёр эди.

Тун ила шамдирки ўшал, менга хуш,
Йўқ эди, гўёки сира бўлмамиш...

Улки ғаним, сувга оқиз, селга бер,
Ким чўқимиш, юл патини, елга бер.

Хомича ўлдирки, бу имкон эрур,
Сўхтани куйдирмагинг осон эрур...

815 Субҳ боқиб оҳу фиғонимга чун,
 Раҳми келиб, йиғлади ҳолимга хун.

Ўртади кун бағрини дарду ғамим,
Чашмайи хуршидни совутди дамим.

Берди фалак захри-ла уммид менга,
Келди кечамдин яна хуршид менга.

Чун асари нури саҳар топмишам,
Беҳабарам, гарчи хабар топмишам.

Кимки фалак саҳнига чун йўл топар,
Нури саҳарни неча бор мўл топар.

820 Эй шу тунинг бирла хижолат ўзим,
 Нурли кунинг бирла қародир юзим!

 Менки ўшал тун сифатин айладим,
 Ҳам у сифат маърифатин сўйладим.

 Тун–сифати пардаи танҳолигинг,
 Шам–назар, гавҳари яктолигинг.

 Уду гулоб эрди у дилбастага,
 Нолаю ашқдир неча дилхастага.

 Ул ҳама хислат билаким садр эди,
 Нури хаёл бирла туни қадр эди.

825 Кўкка ўзин маҳрами ёр этди ким?
 Пардаи зангор сирига етди ким?

 Субҳки чун бошида парвонадир,
 Топдими бундан-да ёруғ шамни ул?

 Айлаб ўшал шам ила кўксингни доғ,
 Ёқ Низомий каби сен ҳам чироқ...

Илк мақолат

Одам атонинг яратилиши хусусида

 Аввал эди ишқи жаҳон бенишон,
 Йўқ эди борлиқ изидин бир нишон.

 Келдию хушбахт, назарин сочди ул,
 Сўйи вужуд сори эшик очди ул.

830 Келди кейин насли паризодалар,
 Эрдилар илкин башарийзодалар.

 Тангри хилофотига байроқ куриб,
 Гоҳ йиқилиб, гоҳи оёққа туриб.

“Аллама одам” – сифати покидир,¹⁰⁴
“Хаммара тина” – шарафи хокидир.¹⁰⁵

Улки гуҳар ҳамқадари, ҳамсафи,
Ҳам маҳаку ҳам зару ҳам сайрафи.¹⁰⁶

Ул эди кўк аҳли тиниқ сийнаси,
Аҳли замин кўзгуси, ойинаси.

835 Қўлу билак унда чунон эрдикӣ,
Етти фалак эрди билакузуги.

Икки бешик бағрида ўсган эди,
Икки гуҳар мағзини қўшган эди.

Пешкаши хилъғати зиндониён,
Мухтасибу соқийи руҳониён.¹⁰⁷

Сарҳади хилқат эди бозорида,
Бикрайи қудрат эди ҳар корида.

У ҳали қирқ кунлик экан, ким эди?
Олдида қирқ ёшли муаллим эди.

840 Ҳушхати ул ишқнабиштдин етиб,
Гулбунӣ ул боғи биҳиштдин етиб.

Нури – у кўргувчи йироқ дийдадин,
Каптари – ўсгувчи баланд новдадин.

Улки фалак қушларидир, келдилар,
Таъзим ила олдида бош эгдилар.

¹⁰⁴ “Аллоҳ одамни яратди”.

¹⁰⁵ “Аллоҳ уни тупрокдан яратди”.

¹⁰⁶ Сайраф – сарроф.

¹⁰⁷ Зиндон аҳлининг қувончи, руҳ аҳлига мухтасиб ва соқий.

Биргина дон йўлида айлаб карам,
Отди либосни, зебу зийнатни ҳам.

Келди тузокқа у кўриб донани,
Айлади камроқ ўша шукронани.

845 Улки дуолар ила топмиш вужуд,
Жумлайи олам анга этди сужуд.

Қибла санаб пойини ҳар дийдае,
Сажда фақат этмади шўридае.¹⁰⁸

Бўлди гулафшон сенга саккизта боғ,
Барчага гулбарг эди, иблисга доғ.

Сенсиз ўшал боғда баҳор йўқ эди,
Бир нафас орому қарор йўқ эди.

Йўқ эди тоқат анга ҳукм этгали,
Дарду ғаминг чорасини тутгали.

850 Бағрини буғдой ғами тилган эди,
Кўнглини нақ иккига бўлган эди.

Не эди буғдой емаги, рағбати?
Арпача йўқ эрди анга қиймати.

Шир яланғоч, сарупосиз эди,
Маскани йўқ, ҳеч вақосиз эди.

Билдики, ғам чекмаса, уммид йўқ,
Юзи ёришмас, анга хуршид йўқ.

Ранги бўлиб ўйлаки буғдойсимон,
Сарғайиб охир, юзи бўлди сомон.

¹⁰⁸ Шўрида – шўрпешона, бадбахт.

855 Арпаю буғдой дағи, кўргил, аё,
Бўлди ғаминг бирла шу тупрокқа жо.

Қилмиши боис дили вайрон бўлиб,
Қолди у буғдой каби урён бўлиб.

Не таассуфки, у буғдой эди,
Йўлдин адаштирган у бадхоҳ эди.

Егани қаттиқ, ўша дон эрди, бас,
Эй емак ул донни ақлдин эмас!

Халқ дағи ул донга ўзин шайлади,
Бошдин-оёғини оғиз айлади.

860 Кетди-ку сарриштайи жонинг магар,
Доминг ўлиб биргина буғдой ўшал!

Арпа нонинг е, қаноат қилиб,
Унда беролмас сенга буғдой фириб.

Пайки кўнгил, юр ўша шайтонга зид,
Шери амир, бўлма эшикбонга ит.

Юзни ювиш эрса кўнгил матлаби,
Тавбалар эт аввало Одам каби.

Қилса хато, узрини этгай киши,
Узр ила ўз жойига етгай киши.

865 Улки ўшал донага дил бойлади,
Ўзни миришкори дало айлади.

Кўрди у буғдойни ва этди тама,
Домига тушди ўшанинг ул дама.

Сувлади сўнг ул гули пажмурдани,
Тикди Сарандибда саропардани.

Қочди қаро юз бўлиб ул ёққа ул,
Сочди қаро рангини тупроққа ул.

Нилчилик ўргатди анга осмон,
Маскан эди кишвари Ҳиндистон.

870 Кафти тозармишди гуноҳ рангидин,
Нилгиёҳ ўсди қадам ранжидин.

Турки хитой бўлди ажаб, мисли ой,
Зулфи хитойи анга берди чирой.

Тавба ила дилда латофат кўриб,
Мулки замин узра хилофат куриб,

Экди шу тупроққа вафо тухмини,
Бизга насиб этди кейин вақфини.

Хозини фирдавс анга берганни то,¹⁰⁹
Олти эшикли уйига этди жо.

875 Ол, еб-ечиб, сўнгида раҳмат дегил,
Эккан ўшал, мевасини сен егил.

Инграса уд – атру уфор навбати,
Ранжи эшак – эгасининг роҳати.

Сенсиз ишингни чун адо этдилар,
Сенга ажаб меҳру вафо этдилар.

Пайкали гул бўл ўша фасли баҳор,
Бўлма тикан сингари бўстонда хор.

Дил йўлини танла, етишса хазон,
Сувда қолар кўнгилу оташда жон.

¹⁰⁹ Хозини фирдавс – жаннат хазиначиси.

880 Суврати шерсан, дили азминг қани?
Азми дилинг бор эрса, жазминг қани?

Сурати шер сол саройга атай,
Ур неча калтак, жойидин жилмагай.

Хилъати афлок ярашмас сенга,
Хокий эрурсен, шу қаро бас сенга.

Толе сенга ранжу забунлик мудом,
Дилда ғаму ғамда фузунлик мудом.

Йўқса, нечун этди сипехри баланд
Шаҳркушо кимсани чун шаҳрбанд?

885 Қар не машаққатга камарбаста бўл,
Кўк ичида кўк ила оҳиста бўл.

Ўт каби ҳовлиқма ўзингдин бориб,
Йўқса, йироқ йўлда қолурсен ҳориб.

Сув каби бўл, сув каби енгил, равон,
Гарчи у енгил, вале қиммат-гарон.

Гавҳари тан – бори ҳафифликда ул,
Қиймати жон – бори латифликда ул.

Ел учиб, айлар шу жаҳонни тавоф,
Сен эса танбаллик аро Кўҳи Қоф.

890 Бўлма тикан сингари ҳуснингга маст,
Ёки бинафша каби суратпараст.

Ойнабанд уйда ҳама ёқ суратинг,
Барча кўрар кўзда сенинг ҳайратинг.

Гарчи қабул бобида беҳад ўзинг,
Яккаву танҳову мужаррад ўзинг.

Ўзни кўрарсанми, ажаб, биргина,
Кўк каби илкингда тутиб ойина?

Тотини тотсайдинг ўшал не демак,
Силкир эдинг ушбу амалдин этак.

895 Зулмни қўй, меҳру вафо сори юр,
Халқ не эмиш? Қўй, Худо сори юр.

Яхшилигин бил-да, анга кор қил,
Ўзни ёмон деб, ўзинг иқроқ қил.

Баски хижолат аро чексанг нафас,
Раҳм қилур сенга у фарёдрас...

Ноумид подшо ва уни Аллоҳ афв этгани ҳикояти

Бир шаҳи одил кеча уйқусида,
Кўрдики, золим эди ўтрусида.

Сўрдики: Тангри туни зулмат аро
Сен каби золимга не берди жазо?

900 Дедики: жисмимда битаркан ҳаёт,
Ҳар сари бокдим, ҳама ул коинот.

Борми деб уммиди ҳидоят менга?
Кимсаки, этгай у иноят менга?

Кимсада бир раҳму карам йўқ эди,
Мен сари шафқат сираям йўқ эди.

Ларза тушиб жонга, жаҳоним унут,
Юз хижолатдаю, дил ноумид.

Терга ботиб, тавбайи жон айладим,
Ёлбориб Аллоҳга, фиғон айладим.

905 “Эйки мен ул мискину шармандамен,
Афви Худо айлаки, бир бандамен.

Юрмадим амрингга, бу нодонлигим,
Энди ҳузурингда пушаймонлигим.

Ё мени ул қаъри жаҳаннамга от,
Ёки карам айла менга, илтифот!..”

Кўрдики, не эрди хижолат менга,
Тангри аён этди иноят менга.

Файзу карам-ла қабул этди сўзим,
Кетди ғамим, баски ёришди юзим...”

910 Ҳар нафасеки, у надомат эрур,
Шаҳнайи ғавғойи қиёмат эрур.

Олганинг ҳар бир нафас, эй бодсанж,¹¹⁰
Тоши зиёндир у, тарозийи ранж.

Ою йилинг кечди нечук, қил ҳисоб,
Улча уларни ҳама, эт сарҳисоб.

Йўқ у тарозингда гуҳар мутлақо,
Тоши босар, паллада йўқ ҳеч вақо.

Сен у замин тошини тош айлама,
Тоши замин узра талош айлама.

915 Бир чақа ул, сўнгра нечук бандасен?
Бир нафас ул, сўнгра нечук зиндасен?

¹¹⁰ Бодсанж – лақма, хомтаъма.

Ҳар неча олдинг, бер уни, хайр қил,
Олма ўзинг, бус-бутуни хайр қил.

Келсин ўшал кунки, ажаб хушдурур,
Гарданинг озоду қўлинг бўшдурур.

Чўзма етим ҳаққига қўл, эт ҳазар,
Йиғламасин беваю бечоралар.

Қўй шу чирик, эски жаҳон ғалвасин,
Силки этогингни, губор қолмасин.

920 Ёки ғариблар каби йиғ йўлга қут,
Ёки Низомий каби бир гўша тут...

Иккинчи мақолат

Инсоф, адолат ҳимоясида шоҳга панду насиҳат

Эйки маликлар ҳама ройинг сенинг,
Гавҳару дур садқайи пойинг сенинг!

Шоҳ эсанг, хонайи шоҳий сўра,
Гавҳар эсанг, тожи илоҳий сўра.

Ул нари ёқдин бу тараф роҳ йўқ,
Бир мену сендин бўлак огоҳ йўқ.

Ул азалий нургаки йўғрилдилар,
Ҳаммаданам сенга назар қилдилар.

925 Шоҳи жаҳонсенки, жаҳон шахринг ул,
Мулки жаҳон бориҷа нақдинг эрур.

Мулк сенинг, кори киёлик сенинг,
Қалб сенинг, сийнакушолик сенинг.

Қадринг этиб даври замонда зухур,
Икки жаҳон қадридин ортиқ эрур.

Ойинадор бўлди кўзингдин сахар,
Токи кўзингдин анга тушди назар.

Тебранадири бешиги дунё чунон,
Сени ширин уйқу элитсин дебон.

930 Мурғи дили Исойи малҳам ўзинг,
Сен каби кас бўлса, ўшал ҳам ўзинг.

Сийнаи офтоб тўла оташ эрур,
Кўрса юзинг, кўнгли яна хуш эрур.

Ой камайиб, бўлса у мўйинг қадар,
Ханда урар кўрса юзингни магар.

Хуш яшагил, сенга сафо кам эмас,
Баски ўзинг бандайи олам эмас.

Хоки заминдек ҳамага паст бўл,
Ел каби қашшоғу тихидаст бўл.¹¹¹

935 Сокину қоқ ётса замин яхшидир,
Қўзғалар эрса, у ҳамон соврилур.

Ҳаққа кўнгил берки, бу хурсандлигинг,
Бу яна шоҳлигу худовандлигинг.

Айт, хабари дину диёнат қаён,
Биз, масалан, қайда, омонат қаён?

Дин асари дилда эса кимсанинг,
Икки жаҳондин хабари бор унинг.

Чорайи дин қил, бу умр мазмуни,
Сўнгра у дунёга этарсен уни.

¹¹¹ Тихидаст – қўлида ҳеч вақоси йўқ.

940 Сот дали дунёнию ол динни, ҳай,
Токи у шайтони лаин билмагай.

Диннинг ўшал жавҳар эрур, каҳрабо,
Заррасига тенг неча манн кимиё.¹¹²

Тош бериб, эт анга гавҳар талаб,
Хоки замин бергилу эт зар талаб.

Улки сенга тўшайи йўл бергуси,¹¹³
Бирни олиб, ўрнига ўн бергуси.

Яхшироқ андин-да замон йўқ сенга,
Фойдасини олки, зиён йўқ сенга.

945 Дин ғамини сенга бадал қилдилар,
Аҳли адл бўйла амал қилдилар.

Адл иши маслахат, андишадир,
Ожизу бечорага ул пешадир.

Шаҳру сипоҳга гар эсанг хайрхоҳ,
Хайр тилар санга-да шаҳру сипоҳ.

Юртни талаш – зулму ситамкорлик ул,
Давлати боқий – камозорлик ул.

Оқибати бошинг уза келмайин,
Ҳар неки айларсен, уни ўйлагин.

950 Халққа фароғат тила, озор нечун?
Баски надомат ила топгай якун.

Ақл магар маст эса, уйқуга ғарқ,
Кемайи тадбир у замон сувга ғарқ.

¹¹² Манн – ботмон.

¹¹³ Тўша – йўл озукаси.

Зору заифларга жафо айласанг,
Моли етимларни яна ямласанг.

Рўзи қиёматда бераркан ҳисоб,
Қайси узр бирла этарсан жавоб?

Динга юзинг бурки, қавий¹¹⁴ пуштлик ул,
Танлама офтобники, зардуштлик ул.

955 Улки сариқ тўп, бўлиб мафтуни,
Севма бир ойбоши хотиндек уни.

Ҳар неки тутмиш шу жаҳонда макон,
Лўъбати зарнихга¹¹⁵ ўйиндир ҳамон.¹¹⁶

Мисли Масеҳ покла нафасдин димоғ,
Мойини тўк, бир йўла сўнсин чироғ.

Олдида пар тўкди не парвоналар,
Гар анга ҳар неча сипар тутдилар.

Парчала шу пардани, кўздин йўқот,
То сенга Исо каби битсин қанот.

960 Кимки шу жон томирига урди қўл,
Мисли Исо мулки жаҳон топди ул.

Зулм ила ҳеч кимса жаҳон топмагай,
Ол уни инсоф ила, зулм айламай.

Ҳар не адолатдин эмас, дард сенга,
Ҳар неки инсоф эмас, офат сенга.

¹¹⁴ Қавийпуштлик – қудратли таянч маъносида.

¹¹⁵ Лўъбати зарних – қуёш.

Адлу хирад бирла кўнгил шод қил,
Мамлакатинг маъмуру обод қил.

Мамлакат ул адл ила пойдор,
Иш адолат ила топгай қарор.

Нўширавон ва унинг вазири ҳикояти

965

Бир куни ов қасдида Нўширавон,
Кетди йироқ, қолдириб аҳли аъён.

Муниси хусрав эди вазири, бас,
Вазиру хусрав эди, йўқ бошқа кас.

Шоҳ ўша ноҳияда кўрди шу тоб,
Қишлоқ эди, чун дили душман хароб.

Унда қўниб, сайрар эди икки қуш,
Келмади сайрашлари подшога хуш.

Сўрди: бу қушлар нима деб сайрашар,
Мунчаки шовқину сурон айлашар?

970

Вазири дедик: аё шахриёр,
Айтсам, ўлур сирри ажаб ошкор.

Сайраш эмас, баҳсу талашдир бари,
Боиси – бир тўйу никоҳ жанжали.

Бул бириси қизини бермиш анга,
Эртага, дер, сут пулини бер менга.

Шу неча вайронани олгум ҳамон,
Бошқасини менга берурсан қачон?

Ул бириси дерки, сира ғам ема,
Шоҳки шу эрса, бисот кам дема.

- 975 Зулмидин озурда бўлиб рўзгор,
Мен сенга вайрона берай юз ҳазор...
- Шоҳки бу сўзни ҳамон тинглади,
Чекди алам, оҳу фиғон айлади.
- Бошига мушт урди-ю, ёш тўкди ул,
Зулму ситам охири кўз ёшидир.
- Тишлади бармоғини, деди: ситам
Мунчаки, етмиш ўша қушларга ҳам!..
- Жабрни кўргилки, жабр айлабон
Ўлкани бойқушга этибман макон.
- 980 Эй мани ғофил, дуну дунёпараст,
Баски урай энди шу бошимга даст.
- Олдим улус молини зўрлик ила,
Ўйламадим охиратимни сира.
- Токай, ахир, бўлгуси бу зўрлигим,
Бошима етмасми магар кўрлигим?
- Бўйлаки мулк берди менга Биру Бор,
Мен эса этдим бу жафо, кирдикор.
- Гарчи мисим бўлди чу тилло эваз,
Айладим ул ишники, жоиз эмас.
- 985 Менки ўшал номи қаро ҳар куни,
Зулм қилиб, этдим ўзимга уни!
- Афзал эмасми ўту озар менга,
Эйки, Худо, шарму ҳаё бер менга!
- Бўлди бугун зулм – тамошолигим,
Вой, ўшал эртага расволигим!

Ёнгусидир шу тани беҳосилим,
Бўйла ғаму ғуссада куйгай дилим.

Бу тиғи бедодни чекишлик неча?
Зулм қилиб, қон тўкишлик неча?

990 Рўзи қиёматда мени беадоқ,
Баски, сўроқ узра қилурлар сўроқ.

Мунча хижилманки, қародир юзим,
Тошкўнгилманки, чу тангдил ўзим.

Борди ишим бўйла маломатгача,
Шарму хижил энди қиёматгача.

Юк ҳама бўйнимдаю оворалик,
Чора бўлур менга шу бечоралик.

Ганжи гуҳардин ўша қабригача
Сом не қадар элтди? Фаридун неча?

995 Менга йиғиб, борини бергай элим,
Оқибат ул-кор не кўргай қўлим?..

Шоҳ ёниб, куйди чунонам дили,
Ўт-дамидин юмшади отнинг наъли.

Лашкарига етди кейин бу хабар,
Бўйи навозиш у – вилоят қадар.

Адлу адолат ила иш кўрди ул,
Зулму ситам бошига тиғ урди ул.

Адлу адолат йўлини сайлади,
Умр бўйи унга амал айлади.

- 1000 Адли бўлиб умрининг андозаси,
Кетди жаҳонга унинг овозаси.
- Бўлди муаззам эли соҳибдили,
Номи – ҳама шоҳи жаҳон одили.
- Етди азизликда саранжом анга,
Кимки адолатли – азиз ном анга.
- Хуш яша, дилларга севинч бер, уфор,
Хушнуд ўлур сенданам ул Биру Бор.
- Сояйи хуршидсаворларни сўр,
Улфату ёрингга фароғат, ҳузур.
- 1005 Дард олиб, ўрнига дармонни бер,
Сўнгра дегайлар: қани, фармони бер!
- Мехрда иссиқ, қаҳраро сард бўл,¹¹⁷
Ою қуёшдек жавонмард бўл.
- Кимки амал яхшилик оғоз этар,
Яхшилик алқар уни, эъзоз этар.
- Гунбази гардунни қара, эт қиёс,
Яхши-ёмонга ўзидир ҳақшунос.
- Тоат этиб, тий гуноҳдин ўзинг,
Узру хижолатда қизармас юзинг.
- 1010 Ҳосили дунё сенга соат эрур,
Ҳаммаданам афзали тоат эрур.
- Узрни қўй, жаҳду жадал айлагил,
Ҳақ сўзига сидку амал айлагил.

¹¹⁷ Сард – совуқ, бу ерда совуққон, босиқ маъносида.

Гар сўз ила ишни битирса киши,
Кўкка етар эрди Низомий иши.

Учинчи мақолат
Дунё ходисалари хусусида

Бир нафас, эй хўжайи доманкашон,
Силта қўлингни, нари турсин жаҳон.

Ранжа эмас, роҳати ранжур бўл,
Мухташам ўлмақ ғамидин айру бўл.

1015 Хукм демак оқибатандешлигинг,
Мухташам ўлмак эса дарвешлигинг.

Мулки Сулаймон сўрама, эй фалон,
Мулк ҳамон, лек Сулаймон қаён?

Хужра ўшал, саҳнида Узро эрур,
Вомиқ ўшал базмаро ўлтирур.

Хужраю базм бир-биридин айрилиб,
Вомиқ эса шефтайи Узро бўлиб,

Неча аср бошидин эврилмади,
Қолди жаҳон, бир туки кам бўлмади.

1020 Ер ҳамон зулм ила абгор ўшал,
Чарх ҳамон золиму ғаддор ўшал.

Суҳбати дунёни тилар қайси қул?
Кимга вафо қилдики, бизга қилур?

Хок бўлур, юрса шу хок узра ким,
Хок не билур бағрида не борлигин?

Ҳар қаричи – чехрайи озодадир,
Ҳар қадами – манглайи шахзодадир.

Ёшлигимиз олди жаҳон – отамиз,
Кекса деманг бизни, жаҳонзодамиз.

1025 Сомки, симурғи писаргир эди,¹¹⁸
Ёш эди, гар ўғли қари, пир эди.

Гунбази гардунки, мудом айланур,
Айланиши захму зиёнингга ул.

Гоҳи сени шоҳи жаҳон айлағай,
Гоҳи кулол кўзасига жойлағай.

Хоки замин узра магар ким эмиш,
Ким эса-да, ғуссага маҳкум эмиш.

Кимки ўшал дашт ила саҳродадир,
Унга ҳавас кимсаки, дарёдадир.

1030 Кимсаки дарё тубидин дур олар,
Наздида саҳрову биёбон гўзал.

Одамий беташвишу беғам эмас,
Ҳўлу қуруқ келса, мусаллам эмас.

Фарз эрур бир йўла кўчмоқ сенга,
Ҳар неки бор, бир йўла кечмоқ сенга.

Ҳар киши шу ҳалқа аро қолгуси,
Шаҳрию қишлоғидин ҳайдалгуси.

Улки тушар йўлга, берилгай омон,
Кўрсатилур унга адамдин нишон.

1035 Мулк ҳавасин қўй, у ғурур қўзғатур,
Зулмату соя сенга бергайми нур?

¹¹⁸ Сомнинг ўғлини Симурғ олганига ишорат.

Умринг ўтар ул неча дарвозадин,
Гоҳи чиқарсен ҳама андозадин.

Гардиши ул гунбази фируза, хай,
Ўйна ўйин деб сенга, эврилмагай.

Не эмиш ул огаҳу оқиллигинг,
Бўйлаки хушдир сенга ғофиллигинг?

Ақл кўзи қайга етар эрса то,
Давлати шодликка етар интиҳо.

1040 Ғофил эсанг, йўқ сенга фарзоналик,
Сен уни ғафлат дема, девоналик.

Ғофил эсанг хатту китобатданам,
Ёзмасангам, майли, тарашла қалам.

Аҳли назар суҳбатини хушлагил,
Аҳли сафолар камарин ушлагил.

Хор¹¹⁹ у ҳамсуҳбат ила гул бўлур,
Ғолияйи домани сунбул бўлур.

Рўзи қиёматда бўлур хат сенга,
Дашти азим ичра аросат сенга.

1045 Эй жигари хуну тили басталар,
Қайғу-алам бирла дили хасталар,

Эмди қумингизга ҳаёт қайдадир?
Бодияга файзи Фирот қайдадир?

Нола қилур қум: ютиб неча хун,
Чекдим алам, қатрайи қон тўкмадим.

¹¹⁹ Хор – бу ерда тикан маъносида.

Суфралар ошига қўшиб тузу тот,
Неча жигарлар сари элтдим нажот.

Токи ҳамоғуши ғаюрон¹²⁰ бўлай,
Махрами дастинаи¹²¹ хурон бўлай.

1050 Ҳукмини то ҳукми сиришт айласин,
Мутриби халхоли бихишт айласин.

Суҳбати фарзонани эт ихтиёр,
Бир куни этгай сени ул бахтиёр.

Суҳбати фарзона жаҳондин кетиб,
Шаҳду шакар ўрнига оғу етиб.

Бок бу айёмга, нечук рангу тус,
Одамий одамлигидин бурди юз.

Кетди маърифат, билик қолмади,
Ўртада инсон деғулик қолмади.

1055 Кетди шукух, файзи Сулаймон бари,
Одамий ул кўзга кўринмас пари.

Ўлтириб ҳар кимса била бир замон,
Тоқату тоб қолмади, қочдим ҳамон.

Соясида фарри ҳумо йўқ эди,
Суҳбатида бўйи вафо йўқ эди.

Тухми адаб не? Экишлик вафо,
Ҳаққи вафо не? Этишлик адо.

Ерга экин экса экинчи агар,
Экканидин бир куни топгай самар.

¹²⁰ Ғаюр – ғайратли, ҳамиятли.

¹²¹ Дастина–билакузук.

Сулаймон ва деҳқон ҳикояти

- 1060 Бир куни кўнглига фароғе етиб,
Боди Сулаймонга чароғе етиб,

Дашту дала сорига ул сурди рахт,
Тахтайи мино¹²² уза сўнг қурди тахт.

Кўрдики, деҳқон эди, бир кекса чол,
Ҳорғину меҳнатзада, бечораҳол -

Ки, уйидин халтада дон келтириб,
Кафтига дон, меҳру карам тўлдириб,

Ховуч-ховуч дона сочарди шу дам,
Ҳосил унар деб ўша ҳар донадан...
- 1065 Кўрди Сулаймонки, бу аҳвол эди,
Сўйлади, қуш мантиқи бирлан деди:

“Кел, қаноатли бўл, эй пирамард,
Шунча ҳам эккайми киши беадад?

Дом йўқ экан, донани сарф айлама,
Мен каби сен қуш тилида сўйлама.

Пушта кўтармоққа қани белкурак?
Сув йўқ эса, арпа экиш не керак?

Сувли заминга биз экинлар экиб,
Ҳар неча эканни олурмиз йиғиб.
- 1070 Ташнаю қоқ ерга сочарсен уруғ,
Ҳай, не бўлур охири қолсанг қуруқ?”

¹²² Тахтайи мино – шиша тахта; мажозан осмон.

Чол дедики: “Ранжима, айтгум бироқ,
Ер ила сув ташвиши мендин йироқ.

Хўлу қуруқ бирла менинг йўқ ишим,
Мен экаман, парвариш айлар кишим.¹²³

Тер тўкаман, сув тўла ирмоқ эрур,
Белкурагим қўл ила бармоқ эрур.

Не эмиш ул мулки вилоят менга,
Донайи доним шу кифот менга.

1075 Менга башорат ила айтар ҳануз:
Донасидин дона келур етти юз...

Сочма уруғ ҳийлайи шайтон ила,
Яхши ният айла-ю, хирмон тила.

Яхши уруғ эксанг агар бошданок,
Яхши униб-ўсга-ю, тортгай бошоқ.

Боқса киши, кўнглига шодлик етиб,
Тўн тикилур танга муносиб этиб.

Мосми Масихо юкига ҳар эшак?
Маҳрами давлатми бўлур ҳар кесак?

1080 Шохи-ла филни йиқитур каркидон,
Мўр¹²⁴ малах¹²⁵ пойини судрар ҳамон.

Баҳр неча дарёни ютиб, барқарор,
Биргина сел бирла ариқ беқарор.

Кўкка хусн у ложувардлик ила,
Мард кишининг шуҳрати мардлик ила.

¹²³ Кишим – бу ерда: Худойим маъносида.

¹²⁴ Мўр – чумоли.

¹²⁵ Малах –чигиртка.

Соҳиби давлат аталурми, аё,
Озгина заҳмат юзидин чекса оҳ?

Ҳар нафасе ҳафсалайи ноз эмас,
Ҳар шикаме ҳомилайи роз эмас.

1085 Ҳар нечаким шиквайи хомий эрур,¹²⁶
Нозни кўтаргувчи Низомий эрур...

Тўртинчи мақолат

Подшонинг раиятга ҳусни риояти баёнида

Эйки сенга қайда у мардоналик,
Баски, ишинг ҳийлаву бегоналик?

Заррайи мулксен, вафо йўқ анга,
Шодсен умрингга, бақо йўқ анга.

Улфат этиб ердаки майхоралар,
Эрмак этиб кўкдаги сайёралар.

Мусҳафу шамширни отиб бир тараф,
Жом ила майкўзани туғро атаб,

1090 Ойинаву шона олиб қўлга, бас,
Бўлдинг аёл сингари гесупараст.

Робиани кўрки, ғариб итга у,
Соч ила тортиб челагин, берди сув.

Эй ҳунари бори шармсор амал,
Ожиза, шу бева аёлдин уял!

Гарчи оғизда кўп эрур қудратинг,
Битта аёл ҳолича йўқ ҳимматинг.

¹²⁶ Шиква – шикоят, гина.

Ақл ҳунар завқидин озод эмас,
Ҳеч ҳунар ул ҳунари дод эмас.¹²⁷

1095 Оқмади наҳрингда бир оби зилол,
Битмади чехрангга бирор яхши хол.

Чарх эмассен у саховат писанд,
Яхшилик ўрган у баланд чархдан.

Яхшилик эт, яхшилик эт ҳар маҳал,
Борми бирор нарсаки андин гўзал.

Ишми сенга жабру жафо этмагинг,
Беҳудадин-беҳуда қон тўкмагинг.

Бўлди бу даъвода баче бошқалар,
Биттасидин келдими ҳиммат магар?

1100 Қўрқ ўша мазлум саҳарий оҳидин,
Оҳу фиғон – тири саҳаргоҳидин.

Ҳиммати борларки, назар этгуси,
Хшрлама, жонингга асар етгуси.

Қарғади ул бир неча бечораҳол,
Бок, ўша Маҳмудга нечук бўлди ҳол?

Қарғаса улким нафаси беғубор?
Не кечар ул бошинг уза рўзгор?

Роҳравонларки, малоикқадам,
Нурлари каммас ўша юлдузданам.¹²⁸

1105 Тиғи ситам чекма уларга, аё,
Тири саҳаргоҳлари этгай адо.

¹²⁷ Ҳунари дод – инсоф, адолат, ҳунари.

¹²⁸ Бу ерда Кашаф деб аталувчи Саратон юлдузлар туркуми кўзда тутилмоқда.

Адлу карам – шарти жаҳондорлик ул,
Шарти жаҳон – зулму ситамкорлик ул.

Кимки бугун адлини бунёд этар,
Эртага ўз манзилин обод этар...

Кимсасиз кампир ва султон Санжар ҳикояти

Мазлума бир кампир эди, кекса тул,
Бир куни Санжар йўлини тўсди ул.

Деди: “Замонангда шу, шоҳи азим,
Не аламу жабру жафо кўрмадим!..

1110 Миршаби маст келди кеча қошима,
Тепкилади, урди неча бошима.

Тутди у сочимдану сўнг судради,
Ташқарида зулму ситам айлади.

Қаҳру итоб этди яна қанчалар,
Ранжу азоб этди яна қанчалар.

Деди: “Фалон кимсани ул тун ярим
Шу кўчанинг бошида ўлдирди ким?”

Тинтиди кулбамни сўраб қон изин,
Шунчами бечорага зулму зуғум?

1115 Миршаб ўшал маст эди, хун айлади,
Мунча маломатни нечун айлади?

Бода ичиб, жабру жафо айлашар,
Мен каби кампирга кейин тўнкашар.

Не эди ул хору забун этгани?
Ул мени шаъним эди, адлинг сени.

Эзди шу сийнамни уриб беомон,
Қолмади ул мендану жондин нишон.

Этмасанг адлингни, эй олийжаноб,
Рўзи ҳисоб сенга ёзилгай ҳисоб...

1120 Қайдаким ул доварию дод эмас,¹²⁹
Жабру ситамдин улус озод эмас.

Шоҳлар иши қуввату ёрлик эрур,
Сендин улусга нега хорлик эрур?

Моли етимларни юлиш кор эмас,
Қўй буни, ул одати аҳрор эмас.

Зору ҳақирлар ҳақи ўқдир магар,
Зору ҳақирлар ҳақидин эт ҳазар.

Бандалигу даъвийи шоҳлик ишинг,
Шоҳ эмассен, чу табоҳлик ишинг.

1125 Шоҳки тартиби вилоят қилур,
Ҳукми раиятга риоят қилур.

Бошни эгарлар ҳама фармонига,
Жонни тикарлар эл унинг жонига.

Сен шу жаҳонга не ҳунар айладинг?
Бошдин-оёқ зебу забар айладинг.

Давлати туркларки, баланд эрди ул,
Адлу адолатга чаман эрди ул,

¹²⁹ Довари – адолатли, маҳкама.

Сенга етиб барчаси бўлди абас,
Ҳиндуйи ғоратгар ўзинг, турк эмас.

1130 Шаҳру чаман бузғуну вайрон бугун,
Хирмани деҳқон бари бедон бугун.

Тиғи ажал бошинга келмай туриб,
Кутгил уни, сен дағи қўрғон қуриб.

Нури адолат-ла ёритгил тунинг,
Андин эрур эртаги равшан кунинг.

Зору ҳақирларга ширин эт калом,
Ушбу каломимни қабул эт мудом.

Қийнама, хор айлама бечорани,
Йўқса, унинг қарғиши тутгай сени.

1135 Ўқлар отарсан кезиб ҳар гўша сен,
Гўшасидин ғофилу бетўшасен.

Фатҳи жаҳон шарти эди келганинг,
Зулму ситам айлагали келмадинг.

Шоҳ карам айла, жафони кам эт,
Ўзгалар этганда яро, малҳам эт.

Расми заифлар сенга нозиш эрур,
Расминг улар сори навозиш эрур.

Зору гадоларни мудом тинглагил,
Гўшанишинларга назар айлагил...”

1140 Шоҳи Хуросонки у Санжар эди,
Панду насихат сўзига қар эди.

Кетган эди адлу адолат бари,
Маскан эди кўкдаги Симурғ пари.

Гунбази гардунда ҳаё йўк эди,
Хоки муаллақда сафо йўк эди...

Тур, Низомий, нидо айлагил,
Қонга тўлиб кетди юрак, йиғлагил.

Бешинчи мақолат

Кексалик васфида

Умр куни хуш эди, тун етди-ку,
Сапчиди тупроққа шамол, ўтга сув.

1145 Субҳ етиб сен не учун масти хоб,
Кечди-ку девор бошидин офтоб.

Қўй бу ҳавони, бари олифталиқ,
Ёшлиқ ўтиб, етди сенга кексалиқ.

Қурғади кўнгилки, эди кони ғам,
Қолмади аввалги тузу тотӣ ҳам.

Ақл паришонӯ фикр беқарор,
Қўл қавариб, кетди оёқдин мадор.

Мулки заминдин сенга бахшойиш ул,
Чўзгил оёғингники, осойиш ул.

1150 Йўқ ўшаким поклигу олудалиқ,
Хуш сенга шу тинчлигу осудалиқ..

Чашмаи ойингни ғубор қоплабон,
Лолайи гулноринг ўлиб заъфарон,

Сочларинг андоқки, Ҳабашдин Тироз,
Тоziю турк бирга этиб турктоз,

Оку қароси куну тундир сенга,
Панди адаб дарсини айтур сенга.

Сенгача ҳам бор эди кўп навқирон,
Дер эдиким, ёш бўлурмиз мудом.

1155 Боғига лек боди хазони етиб,
Келди қарилик анга, ёшлик кетиб.

Ёшлик улар наздида айбсиз эди,
Кексалик айби кам эмас, юз эди.

Давлат агар – давлати жамшидлигинг,
Сочдаги оқ – ояти навмидлигинг.

Сочдаги оқ – сенга ажалдин салом,
Букчайишинг – Рўзи ҳисобдин паём.

Ёшлик умрбод сенга қолгаймиди?
Ўтди-ку ул, менга вафо қилмади.

1160 Ўтди ул айём чу тағофул ила,
Жон-азиз, жони азизинг тила.

Кимки йўқолгай, ўша Юсуф эрур,
Йитгани боиси таассуф эрур.

Қадрини билмайсан ўшал ёшлигинг,
Бўлмагунингча қари, билгаймидинг?

Ёш дарахт зийнати боғдир мудом,
Гар қариса, кесгай уни боғбон.

Ёшлик ўшал, кўксида ўт ёширин,
Кексалик аччиқ эса, ёшлик ширин.

1165 Хўл, тирик новда яшар гул учун,
Қоқ-қуруқ новда ёнар кул учун.

Тим қора сочинг бош уза тож эрур,
Зарни айиргувчи қаро тош эрур.

Ёшлигинг – айёминг ўшал, ухлама,
Ўтса тунинг, етса сахар, ухлама!

Кофуру мушк эрди ўша аввалин,
Айлади табъинг ўти кофур кейин.¹³⁰

Кўкда қаро эрса булутлар магар,
Турса аёз, ерга кумуш қор ёғар.

1170 Кирчию бўёқчи иши биргадир,
Хуршиду Исонинг уйи биттадир.

Кирчи ювиб, тоза этар нарсани,
Ранг ила бўёқчи яшнатгай ани.

Ранг сотиб олгай шу самовот, ажаб,
Исий бўёқчи бўлиши ул сабаб.

Чунки ҳавода асари ранг йўқ,
Заррача тошдан-да топилмайди юқ.

Бўлма туну кун каби ранглар аро,
Сурати румий, руҳи зангий, қаро.

1175 Румию зангий бўлишинг эрса рост,
Жоҳилу золим бўлишам сенга хос.

Қоплон эди, териси йўл-йўлсимон,
Овчига ул териси бўлди нишон.

Сенга ўшал дов - дарахтдин қиёс,
Устларида гоҳи қасаб, гоҳ палос.

¹³⁰ Кофур – биринчи мисрада хушбўй модда-мушк, иккинчи мисрада оқ ранг, бўёқ маъносида келяпти.

Ул феълу хўйинг сабаб устингда то,
Ёзда чопон, қишда эса ҳеч вақо.

Шер каби озуку либос эт уни,
Ҳар неки заҳмат ила топсанг, шуни.

1180 Сув ила нонингга қаноатли бўл,
 Суқ ила ҳар суфра сари чўзма қўл.

Нонга қорин тўймаса, ул тўйганинг,
Сув ва гиёҳингни ким олгай сенинг?

Ема биров нонини айтиб сало,
Мисли Исо эшшагидек е гиёҳ!

Хоки замин оташ эрур сенга, ҳай,
Нонини бермас, то сувинг ичмагай.

Йўқса, чўкиб дахмайи зиндониён,
Қайда эди оташи руҳониён?

1185 Бўри эсанг, олма Юсуф жонини,
 Шердил эсанг, тўкма мушук қонини.

Бир ҳовуч ул арпаю буғдойни деб,
Эзма дилинг донасини донадек.

Нонхуруш эт сийна сувингдин, гулоб,
Ҳам у дилинг оташидин эт кабоб.

Аҳли бахил нонига кўз тикмагил,
Хайли залил ёнида ўлтирмагил.

Дасту дилинг бағрига тўлдир тикан,
Ҳар не ишинг айла ўз илкинг билан.

1190 Жону дилинг бирла ишинг эт адо,
Токи биров олдида бўлма гадо.

Ғиштчи чол ҳикояти

Шоми шариф ёқда қари чол эди,
Унда ажаб, айрича бир ҳол эди.

Турмуши эл кўзидин эрди нари,
Ўйлаки, кўздин нари гўё пари.

Ўт-ўлан бирла ёпиб устини,
Ғишт тўкибон топгай эди ризқини.

Ўлса сипоҳий ила саркардалар,
Ғиштдин айларди лаҳадга сипар.

1195 Ғиштдин ул кимки ниқоб айлагай,
Ўйлар эди: бизга азоб бўлмагай...

Бир куни чол ишлар эди кечқурун,
Келди унинг ёнига бир ўспирин.

Дедики, ҳай-ҳай, бу мазаллат иши,
Ўзни шу аҳволга соларми киши?

Бас, етар, урма шу тупроққа тиғ,
Нонини сендин киши тутмас дариг.

Ташла у ғишт қолипини, ўтга от,
Бўйла эмас, бошқача сургил ҳаёт!

1200 Қум ила тупроққа такаллуфни қўй,
Сув ила лой кечма, тасарруфни қўй.

Ўзни сана кексаю фарзонарўй,
Ишни ўшал ёш-ялангларга қўй...

Чол дедики: хай, бола, ёшсан ҳали,
Ёшсан ҳали – менга ўгит айтгали.

Ғишт тўкиш аслида чоллар иши,
Юк кўтариш – банди, қароллар иши.

Бўйла машаққат сари чўздим кўлим,
Токи биров олдида кўл чўзмагум.

1205 Баски бировдин сўрамам молу ганж,
Нону насибамни берар менга ранж.

Қўй, бу ишим ўзга маром айлама,
Ризқи ҳалолимни ҳаром айлама.

Чол сўзига беҳушу ҳайрон бўлиб,
Кетди йигит охири гирён бўлиб.

Чол у жаҳондийда эди, ул сабаб
Эрди ҳалолхўру машаққат талаб.

Эгма, Низомий, дари дунёда қад,¹³¹
Дину диёнат эшигин ур фақат...

Олтинчи мақолат **Мавжудот эътибори баёнида**

1210 Пардаки бор, ортида бир кимса ул,
Йўқса, қўғирчоқни кимам ўйнатур?

Узма кўнгил кўзини ул пардадин,
Кут, не келур деб ўшанинг ортидин?

Парданинг ортида эса шул заҳот
Не-не вужудларки у ҳаддин зиёд.

¹³¹ Дари дунё – дунёнинг эшиги.

Кўзни адаб нури-ла равшан этиб,
Ўзни кўнгил хизматига шай этиб,

Нуқтайи паргор топарму киши,
Шу хати доирада эрса киши?

1215 Неча уловларга эгар урдилар,
Бизга етишмоқ йўлида сурдилар.

Бул ҳама ул ҳўлу қуруқдин бурун,
Янгию эски бу гуруҳдин бурун,

Маснади ишқ қургучи бизмасмидик?
Жабрини ҳам кўргучи бизмасмидик?

Икки жаҳон яхши-ёмонни йиғиб,
Бойладилар сенга кейин келтириб.

Даҳр уйида сен каби ҳамхона йўқ,
Ер қушига сен каби бир дона йўқ.

1220 Кеч бу жафо қузғунидин шул заҳот,
Бошида Симурғ каби ёзгил қанот.

Мурғи қафаспар – Масихойинг ул,
Остингу устингда ҳувайдойинг ул.

Ё уни эт қайди қафасдин жудо,
Ёки анга ет қафасингни раво.

Токи олиб ҳифзу ҳимоятга ул,
Элтсин ўзи сўйи вилоятга ул.

Баски ўтарсен неча даҳлизи хок,
Шунда юварлар ўша лавҳингни пок.

- 1225 Оқу қароликдин ўзинг айрилиб,
Махрами асрори илоҳий бўлиб,

Сенга етиб ул қадами анбиё,
Масканинг ўлгай ҳарами кибриё.

Икки жаҳон йўлики, манзил эди,
Ярми унинг – бир нафаси дил эди.

Улки асосингга асос этди гил,
Каъбайи жонингга ҳарам этди дил.

Равшани дил бирла қабул эт уни,
Олма қаро тан гилами гардини.
- 1230 Сурмакаши дийдаи наргис – сабо,
Мисга жило бергучи ул кимиё.

Тан нимадир? Улки қаро гилдадир,
Дилни тани, дилники, гап дилдадир.

Бандаи дил бўл, сени султон қилур,
Хўжайи ақлу малики жон қилур.

Дилга мулойимлигу шафқат тила,
Танга буюр ишни сиёсат ила.

Афзали йўқ сенга дағил жомадин,
Кеч ўша абрешиму бодомадин.
- 1235 Оҳуни асрар у дағал пўстлиги,
Ранжу машаққатлар ила дўстлиги.

Мушк дағал терида пинҳон эрур,
Оҳу ҳарир кийса, ҳамон тарқалур.

Шаккар эсанг, тор нафас ҳамдам эт,
Гавҳар эсанг, изла садаф, маҳрам эт.

Гоҳида тун ичра саҳаргоҳ бўл,
Гоҳи саҳар ичра ёниқ оҳ бўл.

Ғам юкини торт, қаро келса тун,
Ранж зиёд эрса, иноят фузун.

1240 Аҳли вафо касби камол этдилар,
Унга расо заҳмат ила етдилар.

Нузли бало – офияти анбиё,
Ҳар не сенга офият эрса, бало.

Заҳми бало – малҳами худбинлак ул,
Аччиғи май – мойи ширинлик ул.

Ҳар неча аждар эса, ул ганж ила,
Ҳар неки роҳат эса, ул ранж ила.

Сарв бўл, бандинг ечиб, озод бўл,
Шам бўл, оташда ёниб, шод бўл.

1245 Ранжга не саҳну масофат эрур,
Ортидин осойишу роҳат келур.

Чарх сира бошингда тугун тугмагай,
То ўзи бир бошқа тугун ечмагай.

Сен сафар этгилки, сафо бергуси,
Шодлигинг олдида ғаминг юргуси...

Сайёд, унинг ити ва тулки ҳикояти

Овчи эди, кўзлари мисли чақин,
Ҳар не йироқ эрса, кўрарди яқин.

Бир ити бор эди, магар шер эди,
Оҳуни овлашга у абжир эди.

1250 Ҳамласидин мажруҳ эди каркидон,
 Тишларидин қонга ботарди қулон.

Овчига чин ҳамдаму ёр эрди ул,
Қайда эса, ёнида бор эрди ул.

Соқчи эди тунлари, уйғоқ нафас,
Кундузи ов-ўлжа қувиб чарчамас...

Бир куни ит кетди, йўқолди, ажаб,
Эгасининг қолди дили сирқираб.

Деди: “Бу йўл узра ҳакамдир қазо,
Ит оёғи шер бошига тенг баҳо...

1255 Гарчи ғаму дардига тўлди юрак,
 Сабр қилиб, ҳажрини чекмоқ керак”.

Ҳар не кучи борича сабр айлади,
Зарраси ҳам заррача наф айлади.

Бир куни бир тулки кўринди ахир,
Дедик: “Сабр этма, аё бесабр!

Менга хабар етдики, гап омади,
Ҳукми азал бўлди, итинг қолмади.

Неча шикор бошига солди ажал,
Тез югуриб эрди, анга етди гал.

1260 Дарди сени этди асир, ҳойнаҳой,
 Ғам емагил, ғам чекишинг икки ой.

Энди кабобингни кўнгил-эшга бер,
Мағзини е, пўстини дарвешга бер.

Баски неча тотли таом еб эдинг,
Энди семиз тулкига етмас қўлинг.

Қайда сенга равғани аъзойимиз,
Етди мизожингга шу сафройимиз.

Энди булардин неча ғамдир сенга,
Чекма алам, гарчи аламдир сенга!”

1265 Овчи деди: “Ғам ила қўрқитма, бас,
Менга у бир кунлик эрур, бошқамас.

Шодлигу ғам борки жаҳон ичра, ҳай,
Келса-да, бир жойда қўним топмагай.

Барчаси ул – мирлигу ё бандалик,
Ушбу жаҳон сахнида вақтинчалик.

Қўкда у анжум-да кезар галма-гал,
Мехнату роҳат-да кечар галма-гал.

Шод эрурманки, келибдир ғамим,
Келгусидир бахту севинчим маним.

1270 Етди Юсуф қисмати ул менга ҳам,
Бўри эмасманки, фақат увласам.

Гар шу фалак этса яна лутфи нур,
Сен каби овни менга эҳсон қилур”.

У ҳали сўзлар экан, учди ғубор,
Бўлди ити пардадин ул ошкор.

Келдию атрофидин айланди зуд,
Сўнгра ўшал тулкига солди човут.

Деди: “Кечикдим пича, лек шер бўлиб,
Келдим ўзим, тулкича қўйсин билиб.

1275 Гарчи йўлим эрди йироқ сенгаким,
Тулкини шу қилмиши этди яқин”.

Кимки яқинига иродат қилур,
Ўзига ул бахту саодат қилур.

Йўлни яқин танла, келур ҳосиле,
Борми яна бўйла ажаб манзиле.

Тош яқинлик ила зар бўлгуси,
Қатра яқинлик-ла гуҳар бўлгуси.

Айла яқинга қадаминг устувор,
Ҳар не ишинг топгуси андин барор.

1280 Кимки таваккалга яқинни қорур,
Ул “Карам ур-ризқ алаллоҳ” ёзур.¹³²

Ҳар неки олдингда муҳайё магар,
Келмамиш ортингдин, аё, сол назар.

Ҳақ йўлига юрки, Ўзи қўллагай,
Сенга емак дарду ғами бўлмагай.

Эшигини қоқ кечаю кундузи,
Нону насибангни Ўзи бергуси.

Кимки ўшал ўтди эшикдин равон,
Қайтмади бўш қўл ила ул ҳеч қачон.

1285 Аҳли яқин ўзгача тоифадир,
Бизни оёқ англа, улар бош эрур.

Сувга ёзарлар ўша сажжодани,
Мисли асалдек этишар бодани.

¹³² Ризку насиба Аллоҳдан.

Умринг ўтар, ҳар куни сен жонҳалак,
Сенга у юз йил яшамоқ не керак?

Суратимиз асли амалдин чизиб,
Қисматимиз рўзи азалдин ёзиб,

Ризқ дағи ул дамда битилмиш сенга,
Сен уни еб-ички, берилмиш сенга.

1290 Гарчи халойиқ неча жаҳд этдилар,
Ризқлари қолди у битилмиш қадар.

Жаҳд эт ул ишгаки, чун эрди аҳд,
Ризқ ила давлатни оширгайму жаҳд?

Гар тиласанг бўлмоқ азиз, мухтарам,
Жаҳд этибон қўш анга тавфиқни ҳам.

Жаҳди Низомийки совуқ эрди, бас,
Айлади тавфиқ уни оташнафас...

Еттинчи мақолат

Одамийликнинг бутун хилқатлардан устунлиги

Эйки еру кўкка ўзинг нозанин,
Нозкашинг ҳам фалаку ҳам замин.

1295 Иш сенга ул ёқдин, ўзинг бохабар,
Яхши бўлурди яна билсанг магар.

Бошда сени доя этиб парвариш,
Бермади сут, берди шакардин емиш.

Яхшилик эрди сенга ҳамроҳ нукул,
Яхшилик бундан-да зиёд қайда ул?

Килки азал бирла адаб чиздилар,
Нақши нигорингни ажаб чиздилар.

Риштайи жонни жигарингга тугиб,
Гавҳари танни камарингга тугиб.

1300 Улки заифсен, сенга бу яхшироқ,
Оҳу семиз эрса, чополмас йироқ.

Жонвар ул барча – ғуломинг сенинг,
Қушга ҳадаф донаю доминг сенинг.

Сенки ҳумосен, шарафи кор бўл,
Кам ею кам сўзла, камозор бўл.

Кимга кўзинг тушса шу олам аро,
Бир иш ила машғул эрур доимо.

Чуғзки шум, таърифи афсонада,
Булбули ганж маскани вайронада.

1305 Ҳар неки шу пардадир ошкор,
Жисмига ўлчовли азиз жони бор.

Гарчи сенингдир дуру гавҳар бари,
Сен шу жаҳон гавҳарининг гавҳари.

Каму зиёд дейди ҳисобинг уни,
Ранжига лойиқ бер улар муздини.

Яхши, ёмон ул ҳама боринг сенинг,
Яхши, ёмон – ойинадоринг сенинг.

Кафш бериб, ўрнига олгил кулоҳ,
Пардани йирт, парданг ўлур чок-чок.

1310 Пардани йиртма ошиқиб субҳвор,
Тун каби номингни дегил пардадор.

Пардаи занбур у гули суридир¹³³,
Парданг ўшал пардаи занбуридир.¹³⁴

Токай учарсен ўша озуқа деб,
Шу тўри ўргимчак уза пашшадек?

Пардалилар мулки жаҳон тутдилар,
Пардада сиррингни ниҳон тутдилар.

Йўлни адаштирдинг азал пардадин,
Оқибат ул, чиқдинг ўшал пардадин.

1315 Дилки у бепарда, видо айлама,
Ҳар неки бепарда, само айлама.

Шўъбадабозликки келур пардадан,
Айлама бошингни у найрангга банд.

Пардадин айрича ҳаво излама,
Чўзма қўлинг, ўзга наво излама.

Тингла шу сир пардани, бедор бўл,
Ҳамнишини пардаи асрор бўл.

Пок бўлур жон каби жисминг-да ул,
Қирқ кун агар бандийи зиндон ўлур.

1320 Мард киши зиндон ила топгай шараф,
Кирди у зиндонга Юсуф шул сабаб.

Қадри дилу пояйи жонинг ҳама,
Сенга келур ранжу риёзат ила.

Сийми табъинг ранжу риёзатга бер,
Зарри дилинг ранжу риёзат-ла тер.

¹³³ Гули сур – қизғиш гул.

¹³⁴ Занбур – ари.

Мулки мақомингга етарсен баса,
Унга етолмас касе, ҳар нокасе.

Тавсани¹³⁵ табъингки сенга ром ўлур,
Сиккайи ихлос-да сенга ном ўлур.

1325 Аклу табиатки сенга ёр эмиш,
Қиссайи оҳангару аттор эмиш.

Ул биридин нури лиқойинг келар,
Бул биридин атри сафойинг келар.

Табъ маконида нажот озгина,
Қайда ажал ичра ҳаёт озгина.

Ҳар не хилофи раъйи одат эрур,
Қофиласолори¹³⁶ саодат эрур.

Кибру ҳаво этмаса, сарварлик ул,
Тарки ҳаво – фазли паямбарлик ул.

1330 Нафс агар этса итоат сенга,
Боғи бихишт ичра фароғат сенга.

Ур бошига нафси касофатни ул,
Бандайи дин бўл, на шайтонга қул.

Дин ҳарами ичра ҳимоят сари
Боргилу ҳар машмашадин тур нари.

Оташи дўзахки, у ғолиб эрур,
Бўйи Набий ҳифзи Бутолиб эрур.¹³⁷

Ҳақ эрур муқбили аҳли назар,
Аҳли дилларга паноҳдир улар.

¹³⁵ Тавсан – тулпор.

¹³⁶ Қофиласолор – карвонбоши.

¹³⁷ Бутолиб – Абу Толиб, ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в) амакилари.

Фаридун ва оху ҳикояти

- 1335 Тонг эди ул, шоҳи Фаридун у кун
 Бўлди савор сайру тамошо учун.
- Юрди у саҳро сари ов этгани,
 Кўрди биёбонда бир охучани.
- Бўйни, қулоғида ажаб товланиш,
 Чашми сурайёсида бир ёлвориш.
- Бўлди у бир лаҳзада кўздин йироқ,
 Шоҳ эса энтикди, чу ўздин йироқ.
- Ов эди улким, анга шоҳ бўлди ов,
 Ортидин от солди бўлиб ўт-олов.
- 1340 Учди бедов, ўйлаки чакмоқ эди,
 Тортди камон, бўш эди, юмшоқ эди.
- Ўқи учаркан, сираям етмади,
 Оти кийик гардига ҳам етмади.
- Ўқиға дер: қайда қанотинг сенинг?
 Отига дер: қайда саботинг сенинг?
- Ортада қолибсизки, ҳамон жонсарақ,
 Охуи ўтхўрга етолмай ҳалак!..
- Тилга кириб ўқ деди: шоҳи жаҳон,
 Тушди нигоҳингга ўша безабон.
- 1345 Ҳифзу ҳимоянгда у жавлон урар,
 Улки сенинг, ким анга пайкон урар?
- Мутриби созанда бирор бошқа кас
 Созига қўл урса, сира хушламас.

Тоғи баланд айла талаб, ҳушманд,
Баски бўлурсен у баланддин баланд.

Сурати хизматки, чумардум қилур,
Хизмати инсонга шараф келтурур.

Аҳли назар қошида ул ҳар маҳал
Аҳдга вафо айламак олий амал.

1350 Ўзни вафо аҳли дебон аҳд қил,
Бузмагин аҳдингни сира, жаҳд қил!

Ганж қўриқлайди илон, сол назар
Бошдин то думи – узун бир камар.

Хизматини баски фалак сийлади,
Бор танини бўйла камар айлади.

Улки ҳунарга ўзини шайлагай,
Белига хизмат камарин бойлагай.

Шам ёнар хизматидин нур топиб,
Хизмати боис яна занбур топиб.

1355 Тур, Низомийки, чун азм айладинг,
Сўйла, не хизматга камар бойладинг?

Саккизинчи мақолат
Яратилиш баёнида

Халқки, ул аввалин эрди вужуд,
Ичмамиш ул қатрайи дарёйи жуд.

Қўлларида мулки ясор йўқ эди,¹³⁸
Йўлларида хоки ғубор йўқ эди.

¹³⁸ Ясор – молу давлат.

Ахдни бузиш кимсага эрмасди хос,
Пардада эрди ҳали ул лўттибоз.

Кечаю кундузга тутош йўқ эди,
Жону тан осуда, талош йўқ эди.

1360 Жанжали аъзо ҳувайдо эмас,
Баҳси адолат ҳали пайдо эмас.

Файзу карам ичра мувосо эди,¹³⁹
Қатра томаркан, анга дарё эди.

Қатраки ул келди ва бўлди аён,
Эрди ўшал сахни фалакдин равон.

Оби равон гардини ул олдилар,
Жавҳаринг омухта этиб, қордилар.

Токи оёғингда эсанг устувор,
Йўл уза тургай ўша гарду ғубор.

1365 Эй на гўзал, сенсиз эди шу жаҳон,
Нақшингга йўқ сурату суратга жон.

Чашми фалакка йўқ эди жустужўй,
Гўши заминга йўқ эди гуфтугўй.

Сенга етишмай ҳали борлиқ куни,
Борлиқ этар эрди адам шукрини.

Кун ила тун эрди юкингдин йироқ,
Жумла табиат дағи гул эрди, тоқ.

Боғи жаҳон заҳмати хорсиз эди,
Хоки саросима ғуборсиз эди.

¹³⁹ Мувосо – муроса.

1370 Толеи Жавзоки, камарбаста ул,
Ранжу азобингга дуч эрмасди ул.

Ой юзи ҳам кўкда қаро тортмамиш,
Сув тўла тосингни қаро этмамиш.

Зухра шу ерга ҳали сув бермайин,
Ҳорут пати Бобулда ҳали куймайин.

Сендин эди айру шу ер, осмон,
Ҳасрату қайғунгни чекиб ҳар замон.

Келдингу туғройи жаҳон бўлди зар,
Тушди само саҳнига овозалар.

1375 Бад назарингдин, аё, худпараст,
Топди ўшал маҳди кавокиб шикаст.

Ой ила йил кўксида эрди сукун,
Сен ўшаларни танимасдан бурун.

Рўйи жаҳон ойинайи пок эди,
Лек нафасинг етди, уни намлади.

Машъалайи субҳни шом айладинг,
Козибу содиқ дея ном айладинг.

Истадинг андоқки, замин, осмон
Турсин ҳузурингда белин бойлабон.

1380 Жумла фалак мевайи жон дер сени,
Айтди тили бирла, эшитдим уни.

Тож, афсуски, бошингдин азиз,
Тос иту тўрва эшакдин азиз.

Таъна қилурлар сенга ҳар лаҳза ул,
Арпага сотдинг дея дунёни шул.

Бир ҳовуч тупроққа шу жонинг нисор,
Арпага ҳам мулки жаҳонинг нисор.

Эй сен ила ер уза дарду жафо,
Жой сенга ер остида ҳам бебаҳо.

1385 Эрди миянг ранги чу симобий ул,
Этди совуқ фундуқи санжобий ул.

Этмасин, илло, яна ҳолингни танг,
Кеч, не керак фундуқи санжобранг?

Қоқуму қундуз дема, оқу қаро,
Куну тунинг далла эрур, аждаҳо.¹⁴⁰

Мушук эмассен, дастдарозликни қўй,
Далла билан бу далабозликни қўй.¹⁴¹

Шер йўлинг устида пойлар ҳали,
Борма қўтос сингари сув ичгали.

1390 Гоҳи фалак ишвайи об кўрсатур,
Макрига алданма, сароб кўрсатур.

Юрма шитоб, қуйса фалакдин булут,
Туз бил уни, оби даҳонингни ют.

Ташна эмас, соҳиби тадбир бўл,
Хирмани куйгувчи табошир бўл.

Юсуф ўшал чикди қудукдин омон,
Мисри илоҳийси эди соябон.

Келдинг азалдинки, юзинг сарғайиб,
Сўнгра шу чоҳ қаърига тушдинг тойиб.

¹⁴⁰ Далла – бу ерда икки юзла, мунофиқ маъносида.

¹⁴¹ Далабозлик – найрангбозлик.

- 1395 Бўйла сариқ эрди юзинг, заъфарон,
Сирка билан ювса-да, кетмас ҳамон.
- Юздаги ёғинг эса юз йиллик ул,
Сирка бу ўн йиллик, анга не қилур?
- Кўрдинг у хуни падаринг етти хон,
Булғама шаънингни сўраб етти нон.
- Ёқдинг ўзинг хирманинг ул, хор этиб,
Давлатинг ул тепкилаб, абгор этиб.
- Тўхтама, от сурки, бу майдон сенинг,
Ишга буюр, амр ила фармон сенинг.
- 1400 Неча қадаҳ сенга насиб этди ул,
Хуш яша, хуш ишла, кўнгил хушлагил!
- Бошда магар жабру жафо қилдилар,
Сўнгра жиловни сенга бўш қўйдилар.
- Қолдинг ахир лангу беланги бўлиб,
Бир йўла ёғингда ўзинг қоврилиб.
- Бўлдинг ахир чун дағали матбахий,¹⁴²
Рўзи қиёматда ўшал дўзахий.
- Нону таом жойла қоринга, семир,
Йўқса, семизлик сенга қайдин келур?
- 1405 Кўп емак умрингни узайтса магар,
Ўлмас эди шунча юҳо, гушналар.
- Сенга чу кам этди умр муҳлатин,
Кўр ўша камликда унинг қийматин.

¹⁴² Дағали матбахий – ҳийлагар ошпаз.

Оз егилу тинчу фароғатни кўр,
Кўп егилу дарду жароҳатни кўр.

Нафс нималар солди ақл бошига?
Ҳирс сени бошлайди алам қошига.

Ҳирс деганинг фитна эрур, бесабр,
Ҳайда, у аблах сенга этгай жабр.

1410 Сенга ақл берди нечун Зулжалол?
Сен ема у нарсаниким, ноҳалол.

Қўрқаман, ул домига олгай сени,
Нафс ўзининг рангига солгай сени.

Яхши-ёмон ҳамдам эрур ҳар маҳал,
Бир-бирининг рангига киргай улар.

Мевафуруш ва тулки ҳикояти

Мевафуруш эрди, Яман маскани,
Тулкичаси бор эди ул кимсани.

Эрди у баққол уйига посбон,
Зийрагу ҳушёр эди ҳар замон.

1415 Ўғри келиб бир куни, кўп авради,
Аврагани суду самар бермади.

Кўрдики, бетаъсир эди унга сўз,
Уйқуга солди ўзини, юмди кўз.

Тулкича ҳам кўрди буни, уфлади,
Эснади бир-икки, кейин ухлади.

Ўғри кўриб тулкичанинг ҳолини,
Кирди, ўмарди у дўкон молини...

Соқчи агар ажрамаса хобидин,
Бошидин ажрайди ё қалпоғидин.

1420 Ётма, Низомийки, туриш аҳдидир,¹⁴³
Барчани тарк айламагинг вақтидир...

Тўққизинчи мақолат
Дунё ташвишларидан қутулиш баёнида

Эйки, висол шомидин авло, азиз,
Сояси субҳ байроғидин ҳам нафис,

Соядек ўлтирма чекиб дарду ғам,
Тургилу байроқни кўтаргил баланд.

Шоҳлар агар базми сафар айлағай,
Ўзидин олдин юкини йўллағай.

Шоҳ эсанг, юрмагинг оғоз қил,
Йўлга сафар жабдуғини соз қил.

1425 Жамлаганинг ўзингдин олдин жўнат,
Эртаги озуқани ҳозир жўнат.

Боларини кўр, нечук ҳоли бор,
Эртаги кунга асали, боли бор.

Кўр чумолини, ташир дону дун,
Эртаги куннинг ғамини ер бугун.

Ғофил эмас эрса киши, кўр ҳам,
Кам эмас ул ари, чумолидана.

¹⁴³ Аҳд – бу ерда замон маъносида

Кимки жаҳон истаса, жон ҳам магар,
Қиш ғамини ёзда егай ҳар маҳал.

1430 Ҳар кишиким эрса шу тоатда ул,
Гавҳару дурдонага сарроф эрур.

Одамий ул оқибатандеш эмас,
Бир қадам олдинни у кўргуси, бас.

Манзилимиз авжи фалакдир азал,
Манзилати оқибатандеш ўшал.

Бизданам олдинни кўрувчи, буюк,
Оқибатандешни ҳали кўрмадик.

Гарчи ҳаёт нашъаси жондин ширин,
Оқибатандешлигинг ондин ширин.

1435 Гарчи шу тупрокдин эрур аслимиз,
Лутфи азалдин дили гавҳарлимиз.

Етганидин бизга-да етгай асар,
Бўлгусидин биз яна соҳибхабар.

Мактаби тўққизда биз абжад ўқиб,
Жон ила андишани олдик уқиб.

Кўксида доғ сен эдингу мен эдим,
Навбари¹⁴⁴ боғ сен эдингу мен эдим.

Хоки танингники у кун қордилар,
Маъжуни ул кўнгил учун қордилар.

1440 Қўшдилар унга неча кўз ёши, ранж,
Лек ўша кўнгилни этиб кони ганж.

¹⁴⁴ Навбар – янги мева.

Қадрини билмак уни вожиб эрур,
Эт уни шукронасини, ношукур!

Манзилу маъвойинг аро сенга йўл,
Қайдану қайларга олиб боргай ул?

Келганинг эрди не таманно ила,
Кетмагинг охирда не маъно ила?

Бошда бу мулк сенга эмасди ғараз,
Бу кўйи вайрона мақоминг эмас.

1445 Фарри ҳумойи малакийди сенинг,
Авжи ҳавойи фалакий-масканинг.

Ишқинг аро авж бағоят эди,
Роҳи абад ҳам бениҳоят эди.

Чарчадингу заминга қўйдинг қадам.
Соя солиб шу суву тупрокка ҳам.

Сенга бу жой тор, кетиш қасди қил,
Домани хуршидни оёқ ости қил.

Бўлди муқаррар сенга юз бурмагинг,
Мушқил эрур бунда муқим турмагинг.

1450 Ишу тараддудки андоқ сенга,
Лаҳзае орому қарор йўқ сенга.

Муфлису бахшанда ўзинг, гоҳ сахий,
Эски тану тоза вужудсен гаҳи.

Онаки фарзандкуш, уни қўй, унут,
Не демиш отанг, уни ёдингда тут.

Тут ўша отанг йўлини, эй ўғил,
Айла ўшал ишники, этмишди ул.

Йўлига сен кўз тикиб ўлтирма, ҳай,
Роҳатинг илкинга ўзи келмагай.

1455 Гар нафасе табънавоз келганинг,
Ўйин этиб умрни, боз келганинг.

Ўйла, ўшал қайдин эди сенга гил,
Ким била шод бўлди дилинг, ўйлагил.

Борми фалак остида бир шодмон,
Бўлса, на менман у, на сенсан, инон!

Биз ғаму кулфат дея келмиш эдик,
Шунчаки бир суҳбат учун келмадик.

Ўйлаки, бозор шу жаҳон сарбасар,
Заррача ростликдин анга йўқ асар.

1460 Ҳой, нега келганда рангинг май эди,
Кош ўшал май каби тургай эди.

Токайу токайгача бу рўзгор,
Келмагу кетмак сенга беихтиёр?

Шубҳа-гумон йўқки, адам ҳеч эрур,
Шак вужуд узра, у ҳам ҳеч эрур.

Учма шитоб, жангга кечикдинг пича,
Кетма шитоб, ишга кечикдинг неча.

Вақт келурки, ҳама кетгай у дам,
Бизга атаб сикка урарлар дирам.

1465 Тоза этарлар гили афкандани,
Боз йиғарлар шу парокандани.

Эй шу кунингдин уятинг йўқ магар,
Келгуси ул сўнгги кунингдин уял!

Бу ҳама меҳнатки, тўла теграмиз,
Бул эса кўза – дили озурдамиз.

Бу чўлу саҳрода улов дин фақат,
Чорайи тадбирга гаров дин фақат.

Йўл йироқ, бўлма сира сустқадам,
Эй жони қаттиқсан ўзинг ҳаммадан!

1470

Ойинайи жаҳдни олдингда тут,
Боқ тикилиб, этма юзингни шувут.

Тавба қилиб, кут Худодин қабул,
Ҳар неки амр этса қазо, рози бўл.

Тавбабузар зоҳид ҳикояти

Зоҳид эди, соҳиби сидқу имон,
Айнади, майхонани тутди макон.

Йиғлади ҳар гал симириб бодани:
Эй мани бечорага чора қани?

Нафси ҳаво тутди дилимда мақом,
Донайи тасбиҳни менга этди дом.

1475

Каъба чу бегона бўлиб, ёт менга,
Хонайи аслим шу харобот менга.

Толеи паст, балки бадахтар ўзим,
Номзади кўйи қаландар ўзим.

Чашми адаб устига чекдим ниқоб,
Кўйи хароботни-да этдим хароб.

Жоиз ўлур танг жаҳон тор бўлиб,
Гарди ғамим ётса мудом соврилиб.

Амри қазо! Йўқса, ману лот қаён?
Масжид ила кўйи харобот қаён?

1480 Бор эди ҳимматли, гувоҳ эрди ул,
Парда аро эрди, садо берди ул:

“Тўнкама айбингни қазога, уял,
Сен кабилар қайдаю қайда қадар?

Тавба қилиб, айбу гуноҳингни юв,
Сўнгра қазо амрини эт гуфтугў.

Айла тазарру, қабул айлашар,
Йўқса келиб, банду асир айлашар.

Сабза ўсар, жойи шу тупроқ эрур,
Найшакаринг сабзайи афлок эрур.

1485 Келмаса уйқунг, кўй, ўша келмасин,
Тот мазасин баҳри адам қатрасин.

Хуш эмас ул дийдада бўлса сиришк,¹⁴⁵
Уйқуда бирдек, у ўликми, тирик.

Дин сени кўрганда эдинг масти хоб,
Чехрасига чекди кўринмас ниқоб”.

Тур, Низомийки, ўтирмиш шахинг,
Кеча яримда бу не ўлтирмагинг!

Ўнинчи мақолат

Охирзамон аломатлари баёнида

Эй фалак, ҳовлиқма, бу давринг неча?
Эй замин, ошиқма, бу жавринг неча?

¹⁴⁵ Сиришк – кўз ёши.

1490 Тун-кечанинг тонгга туташмоғи бор,
Хар не баланд ўрласа, тушмоғи бор.

Бори замин жисмига солгай ваҳим,
Зилзилат ус-соати шайун азим.¹⁴⁶

Ерга базе қаҳру сиёсат этиб,
Жумла фалак занжирини қийратиб,

Ел қутуриб, ўзини ҳар ён уриб,
Ўйлаки, ул занжирини ахтариб.

Ер не қилсин бу арода ҳамон,
Гар камарин ечган эса осмон?

1495 Шом саҳар ранги ила бўй сочур,
Чарх чавгону ер андин қочур.

Ер фалак эшигин ургай шу дам,
Чарх эса бошига туширгай шу дам.

Чарх очиб сиррини чун бор-бор,
Айлагай андоми замин ошкор.

Пири фалак йиртмоқ ўлур хирқасин,
Мухрайи дил узмоқ ўлур риштасин.

Чарх тўкилиб, ерга тушиб, жо бўлур,
Ер кўтариб бошини, боло бўлур.

1500 Қолмагай ул иккисида дардимиз,
Бўлмагай ул иккисида гардимиз.

Сокин ўлиб кўк ҳама дардингданам,
Эмин ўлиб ер ҳама макрингданам.

¹⁴⁶ Сўнг соат (қиёмат) зилзиласи даҳшатлидир (Қуръони карим).

Шарму хижолат босар афлокни:
Сийладик, эй, шу бир ҳовуч хокни!..

Ҳалқа уриб кўк илондек эмиш,
Чунки илон охири тупроқ емиш.

Сиз ила тупроқ жигари, хун, яра,
Сиз каби тупроқ уза ким бор яна?

1505 Ғам тўла бу хум уза тупроқ нечун,
Хумида ул мотами азроқ нечун?

Мушкул эса қумни тўкиб бир томон,
Хумни халос айламак андин тамом,

Сиз ювинг этакни, аё, бир йўла
Етти суву етти тамиз қум ила.

Хирқайи анжумни фалакдин ечинг,
Саҳни жаҳон узра қарохат чекинг.

Баски шу тупроқ уза, хун айларак,
Не сиру савдосини солгай фалак.

1510 Кўкдаги ҳар неки равиш, ҳол эрур,
Ерга ишорат ила тимсол эрур.

Ҳар неки сачрар эса, топгай шикаст,
Бўйласидин ер дағи фориғ эмас.

Сенга ғаним ул садафи мушкранг,
Дийдаси гавҳар, дили очкўз наҳанг.

Йўқки садаф, гавҳари дарё ўшал,
Йўқки гуҳар, маъдани авло ўшал.

Кимки уни кўрди, куйиб бўлди кул,
Дийдасини берди зумуррадга ул.

1515 Ложарам, эй, нури назар унда йўқ,
Дийдаси минг, фазли босар уйда йўқ.

Йўқ назаринг роҳи адамга сенинг,
Чунки бировлар кўзича – кўрганинг.

Дардисар орттирма ўзингга атай,
Кимса биров пойи ила юрмагай.

Чикди фалак узра йиғиб зарру зўр,
Гўрда кўним топди у Баҳромигўр.

Эшиги йўқ очгали дунё сари,
Тешиги йўқ ташқари кўз солгани.

1520 Ўйлаки, бир хонайи зиндон эрур,
Дарчаси ҳам тамбали ўпқон эрур.

Айтма фалак баҳсини, бас, кўй ани,
Бошига тупроқ ўша зормандани.

Ранжима ул ройи фалакдин, ишон,
Бир чақага арзимас ул Каҳкашон.

Сен шу фалак гунбазидин уч баланд,
Ошгил унинг сарҳадидан, ҳаддидан.

Ваҳмки ингичка, узун риштадир,
Қил каби шу йўлда хижилгаштадир.

1525 Ваҳмнимас, ваҳмли кўнгилни кўр,
Қилни эмас, қил каби шу йўлни кўр.

Тутма у қил бошини, отгай ҳамон,
Мисли хамирдин суғуриб қилсимон.

Яхши бўлур қўлга киритсанг самар,
Яхши эмас бунда ўтирсанг агар.

Англа, бу қумтўда вафодор эмас,
Кимсага ул сидку вафо айламас.

Берса кулоҳ, шарти сарафкандалик,
Такса камар, хоҳиши юз бандалик.

1530 Ҳар ҳунар – таънайи шаҳри анинг,
 Ҳар шакар – заҳмати заҳри анинг.

Оташи субҳ бунда чу матбах эрур,
Асли ярим оташи дўзах эрур.

Ой-фалак саҳнида ёнган чироқ,
Тунда қуёшдин тиланур қатра ёғ.

Кўкда булут, ёғишидин ер чаман,
Аслида бир балғам эрур, музлаган.

Сувки ўшал, журъаси жон роҳати,
Кемачи билгай не қадар офати.

1535 Айбу қусурга тўла шу коргоҳ,
 Не бўлур ул айбига солсанг нигоҳ?

Солмадинг айбингга назар биргина,
Ўзгалар айби сен учун ойина.

Айбнамой бўлма чу ойинавор,
Бўлмагунингча ўзингам айбдор.

Ёки бадар эт ҳунари ғайбинг ул,
Ёки ушат ойинайи айбинг ул.

Кўрма биров айбини, юмгил кўзинг,
Айбни нукул изла ўзингдин ўзинг.

1540 Ҳар не ҳунар айбли эрур бир қадар,
Излама айб, касб этурсан ҳунар.

Кечаси кўрмоққа керакдир чароғ,
Кундузи кўргунг қафас ичра зоғ.

Баски товус патлари зардир ҳама,
Айби оёғида дебон сайрама.

Зоғ тамом жисми қародир магар,
Кўзлари оқдир, тикилиб сол назар...

Исо алайҳиссалом ҳикояти

Ҳазрати Исо жаҳон сайр этиб,
Юрди, бир бозорчага келди етиб.

1545 Кўрдик, бир бўрибосар ит ҳамон
Йўл уза ётмишди ғариб, нотагон.

Теграсини тутмиш эди неча кас,
Ҳар бири калхат эди ул, бошқамас.

Биттаси дер: кўрдиму куйди димоғ,
Ваҳшати андоқки, ўчиргай чироқ.

Бошқаси дер эрдик: кўрмоқ гуноҳ,
Кўзга жафодир бу, кўнгилга бало...

Ҳар бири ит айбини сўйлар эди,
Ҳар не маломат эса, айлар эди.

1550 Келди кейин ҳазрати Исога гал,
Айбни қўйиб, берди у маънога гал.

Дедики: боқ рангига, не накши бор,
Тишлари оқ, дурри садаф, шуъладор...

Ҳолбуки андоқ кишилар бор талай,
Тишни садаф сурмаси-ла оқлагай.

Боқма биров айбига, айбингга боқ,
Изла ўз айбингнию афтингга боқ.

Ойина илкиннга олиб ул нафас
Синдир уни, бўлма қабих, худпараст.

1555 Ўзни безаш бобида бўлма баҳор,
Токи тама айламасин рўзгор.

Айб тўнинг юпқа, фалак ул сабаб
Парда туширди сенга тўққиз қават.

Борми шу доирада бир нарсаким,
Бўлмамиш бўйнингга у тавқи лаим?

Бўлма кучук, тавқи Сурайёни қўй,
Бўлма эшак, бори Масиҳони қўй.¹⁴⁷
Ким у фалак? – Сочлари оқ бевадир,
Не у жаҳон? – Мағзи чирик мевадир.

1560 Жумла жаҳон, эскидиру янги, бас,
Ўйлаки, ул бир чақага арзимас.

Чекма шу дунё ғамини, қўй, хўжам,
Ичсанг ўзинг, қуй Низомийга ҳам...

¹⁴⁷ Бори Масиҳо – Масиҳо юки.

Ўн биринчи мақолат
Дунёнинг бевафолиги баёнида

Тур, нари ирғит уни шу лаҳзада,
Меҳру вафо йўқ бу нард тахтада.

Нақши муродинг кўйидин излама,
Хислати инсоф сўйидин излама.

Не эди баҳр узра қадам кўймагинг?
Не эди мавж узра бисот еймагинг?

1565 Боз¹⁴⁸ деди ўрдакка: шу саҳро дуруст,
Ул дедиким: бизга шу дарё дуруст...

Эйки шу ғам кемаси жойинг сенинг,
Хуни дилинг – молу матойинг сенинг.
Ташла юкингни, азобдир сенга,
Жабру жафо, қаҳру итобдир сенга.

Кунжи омонсиз бу манзил, макон,
Мағзи вафосиз бу суяк, устухон.

Ноз кўтармайди у, ноз айлама,
Унга рафиқ, дўст бўлишинг ўйлама.

1570 Бўйла хароб манзил эрур, хулласи,
Косаси булғанчу қуруқ суфраси.

Кимки уни кўрди, даҳони тикик,
Ким анга сўз қотди, забони куйик.

Ул юки карвони фақат қўнғирок,
Косасида пашша, бўлак нарса йўқ.

Кимки суқар косага бармоғини,
Ҳалқа этиб, қўлига таққай ани.

¹⁴⁸ Боз – лочин.

Бунда савоб излама, бўлгай ғалат,
Фитнаю найранг иши, ғавғо фақат.

1575 Айлама маскан бу адамхонани,
Этмас ҳавас бу кўйи вайронани.

Дарчасидин ҳайда шу осмонга дуд,
Сенга бу дудхона макондин не суд?

Бағринг очарсен анга ҳеч тинчимай,
Сен уни дунёга келтирдингми ҳай?

Хат шу жаҳонга чизу беғам яша,
Даврдин озоду мусаллам яша.

Йўл узун, етгали манзил йироқ,
Йўл тадоригини кўр ҳозироқ.

1580 Хоссаки, бу бодияйи девмакон,
Дўзахи маҳжуркушу беомон,

Хуни жигар – чашмайи ҳайвонидир,
Чашмайи хуршид – намакдонидир.

Шўраси¹⁴⁹ тузсиз, бахилга шароб,
Тузи баландларга у мисли кабоб.

Сув эмас у, туз эрур обгун,
Заҳрайи дил, сув у сабаб заҳрахун.

Йўлки, уни кўрса кўнгил, хун бўлур,
Қофилайи табъ анга қандоқ юрур?

1585 Бодияким, унда ишинг ўртаниш,
Хонайи дил тор, вале ғам кенгиш.

¹⁴⁹ Шўра – бу ерда тупроқнинг шўри маъносида.

Ҳар кишиким бодияга берди тан,
Куйди жигар-бағри анинг тафтидан.

Қўй, бу макон аслида дўзах мисол,
Бер ўша дўзахнию жаннатни ол.

Ҳар неча бор эрса бу хоку ғубор,
Изма-из ортингда эрур рўзгор.

Не ҳунар этмиш неча мардумга ул,
Чун тутар илкингдану андоқ қилур.

1590 Охири тупроққа эрур қайтишинг,
Айт, нечук аҳволда бўлур қайтишинг?

Олма оёқ остига бир кимсани,
Кимса оёқ остига олгай сени.

Жонни бу дунёдин олиб кетди ким,
Хатни ўқиб, охирига етди ким?

Босма тикан узра оёқ, бўл ҳазир,
Заҳматидин асра оёқ, бўл ҳазир.

Сенга мақоминг бу бўлолмас муқим,
Сенга не ҳожат бу макони ваҳим?

1595 Манзили фоний бу, қарор кутмагил,
Боди хазон эсди, баҳор кутмагил...

Соҳибназар мўбад ҳикояти¹⁵⁰

Мўбаде, Ҳиндистон эди кишвари,
Бир куни йўл олди у бўстон сари.

¹⁵⁰ Мўбад – зардуштийлар руҳонийси.

Марҳалае кўрди мунаққаш работ,
Мамлакате топди музайян бисот.

Ғунчаси қондек қизариб ҳар маҳал,
Лоласи яшнаб, ўзидин беҳабар.

Гулшанида гул очилиб ранг-баранг,
Шаккаридин май сочилиб лоларанг.

1600 Гул тутибон кўксини пайконига,
Ларза тушиб тол тану жонига.

Зулфини бўйнига бинафша чекиб,
Наргис этагига кумуш ёш тўкиб,

Лола гуҳар истару фируза гул,
Лола у бир лаҳзаю бир лаҳза гул.

Аслида муҳлатлари ул бир нафас,
Ҳеч киши оқибатандеш эмас...

Кекса ўшал ўтди чамандин юриб,
Ойлар ўтиб, қайтди яна ўй суриб.

1605 Кўргани ул булбул эди, боғ эди,
Энди эса қарға эди, зоғ эди.

Дўзах эди энди у боғи биҳишт,
Қайсари кўшки эди энди куништ.¹⁵¹

Сазза чаман ўрнида эрди сомон,
Дастайи гул жойида боғи тикон...

Чол кўриб, бағрини тиғлар эди,
Гоҳ кулиб, гоҳида йиғлар эди.

¹⁵¹ Куништ – яхудийлар ибодатхонаси.

Дер эди: бу олами ўтгувчида
Ҳар неки бор эрса, у ўтгувчи-да!

1610 Ҳар неки тупроқдану сувдин келур,
Оқибат улдирки, у тупроқ бўлур.

Кўйи харобот у борар еримиз,
Борми яна чораю тадбиримиз?

Бўйла назар кўнглига тавфиқ солиб,
Ўзни таниб, бандайи Аллоҳ бўлиб,

Сайрафайи гавҳари роз бўлди ул,
Ҳақ йўлида банданавоз бўлди ул...

Эйки мусулмонсану габрий эмас,
Чашмасану қатрайи абрий эмас.¹⁵²

1615 Каммисан мўбади ҳиндуданам?
Айла жаҳон таркини, босгил қадам.

Бас, етар гул каби сархушлигинг,
Бошда кулоҳ, белда камар хушлигинг.

Тургилу гулнинг камари эт бадар,
Баски у қонинг ила чекмиш камар.

Улки кулоҳу камар – офоти ишқ,
Айла уни харжи хароботи ишқ.

Гар у кулоҳ хўжайи гил айлагай,
Гур у камар бандайи дил айлагай,

1620 Хўжа-ғуломлик йўлидин кеч тамом,
Ёки Низомий каби тарк эт низом...

¹⁵² Қатрайи абрий – булут қатраси, ёмғир.

Ўн иккинчи мақолат

Тупроқ манзили бўлмиш дунёга видо айтиш

Тур, видо айла шу айёмга сен,
Силки этакни шу тузоқ-домга сен.

Кел, ярат бунданам авло макон,
Бунданам афзал эшигинг оч ҳамон.

Бошлади то йўлга кўзу кўнглинг ул,
Нолаю кўз ёши йўлинг тўлдирур.

Етса сувингдин гаҳи тупроққа нам,
Лофи саховатни урарсен у дам.

1625 Тева эсанг, рақсга туш, ғашлама,
Фил оёғига тўнинг ташлама.

Маҳрами дил йўқ сенга дилдин бўлак,
Йўқ сенга йўл роҳи адамдин бўлак.

Кетди зариф, таънавозлар бутун,
Ким ила дилкашлик этарсен бугун?

Гарчи неча таъзарифлар яшар,
Ким у келиб, сен ила суҳбатлашар?

Яхшиси, парҳезинг этиб, эй кўнгил,
Тийра шу тупроқда зилол излагил.

1630 Тафриқа етмай сенга йўлда ҳали,
Тафриқа сол, маълум эрур ҳосили.

Ташла юкинг, бўлмаса елкангда қоп,
Манзилу мақсадга етарсен шитоб.

Кўкка чиқишлик талаби дил сенга,
Масхара бу уйда не ҳосил сенга?

Баски асирсен, чу тузоқ ичра қуш,
Рахна очиб, ташқари чиқ, йўлга туш.

Ул хати “мим”дек ўрамиш йўлни, хай,
То сенга тиг урмаса, йўл бермагай.

1635 Чархи муваққатга нишон бўлмагил,
Хат ичида хатга нишон бўлмагил.

Гар туну кун азмидин эрсанг баланд,
Бу хати доира сенга не писанд?

Токи қадам жойинг эмас устувор,
Босма қадам, айлама бир касби-кор.

Хар не ишинг астойдил, пухта қил,
Ишни маҳорат ила омукта қил.

Шарт эрур йўлга назар, илтифот,
Чоҳу чуқурдин бўлишинг эҳтиёт.

1640 Рахна очиб қўйки, босиб келса сел,
Ҳадаҳа қочмоққа бўлур сенга йўл.

Тулки туйиб инида итнинг ҳидин,
Тешик очур айри яна инидин.

Беҳабар ул, гунбази кўк бари бир
Тулкини тутмоққа ажаб овчидир.

Бу не севинчки, анга хушдил ўзинг,
Кимсан ўзингки, анга ғофил ўзинг.

Аҳд эди, келган чоғи дунёга сен,
Қайғу-алам ичра яна қайтасен.

- 1645 Аҳди илоҳийни бузарсен бугун,
 Жонни машаққатга солурсен нечун?
- Юр ўшал йўлгаки, жондин дарак,
 Сенга ўшал икки жаҳон не керак?
- Ерга боқиб, олма ҳадик поядин,
 Ортга боқиб, олма ҳадик соядин.
 Диндан ол озуқани, ул йўлда кам,
 Сувни кўзингданки, чу йўқ йўлда нам.
- Бер садафга гуҳари покни,
 Қайтар ўзига самари хокни.
- 1650 Даври фалак кўрди неча ёрни ул,
 Қудрати сендин неча бисёрни ул.
- Сен дағи бўлгил ўшанинг душмани,
 Бир куни ерга қулатиб, ур ани.
- Ўйламаки бўйла ҳунарпеша йўқ,
 Тиғу сипардин анга андиша йўқ.
- Йўқки илон, арқон эрур печ-печ,
 Оташи ишқинг ёнида ҳеч-ҳеч.
- Шиша эрур, сен ғамини чекма, бас,
 Биргина тош бирла у топгай шикаст.
- 1655 Симкушон¹⁵³ оташи зар сўндирар,
 Душманини шаккар ила ўлдирар.
- Илму адаб бирла ёритгил дилинг,
 Гул била даф айла мудом душманинг...

¹⁵³ Симкушон – исрофгарлар, пулини ҳар ёққа сочувчилар.

Жанжаллашган ҳакимлар ҳикояти

Икки ҳаким эрдикӣ ҳамхона ул,
Уй талашиб, бўлди чу бегона ул.

Ҳар бири дердики, етар, бўлди, бас,
Мулк эгаси битта бўлур, иккимас.

Ҳақ дегани икки эмас, биттадир,
Бош деганам битта эрур, биттадир.

1660 Икки қиличга жой эмас битта қин,
Базмаро Жамшидга мақом бир ўрин.

Ёқди тама иккала фарзонани,
Ҳар бири истар эди ул хонани.

Қаҳру ғазабларга барор қилдилар,
Уйни сотишликка қарор қилдилар.

Иккиси ҳар ёна юриб тун аро,
“Уй сотилур, уй!” – дея чекди нидо.

Охири бу машмашадин кечдилар,
Шарбат ичирмоқ йўлига тушдилар.

1665 Иккиси ҳам танлади шарбатни ул,
Қай бириси захри ҳалоҳил эрур?

Истадилар чун этишиб макру фан,
Биргина жон қолсину ул битта тан.

Сўнг бири ҳозирлади андоқ захар,
Тошни эритгай эди айлаб амал.

Хасмига берди майи гулгун дебон,
Лаззати шаккар каби ширин дебон.

Олди ҳамон, ичди ўшал шермард,
Деди: ажаб шарбат экан, гулсифат.

1670

Нўшгие ичди кейин бир йўла,
Кесди ўшал оғуни тарёк ила.

Куйди-ю парвона сифат топди пар,
Шом каби нур сочди яна, бехатар.

Борди, чаман боғчасидин узди гул,
Афсун ўқиб, гулга нафас урди ул.

Сўнг узатиб душманига, ол, деди,
Оғуданам гул ўша қўрқинч эди.

Олди рақиб, илкига олган замон,
Титради, қўрқув ичида берди жон.

1675

Ул бири жон топди чу тадбир этиб,
Бул бири жон берди хавотир этиб.

Ҳар гули орастаки, яшнаб ўсар,
Одамий жону дилидин хун магар.

Боғи замон ичра баҳорсен ўзинг,
Хонайи ғам ичра нигорсен ўзинг.

Кўм қора тупроқни унинг тошига,
Соч ўша тупроқни фалак бошига.

Кеч ўшанинг обу хаёлотидин,
Қоч ўшанинг хоки хароботидин.

1680

Тикма ўшал ою қуёшга кўзинг,
Юзларини балки қорайтир ўзинг.

Ул маҳи заррин ери осмон эрур,
Ишқи Халил йўлида шайтон эрур.

Субҳу саҳар этди жигарсўз сени,
Чарх кейин айлади маънос сени.

Гар эса кўнглингда қуёш, юлдузинг,
Равшан ўлур унда кунинг, кундузинг.

Ёш тўкиб, айла умид доимо,
Оқу қаро лавҳини этгил сафо.

1685 То яшагил соғу саломат бўлиб,
Дурри тарозийи қиёмат бўлиб.

Дин сенга ул қуввати хос айлагай,
Ақли тарозингни у рост айлагай.

Ҳеч ҳунаrpешаю озод, бас,
Дин ғами ичра ғами дунё емас.

Баски бу дунё – таманно сенга,
Дин Низомийгаю дунё сенга...

Ўн учинчи мақолат
Дунёга таъна-маломат ёғдириш

Бок, бу жаҳон кексадиру серажин,
Ноз ила пардозига учма тағин.

1690 Сенга атаб кафтида гар тутса гул,
Олма, ўша гул эмас, оташ эрур.

Чашма саробдирки, ҳавас айлама,
Қибла салибдирки, намоз айлама.

Бул ҳама гул бошда тикандек эмас,
Гар ҳама жам, ҳеч бири сендек эмас.

Хирсу тама бирла олурсен неча,
Қайтариб бергайсен уни борича.

Юк кўтариб барча қиёмат борур,
Ким эса юксиз, у саломат борур.

1695 Сен уни сарф айла ва ё айлама,
 Ҳар неки бермишлар, олурлар яна.

Ўйлаки, бозор эрур бу жаҳон,
Бирни бериб, бирни олурлар ҳамон.

Гар бириси эрса ипак қурти ул,
Бул бири ҳам қурт, ипак ейди ул.

Шам ясат жаъфари гулдин, аё,
То гулидин ўзи таратгай зиё.

Танни уриб, парчала, барҳам анга!
Зарни эзиб, янч, бу ҳам кам анга!

1700 Зарга оёқ бос, ваде урма даст,
 То демасинлар сени гул, зарпараст.

Зарки ўшал сикка этилмас магар,
Зар эмас ул, зарних эрур ҳар маҳал.¹⁵⁴

Зар ила сен бўлма сира дўсту ёр,
Бок, ўша товус думи ҳам зарнигор.

Зарб урилур зарга темир бирла ул,
Асли чилангар шаҳу султон эрур.

Қорун эди, бошида заррин кулоҳ,
Тортди уни, қаърига жо этди чоҳ.

1705 Бошинг уза тутмаки, айлар нифок,
 Хизмат этар бошига қўйсанг оёқ.

¹⁵⁴ Зарних – маргимушли гугурт.

Зар бериш жонни беришдек алам,
Олмаганинг яхши у берганданам.

Олсанг уни, хирси жаҳонинг келур,
Олмасанг, осойиши жонинг келур.

Эрса олиш шарти – совурмоқлигинг,
Унда не ҳожат уни сўрмоқлигинг?

Зар сенга ул равғани сафро магар,
Айла таом, бўлгуси сафро бадар.

1710 Зарки, ўшал Машрик эрур маскани,
Мағрибий айтур неча ғофил ани.

Мағрибу ул қавми – сахо душмани,
Машриқу ул аҳли – сахо равшани.

Ҳар неки тонг чоғи берур машриқий,
Қарз дея шом чоғи олур мағрибий.

Ул ҳама конларга ҳаёт зар ила,
Ул ҳама қушларга нажот пар ила.

Ул зари румий ва Дамашқ тоши ул,
Ишқ тарозусида тенг тортилур.

1715 Гарчи ярақлайди, ёниб зар ўшал,
Бошига тупроқки, фирибгар ўшал.

Неча кулоҳларни юлиб кетмади,
Неча умрларни хазон этмади...

Ҳожи ва сўфий ҳикояти

Бир киши ҳаж этгали азм айлади,
Азми сафар жабдуғини шайлади.

Кўрди тадорик, бари тайёр эди,
Ёнида ортиқча пули бор эди.

Деди: фалон сўфий асл бандадир,
Тоату тақво ила хилватдадир.

1720 Бўйла насиб этди диёнат анга,
Ақчани қолдиргум омонат анга...

Турди, унинг ҳужрасига борди ул,
Ақчасини сўфига топширди ул.

Деди: омонат сенга шу олтиним,
Қайтариб олгум уни қайтган куним...

Хўжа туриб, Каъба сари олди йўл,
Шайх унинг олтиниға урди қўл.

Ярқираган зар эди, ё Раб, неча,
Бойлади кўнгилни анга борича.

1725 Дедик: зар бирла битар ишларим,
Топдим ўшал ганжники, музтар эдим.

Сарф этайин айши фароғимга то,
Майлига кеч бўлса-да, берди Худо...

Очди у зархалтани, ечди тугун,
Айшу тараб айлади сўнг неча тун.

Сарфлади олган у омонат зарин,
Ҳар куни еб-ичди, шиширди қорин.

Тун демаким, кайфу сафо ёр эди,
Зулфи санамлар анга зуннор эди.

1730

Айшини майхона аро айлади,
Баски гуноҳ узра гуноҳ айлади.

Еб-ялаб, пулни тугатди тамом,
Қолмади ул нақдинадин зарра ҳам...

Қайтди хўжа ҳажжини айлаб адо,
Келди у сўфий уйига ҳадаҳа.

Сўрди пулин, шайх деди: “Ул нима?”
“Зар эди, қайтар уни” – “Бас, сўйлама!”

Лутфу карам бирла анга эт илож,
Мулк эса вайрона, олинмас хирож.

1735

Сарф бўлиб битди, топилмас нишон,
Зар қаён, мен каби муфлис қаён?

Турк талон этса, омон айламас,
Молини ҳиндуга ишонгайми кас?

Олса қароримни пулинг, найладим,
Ҳар неки кўнглим тилади, айладим...

Ханда уриб сарфламиш эрди, тўкиб,
Энди эса йиғлар эди тиз чўкиб.

Дерди: раҳм айла, пушаймон ўзим,
Кофир эдим, энди мусулмон ўзим.

1740

Табъи жаҳон ҳам неча кўрмиш жафо,
Мен-да жафо айладим, этдим хато...

Ҳожида кўзғалди карам, лутфу ҳақ,
Дедики: дарвеш, оёғингга қалқ!..

Бор эди, йўқ бўлди ўша олтини,
Берди Худо, ҳам ўзи олди уни.

Ўйлади: бу ҳеч вақосиз, гадо,
Ҳақ талаб этмакми гадодин раво?

Не ҳам олардим, берар ҳоли йўқ,
Қўлга олардек бисот, моли йўқ.

1745 Молки ўшал, соҳиби шу сўфидир:
Мими мутавақ, алифи куфидир...

Дедик: хўп, тарки вуболинг этай,
Улки ҳаром эрди, ҳалолинг этай.

Чўзма қўлингни чу фалакдек бугун,
Қисқа этиб енгнию қўлни узун.

Ҳеч кўнгил ҳирсу ҳавосиз эмас,
Борми бирор сидқу садоқатли кас?

Берма динингни шуму шайтонга ул,
Шаъну шараф тожини сағбонга ул.

1750 Берма уни иблиси ғаддорга, ҳай,
Дин этагин тутгилу сокин яша.

Чарх ўша бечорани урмас нуқул,
Бой-бадавлатни ҳам ургуси ул.

Гарчи у давлатманд эрур, чоралик,
Яхшидир андин ўша бечоралик.

Англадим аҳволи жаҳонни, ажаб,
Ари чақар бўлса, асалдир сабаб.

1755 Шерки, бировлар этини ер фақат,
 Ўлса, уни ейди ҳама дому дад.¹⁵⁵

Шам турар тикка, азиз ҳар нафас,
Ой тўлишай деб баса топгай шикаст.

Ел эса тупроқнинг элар қуртини,
Қўллари бўш, кимса тўсолмас уни.

Сув қуши билгайки, билиш одати:
Дирҳам эрур жумла балиқ офати.

Зар-тарозида ниёзинг эрур,
Фотиҳайи беш намозинг эрур.

1760 Хоҳишинг эрса шу ниёздин халос,
 Бўл Низомий каби сен покбоз...

Ўн тўртинчи мақолат
Ғафлатга маломат ёғдириш

Эй сенга шу боиси хушнудлигинг,
Эшшагу мол сингари ўтхўрлигинг.

Фориғ ўзинг кундузи офтобдана,
Ғофил ўзинг тунлари маҳтобдана.

Боисини воқифу огоҳ билур,
Аҳли хабарсизга не ташвиш эрур?

Ишга кириш, уйқу не ҳожат сенга?
Ишни чунон айлаки, роҳат сенга.

1765 Ухлама, йўл устида пойлоқчилар,
 Ишбилар этгайму бу янглиғ амал?

¹⁵⁵ Дому дад – ваҳший ҳайвонлар.

Кўзни очиб, кўз кеча-кундузлигинг,
Кўргил ўшал ноқису ожизлигинг.

Кексадир ақлингки, унутгай сени,
Ёдинг этар, ёдига солсанг ани.

Бўлмаса ул ақли шарифинг магар,
Ким сени эсларди, кимам ёд этар?

Ақл – Масихо, юзинг бурмагил,
Бўлма эшак, лой кечиб юрмагил.

1770 Ёки ақл йўлини тут, нурга ет,
Ёки кетиб эшигидин, таркин эт.

Айлама маст ақли адабсозни,
Айлама чумчукқа емиш бозни.

Майки ҳалол эрди ўшал ҳар мақом,
Ақлга душманлиги этди ҳаром.

Май ўшал, шарбати жомингдир ул,
Ақл ўшал, чашмаи номингдир ул.

Гарчи май андуҳи жаҳонинг олар,
Ичма уни, иззати жонинг олар.

1775 Май жигарингга тўкилур мисли туз,
Ичсин уни, майли, неча бетамиз.

Ичма, сенга касрини этгум хабар,
Ул сени жонингдин этар беҳабар.

Беҳабар ул, кимки уни тотгуси,
Бир йўла ғафлатга кейин ботгуси.

Чашми хаёлотга тиғинг ур бу дам,
Пойи харобот кўйидин уз қадам.

Эйки, ўзинг ўзингга ошиқ, алиф,
Нафсинг ўшал – нафси балодир, рақиб.

1780 Эрсанг “алиф”, парри қумошингни бер,¹⁵⁶
Йўқса, у “бе” сингари бошингни бер.

Мисли алиф зийнати мажлис ўзинг,
Мисли алиф йўқ сира муфлислигинг.

Мисли алиф авжгаро бўлмагил,¹⁵⁷
Гул каби бўл бесарупо, яшнагил.

Ёш боладек этма ўйинни ҳавас,
Умр эмас, этма узунни ҳавас.

Қош қорайиб, кўкда шафақ товланур,
Соя чўзилди, камайиб қолди нур.

1785 Кун тугаши бўлди аён-ошкор,
Соя узангай бир эмас, икки бор.

Сояпарастлик сенга не мисли боғ?
Сояни синдиргучи нур бўл, чироқ.

Сояни ҳайдар эсанг ўздин агар,
Соядек айбинг-да кўринмас бўлар.

Соянишинлик эмас ҳар кимга бахт,
Соянишин чашмайи ҳайвон фақат.

Эй забару зери сару пойинг ул,
Зеру забар – пойу сари ройинг ул.

1790 Субҳ тутар сенга атаб тоси зар,
Қўлни юварсен деб ўзингдин магар.

¹⁵⁶ Парри қумош – ипакдай майин қанот.

¹⁵⁷ Авжгаро – баландга интилувчи.

Ювсанг ўшал тосда тўнингни ҳалол,
Сувни у сарчашмайи офтобдин ол.

Куррайи хуршид чу собун сенга,
Тоза бўлур жомайи пурхун анга.

Сочди табиат сенга оташни, ҳув,
Қолмади ул умри ҳаётингда сув.

Бўлмаса пок кибру ғараздин танинг,
Бўзча ҳам эрмас ўша заррин тўнинг.

1795 Сўз ила дилларга сафо кирса, нур,
Меъдайи дўзахга емиш қайда ул?

Зўр дема оташни, не имкон анга,
Эр кишининг ростлиги қалқон анга.

Эгрилик ул асли – каму кост эсанг,
Дарду ғаминг қолмас агар рост эсанг.

Гар тарозидек эсанг росткор,
Айла кўнгил ростлигига эътибор.

Зарра қадар ҳаққа зиён этганинг,
Тошу тарозингни ёмон этганинг.

1800 Ҳар неки этдинг, у кўпу кам бўлур,
Рўзи қиёматда сенга жам бўлур.

Кўрсатилур яхши-ёмон қилганинг,
Кам берибон, ўрнига кўп олганинг.

Тиғи тарозини сен андиша қил,
Кўп беришу кам олишинг пеша қил.

Кажлигининг гулда тикан битди гар,
Ростлигининг топди шакар найшакар.

Қайдаки ростликка тикилгай алам,
Ҳақ ўша байроқни кўтаргай баланд...

Золим подшо ва ростгўй киши ҳикояти

1805 Бор эди подшоҳи раиятшикан,¹⁵⁸
 Бўйлаки, ҳажжожга берар эрди панд.

Кечаю кундузда неча сир эди,
Тонгда унинг олдида ҳозир эди.

Хуфияси бор эди кўп ҳийлагар,
Еткизар эрди анга махфий хабар.

Борди малик олдига бир субҳидам,
Рост ила ёлғон эди илкида жам.

Деди: “Фалон кекса сени без деди,
Хиракушу золиму хунрез деди”.

1810 Шоҳ эшитиб бўлди чунон хашмнок,
 Дедик: “Бас, мен уни этгум ҳалок”.

Суфра ёзиб, унга тўкар эрди қум,
Золиму девона эди бўйлаким...

Ел каби учди эшитиб бир йигит,
Билганини кексага етказди зуд.

Чол вузуъ қилди-ю, олди кафан,¹⁵⁹
Борди малик олдига ул дафъатан.

Бошлади сўз шунда шаҳи тезрой,
Қаҳру ғазабларга миниб, деди: “Ҳой!

¹⁵⁸ Раиятшикан – халққа зулм қилувчи

¹⁵⁹ Вузў – таҳорат.

- 1815 Бас, эшитдим ўша сен айтганинг,
Телбаю золим дея айбситганинг!
- Мулки Сулаймон эгаси мен бугун,
Девии ситамкор дея айтдинг нечун?”
- Чол дедик: “Йўқ, буни мен айтмадим,
Бунданам баттар эди ул айтганим.
- Кексаю ёш зулминг ила қадди ёй,
Шаҳру қасиб бузғуну бойқушсарой.
- Тингла мени, айбшуморинг ўзим,¹⁶⁰
Яхши-ёмон ойинадоринг ўзим.
- 1820 Ойинада акс этурсен, аё,
Ойина синдирмоқ азалдин хато.
- Рост дедим сўзни, қабул айла бот,
Хушламасанг, ол мени, дорингга торт!”
- Чол сўзида ростлик эди ошкор,
Ростлиги подшо дилига этди кор.
- Шоҳ унинг кўрди чунон ростлигин,
Ҳам ўзининг қинғиру норостлигин.
- Деди: “Ҳануту¹⁶¹ кафанини ечинг,
Ғолия суртиб, тўнимиз кийдиринг”.
- 1825 Зулму ситамлар йўлидин қайтди шоҳ,
Бўлди адолатли, раиятпаноҳ.
- Ростлигини кимса ниҳон этмади,
Ростлиги ҳеч кимга зиён этмади.

¹⁶⁰ Айбшумор – айбларни санаб кўрсатувчи.

¹⁶¹ Ҳануту – мурдага дафн олдидан сепиладиган атру уфор

Айла фақат ростлигу ростлик шиор,
Сенга зафар бергуси Парвардигор.

Рост эса сўзу суханинг – жумладур,
Аччиғу аччиқ у ал-ҳаққу мур.¹⁶²

Рост сухан бирла амал айла, ҳой,
Пушту паноҳ сенга қодир Худой.

1830 Табъи Низомийки, камарбастадир,
Ишлари ростлик ила орастадир.

Ўн бешинчи мақолат
Ҳасадгўйларга маломат ёғдириш

Ҳар нафас ул пардаи чобук рақиб,¹⁶³
Жилва қилур турфа ўйин кўрсатиб.

Сози жаранглайди-ю раққоси йўқ,
Баҳри тўла гавҳару ғаввоси йўқ.

Ул дираму давлату ул тожу тиғ,
Барчаси илкинда сенинг, эй дариг!

Бошинг уза ҳозир эса Жабраил,
Қайда қазо мумсику қудрат бахил?

1835 Гарчи бировларга эди ул бисот,
Кам бўлур харжингу нафъинг зиёд.

Йўлга қадам қўйгилу рафторни кўр,
Қоқ бу эшикни, сиру асрорни кўр.

Тошлари ёқуту гиёҳ – кимиё,
Билмасанг, эрмасми надомат санго?

¹⁶² Ҳақиқат аччиқ аммо барча унга муҳтож.

¹⁶³ Чопук рақиб – эпчил, чаққон, рақиб.

Бунда қалам шарҳига етгай шикаст,
Ки ҳама ганжина шу масканда, бас.

Боғки, андин чу етишгай самар,
Яхшиданам яхшиси ул ҳар маҳал.

1840 Риштайи дилларки дуру гавҳар ул,
Шодаю маржонлари зебо эрур.

Йўлчилари саф чекишиб изма-из,
Бир-биридин зийрагу доно, нафис.

Ақл шараф бергусидир ҳар қачон,
Фарқламас ул кексами ё навқирон.

Тош, эшитдимки, қариб, қартайиб,
Лаъл бўлармиш у, ишонмоқ қийин.

Кўҳнадан кўҳна у тоғлар аро,
Тошнинг ўшал билгани бонгу садо.

1845 Улки ўсиб эрди сутингни эмиб,
Энди уни оғу дегай камситиб.

Кексада даъвою ғараз кам бўлур,
Ёш-ялангларга ҳавас кам бўлур.

Гулки тароватли, у роҳатлидир,
Кекса тикан захму жароҳатлидир.

Янги узумдин қилинур тўтиё,
Кексайиб ингичка илон – аждаҳо.

Ақлки бош косасида эрди, бас,
Ундаги эски мияни хушламас.

- 1850 Илкига кўк жадвалин олган киши,
Эскича тақвим ила бўлмас иши.
- Мисли арслон кабидир кекса ит,
Бўри мисол оҳуга солгай човут.
- Сен мени Юсуф дегилу этма таън,
Қўрқаман овлоқда қари бўридан.
- Кексалик ташвиши менга хуш эрур,
Қўй, у йигитлик суви оташ эрур.
- Гарчи йигитлик ҳама фарзоналик,
Бир сифати бор яна, девоналик.
- 1855 Баски яшилликни тилар ёсуман,
Ҳинду дегай ўзни кумуш, оқ бадан.
- Менки чаман саҳнида яшноқ ҳали,
Кексалик даъвосин этармен вале.
- Эски ҳунарники у худбин қилур,
Қилмишини ўзгага ҳақ деб билур.
- Улки фалак буржида эрди ҳилол,
Бадр бўлур номи, топаркан камол.
- Кеча ниҳол эрди, гулосо ўшал,
Энди қўлинг чўз анга, хурмо ўшал.
- 1860 Дона униб-ўсса очиб кўркини,
Дона эмас, балки бошоқ бил уни.
- Ҳавзаки лим тўлди зилол сувга ул,
Сен уни аввалги ҳовуз билмагил.
- Етса саҳар палласи, кўз юмса тун,
Ўзгача кўз бирла боқар унга кун.

Дўстки нодон эса, кеч ҳозироқ,
Душмани доно сен учун яхшироқ.

Ҳар не гиёҳни демагил найшакар,
Кўр аниким, унда не микдор шакар.

1865 Ҳаммадин авлоси ҳунардир сенга,
Қайда ҳунар эрса, кўнгил бер анга.

Сувки садаф ичра фаровон эрур,
Дур эса бир қатрайи найсон эрур.

Сенга магар захмати жон етгуси,
Сўнг гуҳари тожнишон етгуси.

Ҳар неча байроқ сенга бермиш қазо,
Ҳифзу ҳимоят анга сендин сазо.

Йўқ, ҳали вайрона эмас бул работ,
Йўқ, ҳали ордона эмас бул бисот.

1870 Ўзни сира мухтасиби сунъ дема,
Сўнг ўша иблис каби калтак ема.

Ҳар кишиким ҳукмига иқрор эмас,
Чарх унинг жонига бергай шикаст.

Ёш шаҳзода ва унинг кекса душманлари ҳикояти

Қисса эшитдимки, макон Марв эди,
Бор эди шаҳзода, бўйи сарв эди.

Аркону аёни эмас унга хуш,
Ташвиши давлатда эди ақлу хуш.

Эски амалдорки, бари ҳийлагар,
Баски кутар эрди улардин хатар.

1875 Бир кечаким уйқуга ул юмди кўз,
Пири кириб уйқусига, қотди сўз.

Дедики: кес эски ҳама буржни ул,
Эски бутҳоқларга омон бермагил.

Токи сенга мулк муқаррар бўлур,
Айшу тараб сўнгра муяссар бўлур...

Уйқудин уйғонди ҳамон, ул куни
Сурди ародин неча бир эскини.

Эскилар устига қалам чизди у,
Давлатига берди тароватли руҳ.

1880 Улки бузар элни, бузилсин ўшал,
Бошига ур, боши узилсин ўшал.

Янги бутҳоқ яшнамагай, ўсмагай,
Токи биров эскисини кесмагай.

Келмаса гар остига сув бор-бор,
Панжа очиб, баргини ёймас чинор.

Айламасанг чашма йўлин тоза, пок,
Оби зилолин сенга бергайми хок?

Атри тароватни димоғингга ол,
Яхши насиҳатни қулоғингга ол.

1885 Чек ақл тиғини сен дам-бадам,
Қинида тутгайсен уни мунча ҳам!

Гар нафасинг ул нафаси хос эмас,
Баски ўшал ҳамнафаси пок эмас.

Лутфу карам расмини қил барчага,
Лутфу карам бирла танил барчага.

Бой-бадавлат киши этса карам,
Етгусидир давлати боқийга ҳам.

Тухми сахо эк, саломат сенга,
Бўлгуси ул ризқи қиёмат сенга.

1890 Ё Раб, ўшал ганжи сахойинг эрур,
Нақди Низомийни ўшандин айир...

Ўн олтинчи мақолат

Маслак йўлида жадал олға босиш баёнида

Эйки бир эпкин юзидин боши ҳам,
Чангу ғубор олдида чун бечидам,

Дон йўғу ташвиши хирмон нега?
Мулк йўғу тахти Сулаймон нега?

Тиғ эмассен, талаби жанг нечун?
Бонг эмассен, бу овозанг нечун?

Сен-да қилич сингари сочгил кумуш,
Дўмбирадек тут ўша қорнингни бўш.

1895 Дев сени судрайди, аё, бормагил,
Мурда эмассан-ку, қўлинг бермагил.

Муғни кўриб, қўлни салиб айлама,
Даъвийи шамшири хатиб айлама.

Акса урар эрса гар Одам неча,
Аксаси етгай у Масихогача.

Ҳар киши парвона сифат хуш бўлиб,
Сурсин умр севгани оташ бўлиб.

Хуш яшагил, неча нафас жон сенинг,
Хирқа кийиб, ол, шу жаҳон ҳам сенинг.

1900

Хайри худойинг эса нопок ўшал,
Хайри худойи эмас ул ҳеч маҳал.

Шер бўл, чўпон итидин кўрқмагил,
Талқ¹⁶⁴ бўл, дўзах ўтидин кўрқмагил.

Сохта эсанг, бўл ўша оташга ем,
Соф зару ёқутга сира йўқ ваҳим.

Этма ғурур, эй дағали хокдон,
Кимсан ўзинг, неча суяк-устухон.

Бизгача ҳам давр суриб ўтдилар,
Бойлик учун зир югуриб ўтдилар.

1905

Суду самар бердими чопганлари
Бори зиён эрди-ку топганлари!

Сен шу замин заррасисен аслида,
Қўй у оёғингни фалак устига.

Гарчи фалак авжига етгувчисен,
Хоки заминга яна қайтгувчисен.

Соч каби бошингни ўзинг кесмагил,
Сўнгра оёғингни анга босмагил.

Қуш эмассен, сенга учмоқ қийин,
Ёрга етарми киши жой чекмайин?

1910

Бор у фалак сори қадрлаб ани,
Ул дағи жойингга қўяр бошини.

¹⁶⁴ Талқ – оловда куймайдиган тош.

Майни сен ичгувчи, заҳарда не айб?
Айбни сен этгувчи, даҳрда не айб?

Сўкма уни беҳудага, эй фалон,
Даҳр сену менга не этди ёмон?

Улки чекиб ранжу машаққат баса,
Бизни такаллуф ила этди касе.

Бас, сену мен аслида ҳеч кимсамиз,
Борми даҳр бўйнида бир ҳиссамиз?

1915

Бўлмаса лаъл жавҳари чин ошкор,
Мухри қабул урмас анга шаҳриёр.

Тош магар хирмани олам эрур,
Лаъл вале тош эса-да, кам эрур.

Гарчи тикан бирла сумандир гиёҳ,
Ул бири кўз офати, бул тўтиё.

Ичмаса-да сув, асл эрса ул,
Рангу уфорини йўқотмайди гул.

Сув ила гар атру чирой печ-печ,
Лек у тиканни суман айларми ҳеч?

1920

Қоида-қонунга йўқ эрса қарор,
Баски бузилгайди тамом рўзгор.

Бизда эмас тадбири давлат ўшал,
Бор нечаким соҳиби давлат магар.

Улки бедавлат, ғам ила бағри чок,
Бою бадавлатга бу ғамдин не бок?

Ёр эрур бахтига давлатпараст,
Бандайи давлат бўл, аё, бошқамас.

Берди сенга Ҳақ сени кўрмак учун,
Бермади давлатни у эрмак учун.

1925 Аҳли кибор бошида парвона бўл,
Чарх уришингдин сени ул қутқарур.

Мумсигу бадбахт ила тутма макон,
Муқбили айём аталиб, ном қозон.

Боқ ўша жавзойи фалакка чиқиб,
Гоҳида бахтинг сина ёнғоқ чақиб.

Давлат агар истасанг, афтода бўл,
Этма жаҳон ташвишини, тоза бўл.

Сув у кўнгил поклигидин кулгуси,
Уд тугуни боисидин куйгуси.

1930 Пайрави дил бўл, анис этма кас,
Ўз танингу заҳмати йўл сенга бас.

Бошқа бутоқларга чўзиб қўл неча,
Бер яна, дерсан, яна, тоқайгача?

Жумлайи оламни йиғарсен баче,
Бир куни ортингда бари қолгуси.

Қўй ўша ҳирсингни, у тоат кесар,
Гардани ҳирсингни қаноат кесар.

Маркази ул гунбази нилий нигор,
Сенга кенгиш фикру тафаккурда тор.

1935 Ёки тамом қўй ўша андишани,
Ё нари сур нафси макрпешани.

Маърифат одам гилида қолмамиш,
Аҳли кўнгил ҳам элида қолмамиш.

Икки ҳунарномани тўққиз дабир¹⁶⁵
Ёзса-да, йўқ одами маънипазир.

Маънига душман эса, ул сенга ёт,
Кутма илон захридин оби ҳаёт.

Душмани донойинг этар қасди жон,
Дўст гўлу нодон эса, андин ёмон.

Мажруҳ бола ҳикояти

1940

Бир болакай кўлда неча тош ила,
Ўйнар эди бир неча тенгдош ила.

Йўлда қоқилди, йиқилиб шу нафас,
Жонига дард, жисмига етди шикаст.

Тутдилар атрофини тенгдошлари,
Қўрқуву ташвишда қотиб бошлари.

Энг яқин ўртоғи ўшанда ҳамон
Дедик, бу ишни тутайлик ниҳон.

Ташланг уни қудуққа элтиб, магар
Отаси бизларни гуноҳкор этар...

1945

Бор эди ул даврада зийрак ўғил,
Душмани эрди боланинг, деди ул:

“Йўқ, яширманг, яширмоқ қийин,
Боиси бордир, эшитинг, айтайин.

¹⁶⁵ Дабир – бу ерда қотиб маъносида.

Шу боланинг душманиман, эслашар,
Айбни кейин менга ҳама тўнкашар”.

Борди, хабар берди ўша, хулласи,
Кўрди зарур чорани сўнг отаси.

Кимса агар зийрагу доно эрур,
Чорайи тадбирга тавоно эрур.

1950 Сирри самовотни ким очгай бу дам?
Улки, само саҳнига босгай қадам.

Қолмади бошида фалак ташвиши,
Ошди фалакдин у Низомий иши.

Ўн еттинчи мақолат
Ибодату тажрид¹⁶⁶ баёнида

Эй беҳабар Тангридану ўзданам,
Қайғуси жон дарди-ю, ташвиши тан.

Қўй ўша манманлигу даъвони, кеч,
Токи тириксан дема бу сўзни ҳеч.

Қўк каби дунёни ўзинг қамрама,
Мулкинг эмас нарсани мулким дема.

1955 Қудрати ортиқ шу жаҳоннинг неча,
Тошу тарозуси етар кўккача.

Қуввати тоғ қайда, ғубор қайдадир,
Қайда ўчоқ ўти, шарор қайдадир?¹⁶⁷

Улки ризолик камарин боғлагай,
Сабру қаноатга ўзин чоғлагай.

¹⁶⁶ Тажрид – хилваатга чекиниб, танҳоликда ибодат қилиш.

¹⁶⁷ Шарор – учқун.

Ҳирс – ҳаромхўрлигу маҳрумлик ул,
Тожи ризо – зийнати маҳкумлик ул.

Киссавуру ўғри мудом қайғуда,
Киссаси бўм-бўшлар эса осуда.

1960

Бой эсанг, бўл машаққатшиор,
Ёқмаса ул, ташла, гадоликка бор.

Икки киши кўчада жанжал қилур,
Бир-бирининг соқолига чанг солур.

Кўса кўриб, дедики, тинчман бу дам,
Бўйла соқол юлмагу соқолданам...

Аҳли тамиз маслаҳатин тингла, боқ,
Бўл ўша юк бирла эшакдин йироқ.

Токи Масихо каби сен дилга ет,
Юксизу эшшаксиз у манзилга ет.

1965

Мўмин эсанг, габр каби ўйлама,
Тўну либосингни қалин айлама.

Мавж ҳалокатли, ўзинг шайлагил,
Юкни қўйиб, жонни халос айлагил.

Яхши, эсанг суфрада урвоқ каби,
Бўлсанг ўшал сув уза япроқ каби.

Оз емак, оз уйқудин эрмиш қадр,
Ганжи азизлар у харобликдадир.

Қузғун эмассен, юҳо, сертама,
Қарға бўл-у, қонга юзинг булғама.

1970

Бўлсанг агар бут каби қонсиз ўшал,
Мурда ейишликдин этарсен ҳазар.

Хуни жигардир у шароб билганинг,
Оташи шарм эрди гулоб билганинг.

Бир қадаре қуввати қон қолмасин,
Тот у темир узра темир зарбасин.

Бир йўласи еб-ялаб қўймагил,
Кам ейишликни шиор айлагил.

Шер у кам ейдики, саркаш эрур,
Ёппа ейиш одати оташ эрур.

1975 Кун ўша бир нон ила хурсанд мудом,¹⁶⁸
Нурга тўлиб, кўзлари равшан мудом.

Тун сабуҳийга ўзин шайлади,
Қонини андоқки қаро айлади.

Кўп ейишлик-ла ақл кам бўлур,
Кўксида райҳон намидек ғам бўлур.

Ақл магар жон эса, жисми ўзинг,
Жон у ганждирки, тилисми ўзинг.

Ганж сенга бергайму ёруғлик ва ранг,
То ўша тилсим эшигин бузмасанг.

1980 Хок ишончсизлигини этди фош,
Бўлма ишончсиз ила сен даврадош.

Ғам ичида кечса-да умринг ҳама,
Ғам емас ул, сен-да анга ғам ема.

Дедилар: “Эй занжий, куларсен нечун?
Йиғласанг арзийди қаролик учун”.

¹⁶⁸ Нон бу ерда қуёш маъносида.

Деди: “Бу дунёга умид менда йўқ,
Юз қаро бўлди-ю, тиш эрса оқ”.

Кулгу қаро юзда ажабмас магар,
Гоҳи қаро кўкда чақинлар чақар.

1985

Этма кўнгилни дуну дунёга банд,
Мисли чақин кул шу жаҳон устидан.

Тўти кулиб, берди шакарга шикаст,
Каклик уриб қаҳқаҳа, юксалтди сас.

Кулгу агар ечмаса дилдан тугун,
Йиғламоқ афзал сенга, эй бағри хун.

Куймагу кулмак яна чақмоқ мисол,
Умри жаҳонингга зиёндир, завол.

Шам каби безавқ кулишинг от йироқ,
Баски, анга йиғлаганинг яхшироқ.

1990

Кулма тишинг оқини кўз-кўз қилиб,
Тишла лабингни, гаҳи ичдан кулиб.

Ҳар куни кўз ёши тўкиб юрма, бас,
Ҳаддин ортиқ кулишам яхшимас.

Кўхнаназарсанми ва ё тоза гул,
Яхши-ёмондир сенга андоза ул.

Ғам емагил, хуш туру хурсанд ўтир,
Яхши-ёмон барчаси ўтгусидир.

Шод эса дил, нолайи дилсўзи бор,
Тун-кечанинг гавҳари афрўзи бор.

1995 Борми бировким, сира алданмамиш,
Макру фириб шарбатига қонмамиш?

Молу бисот борки, бор овозаси,
Шаҳду шакар узра хира пашшаси.

Дояйи донойинг эрур шул замон,
Яхши-ёмонингни анга эт аён.

Сирка берар бўлса, уни бол дегил,
Яхшилик истар сенга, қайғурмагил.

Йўл ўша йўлдирки, у собит, муқим,
Унда Хизр ҳамдами Мусо, Калим.

2000 Ноз этар эрса буюклар, чида,
Токи буюклик дағи етсин сенга.

Ёри мусоиддир ўшал чорасиз,¹⁶⁹
Дом-тузокдин сени айлар халос.

Пир ва мурид ҳикояти

Бир куни пирлар пири этди сафар,
Неча муридлар анга эргашдилар.

Чўлда муридларга атаб дафъатан,
Совға, деди ел чиқариб ортидан.

Ранжиди пирдан муридлар базе,
Кетди ҳама, қолди фақат биттаси.

2005 Пир деди: “Не эрдик, сен этмадинг,
Баски ҳама кетди-ю сен кетмадинг?”

¹⁶⁹ Мусоид – мувофик, ёрдамчи.

Деди мурид: “Эй пири сиймойи нур,
Хоки пойинг бошим уза тож эрур.

Ел ила мен келмадим аввал нафас,
Ел ила сўнг кетсаму бўлсам абас.

Ел ила келган кетадир ел ила,
Дил ила келган кетадир дил ила.

Зуд келиб, кетгуси чангу ғубор,
Баски бирор жойда тополмас қарор.

2010 Тоғ эса оҳиста юриб олди жой,
Бўлди шу боисданам ул дерпой.¹⁷⁰»

Пардани йиртишлик у даврон иши,
Юкни кўтаргувчи у собир киши.

Зуд кўтар сен ўша матлаб юкин,
Эшшак эмассан, ташима табъ юкин.

Гар хати зуҳдинг эса ул қалбаки,
Қалбаки кўз ёшдир ўшал сендаки.

Зухдки ул саркаши султон эрур,
Қиссайи занбили Сулаймон эрур.

2015 Шамки тунларда нурафшон ўшал,
Тўн ёпиниб, зоҳиди пинҳон ўшал.

Зухд ғарибдир ҳама майхонада,
Ганж азиздир ҳама вайронада.

Зухди Низомий каби зуҳд борми, ҳой-
Ки, амали дилкашу заррин чирой.

¹⁷⁰ Дерпой – мустаҳкам, устувор.

Ўн саккизинчи мақолат
Мунофиқларга маломат ёғдириш

Сохта ясар тангани ул сохтакор,
Қолипида қалби эрур ошкор.

Кету қорин узра семирмоқлари,
Найза эрур сенга у бармоқлари.

2020 Нур каби олдингда мувофиқ улар,
Соя каби ортда мунофиқ улар.

Шам каби соф, тоза, тугунликда уд,
Юзлари силлиғу тугунда вужуд.

Сурату зоҳирда иноятчидир,
Аслида айбжўйу шикоятчидир.

Оғиздин ҳар лаҳза муҳаббат ёғар,
Ичларидин кинаю нафрат ёғар.

Иссиқ эрурлар, вале муздир бари,
Зинда эрурлар, ўлик диллари.

2025 Берма кўнгил суҳбату гуфторига,
Сергак эсанг, борма улар сорига.

Сўйлама ҳеч сўзларини, розини,
Олма қулоққа саси, овозини.

Лоф уриб, дўсти азиз дейди ул,
Берсанг агар нону тузинг ейди ул.

Сўнгра тупургай у еган ошига,
Қаҳри Худо ёғсин унинг бошига!

Ҳар дамида кину ғараздир аён,
Дўстлиги душманлигидин ҳам ёмон.

- 2030 Барчаси манманлигидандир ўшал,
Дўстлиги душманлигидандир ўшал.
- Заҳринг ичиб дўст не айтур? Шакар,
Ул кўриб айбингни не дейди? Ҳунар.
- Дўст ўшал марҳами жонинг, аё,
Йўқса, уни айла ўзингдин жудо.
- Бок, мушук меҳри адога етиб,
Ўз боласин ейди у дўстлик этиб.
- Дўст ким ул? – Пардани тутгай омон,
Пардани йиртурлар улар ҳар замон.
- 2035 Орзулари – сийму заринг бир йўла
Юлсалару олсалар афсун ила.
- Сенга боқиб сидқ ила сураат улар,
Вақти заруратда зарурат улар.
- Ким у асл дўст, сенга равшан эрур,
Тортмаса кўнглинг, ўша душман эрур.
- Тан сира билгайми, сенга ёр ким?
Дил ўзи огоҳ – вафодор ким?
- Дил ўзи бир дона, ғами минг экан,
Бир гули пажмурдаю юзлаб тикан.
- 2040 Мулк неча минг, битта Фаридун фақат,
Битта димоғ, атру уфор катма-қат.
- Пардаси бор ҳар неки оламда бор,
Рози дилинг узра дилинг пардадор.
- Йўқ эса кўнглингда магар қулф, банд,
Бошқа кўнгиллар анга солгайми банд?

Кўнглинг агар нозик эса гул йўсин,
Кун каби розингни ёрсан нечун?

Кўнглинг ул нозиклигининг айтди роз,
Шишага май қуйса, чиқаргай овоз.

2045

Ҳамнафас истар эсанг, эй бесабр,
Ҳамнафасингни нафасингдин қидир.

Жаҳд этиб, баски тикиб жонни сен,
Топгил ўшал дўсту қадрдонни сен.

Токи аёнмас гуҳари ёринг ул,
Сочма ўшал гавҳари асроринг ул...

Жамшид ва унинг хос маҳрами ҳикояти

Жамшид ила маҳрамининг мослиги
Ой ила офтобча эди хослиги.

Маҳрам эди, сидқи мукаммал эди,
Аҳли сарой ичра у афзал эди.

2050

Шоҳ ишончини кўпайтди анга,
Ичдаги бор сиррини айтди анга.

Шунча яқинлик била ул навқирон
Истади шоҳдин йироқлик ҳамон.

Жонини ўртар эди шоҳ айтгани,
Айтгани кўрқарди бировга ани.

Йўлда уни бир қари кампир кўриб,
Лола юзин сарғишу тақсир кўриб.

Сўрдики: “эй сарв, сенга не хазон,
Шоҳи жаҳон олдида айшинг равон?”

- 2055 Сенга илашди қаёқдин алам,
 Бўйлаки дилхушлик аро дарду ғам?
- Сен каби барнога қарилик нечун,
 Не эди, сарғайтди юзингни бугун?
- Шоҳи жаҳонга сен ўзинг роздон,
 Яшна кулиб, эй дили шоҳи жаҳон!
- Шоҳ юзидин ранги раият қизил,
 Сўнгра ўтар хосу сипоҳийга ул...”
- Деди йигит: “Бўйлаки дардим менинг,
 Дарди дилимдин хабаринг йўқ сенинг.
- 2060 Сабр менга жабрини этди чунон,
 Сабр қилиб, бўлди юзим заъфарон.
- Шоҳ аён этди менга борини,
 Кўнглим аро гавҳари асрорини.
- Бўйла буюрдирки у сирри жалол,
 Кимсага сўз айламак андин маҳол.
- Сиррини ул дилга чунон жойладим,
 Тилни тугиб ҳар еридин, бойладим.
- Айламадим сенга кулиб, дил хушим,
 Токи учиб чиқмагай анво қушим.
- 2065 Сўйламасам, қолса шу кўнглимда ул,
 Бори азобдирки, кўнгил хун бўлур.
- Лекин уни айлар эсам ошкор,
 Қаҳру ҳалокатга бўлурмен дучор”.

Деди у момо: “Аё, сўйлама,
Кимсага ул сирни аён айлама.

Махрам этиб ўзгани, ҳеч урма дам,
Асра уни, ўйлаки, соянгданам.

Майлими, чехрангки бугун заъфарон,
Тиғ дамидин сўнгра ювар бўлса қон?

2070

Бежиз эмас, ҳар кеча соҳибақл
Бош дегай тилгаки, сир сақлагил.

Бош керак бўлса, тилинг айла хор,
Айлама кун сингари сир ошкор.

Эр эса оқил, у тияр тилни, бас,
Ит эса девона, ҳурар ҳар нафас.

Маслаҳатим сенга, тилинг тий мудом,
Тиғ у ғилоф ичра топар эҳтиром.

Тингла шу пандимни, у жон роҳати,
Бошга етар тиғи забон офати.

2075

Сочма бинафша каби сиррингни, ҳай,
Токи шу бошингни биров узмағай.

Қўйма, тилинг сўйламасин сирни то,
Йўқса шу бошингдин учар оҳ-воҳ.

Очма оғиз айшу тараб пайтида,
Неча қулоқ бор у девор ортида.

Айбни кўриб, сўйлама ноҳушлигинг,
Яхшидир ул даврада хомушлигинг.

Мунча ёзарсен? Қалам оҳиста сур,
Ёзсалар айбингни, сен осуда тур.

2080 Тинглаганинг сув каби ювгил ҳамон,
Кўзгу каби кўрганинг этма аён.

Эр кишилар ҳар неки кўргай туни,
Кундузи ҳеч кимсага айтмас уни.

Ложарам ул кўк само гунбази
Кечаси кўрганни демас кундузи.

Рост эса ул расми адаб кўрганинг,
Кундузи айтма кечалаб кўрганинг.

Тун – ниҳонхонайи ганжинадир,
Неча кўнгиллар сирига сийнадир.

2085 Аҳли тариқат дили дарё бўлиб,
Ҳар неки кўргайлар, ўтарлар елиб.

Бошни кўтарса киши Аршдин баланд,
Баски, кўтаргай у кўнгил сахнидан.

Кўз ила тил улфату дўстдир магар,
Бош ила соч, тери ва тандек улар.

Пардада ишқ келди каромот бўлиб,
Очди юзин, қолди харобот бўлиб.

Дин ипидин тугдилар андоқ тугун,
Шайладилар сўнг уни Ҳаллож учун.

2090 Ғунчаки, жон парда этиб розини,
Чашмайи хун этди очиб оғзини.

Қай оғиз ул мартаба ҳосил қилур,
Қиссайи кўнгилни-да кўнгил қилур.

Косайи дилдан бу таом хуш бўлар,
Оғизга элтганда у оташ бўлар.

Асли фасоҳат у забонбасталик,
Асли шитобдир ўша оҳисталик.

Бу ўша дил равшани берган хабар,
Ўзгани ҳам бўйла хабардор этар.

2095

Бу луғат – изҳори кўнгил аслида,
Таржимаси ҳам кўнгил лафзида.

Кўнглинг эса шод, Низомий, сенинг,
Мулки қаноат тамоми сенинг...

Ўн тўққизинчи мақолат
Охират ила юзлашув баёнида

Мажлиси хилватга қара, не гўзал,
Мисли тўлин ой каби равшан ўшал.

Шам ёқилиб, шаҳду шакар суфрада,
Тахт қурилиб, атру уфор ўртада...

Душмани жондир сенга шу рўзгор,¹⁷¹
Дўстлигини айлама ҳеч ихтиёр.

2100

Боқ, у кимларга каманд ташлади,
Кимки буни кўрди, тилин тишлади.

Эй, дин эмас, сен ўша дунёталаб,
Бонг урилмоқда-ку сенга атаб.

Мулки ситам таркини сен айла тез,
Гирди саропардаи асрорни кез.

Сенки шу дунёда жўшиб беқарор,
Ҳар не сиринг унда бўлур ошкор.

¹⁷¹ Рўзгор – бу ерда замона маъносида.

Итки ўшал ўтғазабу музнафас,
Тулки кияр тун, этиб шунга мос.

2105 Дўзахи гугурт бу дашти ваҳим,
Бахтлидир ул зуд юриб ўтса ким.

Оби даҳонингни адаб бирла йиғ,
Чашмайи гугуртга тупур, эй рафик.

Олган эдинг руҳни, самовотга бер,
Олган эдинг танни, шу тупрокка бер.

Барчасини от ўзингдин юлиб,
Қолгин ўзинг яккаю озод бўлиб.

Кимки бу йўлда “мовуман”лик¹⁷² этар,
Йўлни тўсиб, бизга тубанлик этар.

2110 Ваҳми чаён олдида аждар не бор?
Ул бири пинҳон эса, бу ошкор.

Уй тўла ўғри, жавохирни ил,
Дашт тўла шайтон, ё Аллоҳ дегил.

Йўқса кесарлар ўша кўнгил йўлинг,
Баски яқин қолганида манзилинг.

Қўрқаман ул тунки, шабехун уриб,
Сўнг сени таҳқир-ла қуварлар суриб.

Кичкина душман-да балодир буюк,
Ғафлатинг ундан-да хатодир буюк.

2115 Кичкина деб боқма анга беписанд,
Йўқса, ўзинг мағлубу озурдасан.

¹⁷² Мовуманлик – манманлик, худбинлик, кибру ғурур.

Бок, шу увоқ танда нечук моя зўр,
Гоҳида шербаччани судрайди мўр.

Карвон эди, етди шу манзилга ул,
Кема эди, келди шу соҳилга ул.

Ўзни ниҳон айлагил уйқу каби,
Турма, оқиб ўт равон сув каби.

Савмиа¹⁷³ сахнига чу келдинг кириб,
Ҳар неки олдинг, бер уни қайтариб.

2120 Кетмасанг, ул дамда қувиб ташқари,
Бор бисотингни отарлар нари.

Бўлмаса тақдирда кетишлик ўшал,
Этмас эди чарх кеча-кундуз сафар.

Этма у шайтон қўлида ўзни хор,
Дин этагин тутгилу иймонга бор.

Шаръ чақирар, унга нидо айлагил,
Табъ сенингмас, видо айлагил.

Шаръ – насим, сен уни жонингга бер,
Табъ – ғубор, хоки жаҳонингга бер.

2125 Шаръ гули райҳон этар жонни, бас,
Табъпараст бўлма, аё жонпараст!

Ҳар касу нокасга бўлиб чун сабо,
Хору хас атрофида бўлма ҳаво.

Соя эса гар ҳама, сен бўл чирок,
Ҳар неки бор, ҳаммасидин бўл йироқ.

¹⁷³ Савмиа – ибодатхона.

Бошинг уза даври фалак чанбари,
Бошни нечук элтасан ундан нари?

Сўйласа осмон сенга ўз ҳолидин,
Бошидин ўтган ҳама аҳволидин,

2130 Ғоринг ўлиб тор сақари олдида,¹⁷⁴
Умринг ўлур ҳеч гузари олдида.

Унда қоларсен басе хомуш бўлиб,
Балки ўзингдан-да фаромуш бўлиб.

Чин эса дунёда тирик юрганинг,
Яхшидир ишқ эшигини урганинг.

Неча нафаски, ўтар ул комсиз,
Қайда у хушлик сенга шу жомсиз?

Икки кулоҳинг ҳали этмай ниҳон,
Бичдими бир тўн сенга ул осмон?

2135 Ҳар неки эт, олами кофирситез
Ёзгай уни номайи номингга тез.

Қайси эшикники очарсен ҳамон,
Ўша эшикни очишар ул замон.

Пардаи ноз эрса кўзингда, кейин
Сенга ўшал пардада бўлгай ўйин.

Яхши-ёмонники мудом кўрдилар,
Улки ёмон эрди, ёмон кўрдилар.

Кимки юрар йўлга, нишон бергуси,
Кимки ёмон эрди, товон бергуси.

¹⁷⁴ Сақар – бу ерда чуқур маъносида.

2140 Сурат аро яхши-ёмонинг бўлур,
Хар неки элтсанг, ўша номинг бўлур.

Кийса тикан, гул ҳам ўшал хор эмиш,
Анбаридир, ким эса анбарфуруш.

Ҳақ куни хор этма ўзинг, сохтакор,
Бўлма Худо олдида ҳам шармсор.

Қаҳринг эса, даври жигартобга ур,
Тошни ўшал шишайи хунобга ур.

Ҳайда ўшал луъбати шангарфни,¹⁷⁵
Қўйма, чизиб ташла ўшал ҳарфни.

2145 Бу қалайи қалъани забт эт тамом,
Ул югурик отга жилов ур ҳамон.

То фалак айтсин ўшал огоҳлигинг,
Олам аро ҳаққи шаҳаншоҳлигинг.

Иш сенга – байроқни туширмоқлик ул,
Иш менга – байроқни кўтармоқлик ул.

Менки башар, рафъи малак айлагум,¹⁷⁶
Масканим ул авжи фалак айлагум.

Қадди бўйимдин баланд қийматим,
Кенгдир ўшал доирадин ҳимматим.

2150 Сув эмасу лек тошармен мудом,
Чуғз эмас, ганж очармен мудом.

Мисли фалак ганж уза пойим менинг,
Баски баланд маснаду жойим менинг.

¹⁷⁵ Луъбати шангарф – алвон рангли кўғирчоқ.

¹⁷⁶ Рафъи малак – малакдан устунлик.

Ҳорун-ар-Рашид ва сартарош ҳикояти

Даври хилофат эди Ҳорунга ул,
Байроғи етмиш эди гардунга ул.

Чикди ётоқдин у ярим тун-кеча,
Истади ҳаммомда фароғат пича.

Сочини қирмоққа тушиб сартарош,
Кўнглида борини анга этди фош.

2155 Деди: “Биларсен неча устодлигим,
Энди раво эт менга домодлигим.¹⁷⁷

Тўй-никоҳ аҳдини тузгил ўзинг,
Жуфти ҳалолликка менга бер қизинг”.

Келди ғазабга халифа шул замон,
Лекин ўшал қаҳрини ютди ҳамон.

Деди: “Ҳарорат уни элтмиш магар,
Ёки менинг даҳшатим этмиш асар.

Ақлдин озмишми, бўлиб тийра кўз,
Йўқса, ботинмас эди айтмоққа сўз”.

2160 Эртаси кун боз синов айлади,
Уста яна айтганини сўйлади.

Сўрди, синов этди яна неча бор,
Кўрди, ўшандоқ эди унда қарор.

Англадики, сиррига етмоқ қийин,
Вазири-ла маслаҳат этди кейин.

Дедик: “Ташвиш ичида қолди бош,
Бўйла ҳунар этди менга сартарош.

¹⁷⁷ Домодлигим – куёвлигим.

Менга куёвлик этар орзу, ажаб,
Бок, не сурбет эмиш ул беадаб!

2165

Оғзида ханжар унинг, илкида тиғ,
Икки қилич остида бошим, дариг.

У келиб бошимга қазодек маним,
Тошин отар, унга нишон гавҳарим”.

Вазир анга дедики: “Эй шахриёр,
Балки оёғи тагида ганж бор?

Соч-соқол олгали келса ҳамон,
Унга буюргил нари тургил дебон.

Этмаса амринг, аяма, ур ани,
Сўнгра қазитгил у қадамгоҳини”.

2170

Уста яна бошига келган эди,
Унга халифа нари тургил, деди.

Баски ўшал жойдин узди қадам,
Титради шўрлик, бўзариб ранги ҳам.

Боши эгик эрди, даҳони юмук,
Бошни кўтармакка магар ҳоли йўқ.

Бас, қадами эрди у ганжинада,
Ўйлаки, шоҳ эрди у ойинада.

Чекди қадам, ганжинадин бурди бош,
Ўзини кўрди яна ул сартарош.

2175

Қаздилар ул жойни жадал айлабон,
Топдилар, эрди неча ганжи ниҳон.

Ҳар киши ганж узраки қўйгай қадам,
Сўзларида зоҳир эрур ганжи ҳам.

Ганжи Низомийки, ажаб, кўр ани,
Сийнайи софию дили равшани.

Йигирманчи мақолат

Замондошларнинг беадаблиги баёнида

Бизки ювиб бир йўла ўздин илик,
Шу сари хок узра турибмиз нечук?

Сухбати тупроқ сени хор айлади,
Бўйла ҳунарни неча бор айлади.

2180 Ўтди умр, кечди у давронимиз,
Орқада қолди кўчу карвонимиз.

Икки фаришта биз ила банд эрур,
Дев эса бадномлигимиз истаюр.

Гоҳида бир зумда оловдек ёниб,
Гоҳида бир лаҳзада кулдек совиб.

Нури дилу равшани гавҳар қани?
Роҳати осойиши аввал қани?

Субҳи қиёматки, у берди нишон,
Субҳи равон байроғи кўздин ниҳон.

2185 Лабда кибр кулгуси топди шикаст,
Жонда умр орзуси топди шикаст.

Сенки шу тупроққа асир, чорасин
Топки, у жонингни халос айласин.

Қоч бу тузоқданки, у хунхорадир,
Зийрагу ҳушёрлик анга чорадир.

Бўрида тиш ўткиру тилгувчидир,
Тулки тутилмас анга, билгувчидир.

Жаҳд қил, аҳдингга вафо айлагил,
Ўзни дема, хайри Худо айлагил.

2190

Хокдиле бўлки, вафо ундадир,
Ул гули инсофу гиё ундадир.

Ҳар ҳунареки, жону дилдин адо,
Ёйдир ўшал, риштаси сидқу вафо.

Ҳар ҳунареки, тани мардум эрур,
Топмаса қадрин, у гуҳар гум эрур.

Қадрини топганда турар ярқираб,
Чашмадир андоқки, оқар шарқираб.

Яхши ҳунар кўрса магар яхшилар,
Унга ҳамон жону кўнгил бахшилар.

2195

Баски ҳунар бирла замин пок эмиш,
Бўйла ҳунар ерда бугун йўқ эмиш.

Чиқса магар ўртага янги ҳунар,
Панжа урар унга ҳамон беҳунар.

Аҳли ҳунар кўнглини қон айлашар,
Унга бача захму зиён айлашар.

Ранжу риёзатни тамошо қилиб,
Нисбати андишани савдо қилиб,

Меҳру мурувватни дегайлар зиён,
Сидқу садоқатни атаб ройгон,

2200

Хайру саховатни этурлар мазах,
Сўзу суҳан ҳам дағи кулгу, мазах.

Нақши вафо музга чизурлар шитоб,
Ой ила офтобга уриб лофу қоф.

Гар нафасе малҳами роҳат ўлур,
Ўйлаки, ул қавмга жароҳат ўлур.

Шарбати лабдин тотиниб бўйлаки,
Сўнгра урарлар юзига тарсаки.

Кўрсалар ҳар ерда бир аҳли улум,
Сирка сотарлар сиқибон хом узум.¹⁷⁸

2205 Аҳли ҳунарга боқишар терс мудом,
Ишлари айб излашу заҳму зиён.

Ҳосили дарё ҳама гавҳар эмас,
Бир кишида битта ҳунар бўлса, бас.

Кўр кишига Дажла эрур қатра ёш,
Мўр чигиртка оёғи бирла хуш.

Айб қидиргувчи бир-икки нафар
Аҳли ҳунарларга нуқул тош отар.

Тийраданам тийра эрур гиллари,
Аччиқ эрур ғуссايи кўнгиллари.

2210 Дуд бўлишар улки димоққа етиб,
Ел бўлишар баски чироққа етиб.

Боқ шу жаҳон ҳолига, сардори ким?
Оламаро машҳуру номдори ким?

Ул неча бадному дағо, кўр ани,
Ҳозир эрурлар мени синдиргани.

Кўкдаги ойдирмен ўшал, синмагум,
Синсам агар, бунданам ортар нурим.

¹⁷⁸ Байтнинг мазмуни: Улар олимларни кўрганда сирка ичгандек афтларини бужмайтиришади.

Ранжу жафоким этишар ул қадар,
Сўнгра уни кўкка нечук элтишар?

2215 Сўз десам, чун чамани боғи рух,
Мункир улар, ўйлаки асҳоби Нух.

Эй олами Хизр, ғазо айлагил,
Эй нафаси Нух, дуо айлагил!

Дил, чекарсен неча бедодини,
Айла фаромуш ўшалар ёдини.

Гарчи улар макри беандозадир,
Жим туришимнинг ўзи овозадир.

Хукқада бир дур эса, солгай нидо,
Дур ила лиқ тўлса, чиқармас садо.

2220 Кўзи ярим эрса, ҳамон дод солур,
Тўлса, сукут ичра тамом жим қолур.

Зўр эса илминг, сукут айлагил,
Сўзу сухан таркини эт, тинглагил...

Булбул ва лочин ҳикояти

Боғи чаман ичра чирой очди гул,
Боғ аро булбул деди лочинга ул:

“Сен ҳама қушлар ичида хомуши,
Айт, сенга бегонами кўнгил хуши?

Лабни юмиш бўлди нуқул одатинг,
Лаб очибон, кимсага сўз қотмадинг.

2225 Манзилинг ул панжайи султон эмиш,
Ҳар куни тоғ каклиги сенга емиш...

Мен эса ғайб пардасидин ҳар замон
Юз гуҳару дур чиқарармен равон.

Лукма менга қурти хазондир нечун?
Уй менга боғ ичра тикондир нечун?”

Лочин анга деди: “Етар, тинглагил,
Мен каби бўл, сен-да сукут айлагил.

Мен чу бўлиб коршунос бир қадар,
Юзни этиб, бирни демам ҳеч маҳал.

2230 Сен эса, эй шефтайи рўзгор,
Бирни ҳам этмай, ани дерсан ҳазор.

Менки ҳама маъни эрурмен, манго
Этди насиб каклик ила дасти шоҳ.

Сенга у сайроқи тилингдин, демак,
Бўйла тикон узра яшаб, қурт емак...”

Хутба ўқилганда Фаридунга, ҳай,
Гумбури ноғорани ким тинглагай?

Тонг хўроз бонгидин отсайди ул,
Кулгу бўлур эрди шу дунё нукул.

2235 Чархки ул саҳнайи фарёд эмас,
Чанбаридин бир киши озод эмас.

Айлама овозайи назминг баланд,
Бўлма Низомий каби ул шаҳрбанд.¹⁷⁹

¹⁷⁹ Низомий каби шаҳарда тутқун бўлиб қолма.

Китоб хотимаси

Субҳкаллаҳ сабоҳ, эй дабир,¹⁸⁰
Чун қаламим тушди, сен олгувчи бўл.

Гар наматим ошса фалакдин фузун,
Бу қаламим этсин уни лолагун.

Бул ҳама олмосни эритдим, кейин
Кичкина ханжар ясадим шоҳ учун.

2240 Гар у тошларда темир бор эди,
Шайлаганим кўра-ўчоқ тор эди.

Давлат агар бўлса эди ҳамдамим,
Бошқача бўлгайди шиорим маним.

Кўнглима келгайки, гуноҳ айладим,
Неча варақларни қаро айладим.

Хаймада ул нозли келин барчаси,
Неча саҳаргоҳ нурининг жилваси...

Чўз қўлинг қўзи кабобим сари,
Айниган эрса, аяма, от нари.

2245 Олғаю оҳиста юриш пеша қил,
Сен ўша андишани андиша қил.

Сўзу сухан эрса адабдин йироқ,
Кечгил ўшандин, сенга солгай фироқ.

Илмдан эрмасса, кўтарса алам,
Гар мен эсам-да ўша ҳарф, чиз қалам.

Бермаса эрдим чу сухан додини,
Совға этардимми жаҳонга уни?

¹⁸⁰ Эй котиб, Аллоҳ сабоҳингни ойдин этсин.

Бул тарафимда сўз агар беҳуда,
Жумлайи атрофим унинг ҳукмида.

2250 Дейди замон менга: эмассен замин,
Ер каби ўлтирма, жадал айлагин.

Бикри маонимки, унинг мисли йўқ,¹⁸¹
Эгнида арзирли тўни, асли йўқ.

Кийгани ул тиззага етгай, ажаб,
Тиз чўкиб ўлтиргусидир ул сабаб.

Қаддига мос жомайи зебо керак,
Токи оёқда тура билсин малак...

Ёшу қари наздида ул ҳар нафас
Йиққаним овоза фақат, бошқамас.

2255 Бор неча савдою, самар – мутлақо,
Заҳмати бозору, бўлак ҳеч вақо.

Ганжа бўғиб олди яқомдин маним,
Йўқса, Ироқ олтини эрди маним.

Бонг уриб дейди жаҳон: “Эй ғулом,
Қайда ўшал ганж, Низомий қаён?”

Шукрки, бу номага унвон етиб,
Умрдин олдин анга поён етиб,

Этди Низомий зар ила зеварин,
Сарфлади унга неча бир гавҳарин.

2260 Эй муборак шу гуҳар сочгани
Шоҳгаким, айлади эҳсон ани.

¹⁸¹ Бикри маоним – янги, топ-тоза, бокира маъноларим.

Қуш эди илкимда қалам, ул эса
Ёзди қанот саҳфайи қоғоз уза.

Бошин эгиб, лабларидин тўкди дур,
“Махзан ул-асрор” тугади, деди ул.

Этсам агар ой санасин ошкор,
Кун йигирма тўрту аввал баҳор.

Йил эса ҳижратдин ўтиб ул замон,
Беш юзу етмиш ики эрди ҳамон¹⁸²...

¹⁸² Милодий 1175 йил.

МУНДАРИЖА

Кўнгил оламига саёҳат.....	4
Дебача.....	24
<i>Илк муножот. Аллоҳнинг қаҳру ғазаби ва</i> <i>ундан қўрқиш баёнида.....</i>	28
<i>Иккинчи муножот. Аллоҳни афви ва инъоми баёнида.....</i>	32
Расули акрам саллаллоҳу алайҳи вассаллам васфида.....	34
Меърож.	36
Биринчи наът.	42
Иккинчи наът.	44
Учинчи наът.....	46
Тўртинчи наът.....	49
Малик Фахруддин Баҳромшоҳ ибни Довуд мадҳида.....	52
Ер ўпиб, таъзим адо айлаб айтурким.....	54
Бу номанинг мақоми ва мартабаси баёнида.....	57
Сўз фазилати баёнида.	61
Манзум сўзнинг мансурдан афзаллиги.....	63
Тун тавсифи ва кўнгилни билиш баёнида.....	69
Кўнгил тарбиясида илк хилват.....	76
Биринчи хилват самарси.....	82
Тунги ишрат асносида.	85
Иккинчи хилват.	89
<i>Илк мақолат. Одам атонинг яратилиши хусусида.....</i>	93
Ноумид подшо ва уни Аллоҳ афв этгани ҳикояти.....	99
<i>Иккинчи мақолат. Инсоф, адолат ҳимоясида шоҳга</i> <i>панду насиҳат.</i>	101
Нўширавон ва унинг вазири ҳикояти.....	105
<i>Учинчи мақолат. Дунё ҳодисалари хусусида.....</i>	109
Сулаймон ва деҳқон ҳикояти.....	113
<i>Тўртинчи мақолат. Подшонинг раиятга ҳусни</i> <i>риояти баёнида.</i>	115
Кимсасиз кампир ва султон Санжар ҳикояти.....	117
<i>Бешинчи мақолат. Кексалик васфида.....</i>	120
Ғаштчи чол ҳикояти.	124
<i>Олтинчи мақолат. Мавжудот эътибори баёнида.....</i>	125
Сайёд, унинг ити ва тулки ҳикояти.....	128
<i>Еттинчи мақолат. Одабийликнинг бутун</i>	

хилқатлардан устунлиги.	132
Фаридун ва оҳу ҳикояти.	136
<i>Саккизинчи мақолат. Яратилиш баёнида</i>	137
Иевафуруш ва тулки ҳикояти.....	142
<i>Тўққизинчи мақолат. Дунё ташвишларидан</i> <i>қутилиш баёнида</i>	143
Тавбабузар зоҳид ҳикояти.....	147
<i>Ўнинчи мақолат. Охирзамон аломатлари баёнида</i>	148
Исо алайҳиссалом ҳикояти.	153
<i>Ўн биринчи мақолат. Дунёнинг бевафолиги баёнида</i>	155
Соҳибназар мўъбад ҳикояти.....	157
<i>Ўн иккинчи мақолат. Тупроқ манзили</i> <i>бўлмиш дунёга видо айтиш.</i>	160
Жанжаллашган ҳакимлар ҳикояти.....	163
<i>Ўн учинчи мақолат. Дунёга таъна-маломат ёғдириш</i>	165
Ҳожи ва сўфий ҳикояти.	158
<i>Ўн тўртинчи мақолат. Ғафлатга маломат ёғдириш</i>	171
Золим подшо ва ростгўй киши ҳикояти.....	175
<i>Ўн бешинчи мақолат. Ҳасадгўйларга маломат ёғдириш</i>	177
Ёш шаҳзода ва унинг кекса душманлари ҳикояти.....	180
<i>Ўн олтинчи мақолат. Маслак йўлида жадал</i> <i>олға босиш баёнида.</i>	182
Мажруҳ бола ҳикояти.	186
<i>Ўн еттинчи мақолат. Ибодату тажрид баёнида</i>	187
Пир ва мурид ҳикояти.	191
<i>Ўн саккизинчи мақолат. Мунофиқларга маломат ёғдириш</i>	193
Жамшид ва унинг хос маҳрами ҳикояти.....	195
<i>Ўн тўққизинчи мақолат. Охират ила юзлашув баёнида</i>	199
Хорун-ар-Рашид ва сартарош ҳикояти.....	204
<i>Йигирманчи мақолат. Замондошларнинг</i> <i>беадаблиги баёнида.</i>	206
Булбул ва лочин ҳикояти.....	209
Китоб хотимаси.	211

Адабий-бадий нашр

ШАЙХ НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ

МАХЗАН УЛ – АСРОР

(Сирлар хазинаси)

Мухаррир: Ў.Холдорова

Мусахҳиҳ: А.Набиев

Саҳифаловчи: А.Муродова

Нашриёт лицензияси II № 193. 10.05.2011 йил
Босишга рухсат этилди 02.05.2016 й. Бичими 60x84 ¹/₃₂
Шартли босма табағи 13.9.6. Нашр табағи 13,4
Адади 200 нусха, буюртма № 24

“**Kamalak**” нашриётида нашрга тайёрланди.

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тел: +99895 303-05-60

«**RELIABLE PRINT**» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 2-уй.